


ЭЙДЕН ТОЗЕР



ХУДОНИНГ  
БУЮКЛИГИ



Эйден Тозер

# Худонинг Буюклиги

# Муңдарижа

Муаллифдан

1. Нима учун биз Худо ҳақида тўғри фикрлашимиз керак
2. Эришиб бўлмас Худо
3. Илоҳий белгилар: Худо ҳақидаги баъзи бир ҳақиқатлар
4. Муқаддас Учбирлик
5. Худонинг баркамоллиги
6. Худонинг эркинлиги
7. Худонинг абадийлиги
8. Худонинг чексизлиги
9. Худонинг доимийлиги
10. Худонинг ҳамма нарсадан бохабарлиги
11. Худонинг донишмандлиги
12. Худонинг қудратлилиги
13. Худонинг трансцендентлиги
14. Худонинг ҳар ерда ҳозирлиги
15. Худонинг содиқлиги
16. Худонинг меҳрибонлиги
17. Худонинг адолатлилиги
18. Худонинг раҳмдиллиги

19. Худонинг марҳамати
20. Худонинг севгиси
21. Худонинг муқаддаслиги
22. Худонинг олий ҳокимияти
23. Очиқ сир

# Муаллифдан

Ҳақиқий эътиқод ерни само билан таққослайди ва вақт устидан абадийлик ўрнатади. Масиҳ ҳақида гапирувчи ҳар бир киши, гарчи Худо каломни орқали сўзласа-да, квакерлар айтганидек, ўз тингловчиларининг «даражасини ҳисобга олган ҳолда сўзлаш»и керак; акс ҳолда у фақатгина ўзига маълум бўлган тилдагина гапирган бўлади. Унинг сўzlари нафақат абадийликка, балки ўз замонасига ҳам қарата айтилган бўлиши керак. У ўз авлодига сўзлаши керак.

Гарчи бу китобда баён этилган муаммо шу бутунги кунда вужудга келган бўлмаса-да, айнан бизнинг замонамизга тегишлидир. Бирмунча вақтлардан бери кўпчилик имонлилар Худонинг буюклиги тушунчасини йўқотиб қўйишган. Жамоат Худо ҳақидаги ўзининг бир пайтлардаги юксак тасаввуридан воз кечди. Уни Раббимиз ҳақида фикр юритадиган, Унга итоатда бўлган имонлиларга нолайиқ тарздаги тубан ва бемаъни тасаввурга алмаштирди. Жамоат бу ишга ёмон ўй-фикрда қўл ургани йўқ, балки ўзи ҳам билмаган ҳолда, аста-секинлик билан, қадамма-қадам қилди. Бу нарсани жамоатнинг ўзи ҳам тушуниб етмаганлиги сабабли, унинг аҳволи борган сари фожеали бўлиб бормоқда.

Деярли ҳамма ердаги масиҳийларга хос бўлган Худо тўғрисида чекли равишда фикрлаш хусусияти бир қарашда сезилмайдиган кўпгина иллатларнинг сабабчиси ҳисобланади. Масиҳийлик ҳаётидаги бутун бир янгича фалсафа — Худо ҳақидаги фикрлашларимизнинг ана шу хатоси натижасидир.

Ўзимиздаги Худонинг буюклиги туйғусини йўқотган бир пайтда, биз имондаги хайр-баракамиздан ҳам, Худонинг

иштирокини сеза билиш туйғусидан ҳам маҳрум бўлганмиз. Бизнинг Худога бўлган итоатимиз кўтаринки руҳда бўлмай қолди ва шу сабабли, Худо билан ибодатдаги сокин вақтда учрашиш учун руҳан эътиборни бир жойга тўплаш қобилиятини йўқотиб қўйдик. Ҳозирги кун масиҳийлиги ўзларида Муқаддас Руҳдаги ҳаётни сеза оладиган ва қадрлайдиган масиҳийларни юзага келишига имкон бермайди. «Тўхтанг, билингни, Мен — Худоман» (Забури саноси 45:11) деган сўзлар XX асрда яшаётган, ўзига ишонган ва бетартиблик ботқоғига ботган имонли учун ҳеч қандай маъно касб этмайди.

Худонинг буюклиги тўғрисидаги тушунча эътиқод жуда кўп нарсага эришган, жамоатлар эса сўнги бир неча юз йилларга қараганда янада гуллаб-яшанаган бир пайтда қўлдан бой берилган эди. Бироқ бизнинг ютуқларимиз асосан ташқи, талофатларимиз эса тўлалигича ички эканлиги бизни ташвишга солади. Айнан ички ҳолат имонимиз сифатига таъсир кўрсатишини ҳисобга оладиган бўлсак, у ҳолда ютуқларимиз янада тарқалиб бораётган талофатларимиздан кам эмас.

Руҳий талофатлар ўрнини тўлдиришнинг ягона усули — бу юзага келган ҳолатнинг сабабини тушуниб етиш ва ҳақиқатни тиклаган ҳолда йўл қўйилган хатоларни бартараф этишдир. Бизнинг кулфатларимиз муқаддаслик тўғрисидаги тушунчани йўқотиб қўйганимиздан келиб чиқаяпти. Даво топиш учун эса узоқ йўл босишимиз керак. Ана шу йўлда биз ўзимиз учун Худо буюклиги туйғусини қайтадан яна кашф этишимиз мумкин. То Худо ҳақидаги тушунчамиз хато ва ҳақиқатга зид экан, ахлоқимиз шаклланмайди ва қарашларимиз тўғирланмайди. Агар ўз ҳаётимизга руҳий куч-

қудратни қайтаришни истасак, у ҳолда тасаввурларимиз билан яратилган Худо тимсоли ҳақиқатан ҳам бор бўлган Худого имкон қадар кўпроқ ўхшаши учун ҳаракат қилишимиз керак.

Мақсади Худонинг Ўзига хос фазилатларини ўрганиш бўлган бу хайрли тадқиқотни мен сизларга Само буюклиги тушунчасини мукаммаллаштириш борасидаги қилинган ишларга қўшган камтар ҳиссам сифатида тақдим этаман. Агар бутунги кунда масиҳийлар Августин ёки Ансельм каби буюк кишиларнинг асарларидек китобларни ўқиганларида эди, мана бундай китобни ёзишнинг ҳожати ҳам қолмасди. Бироқ замонавий масиҳийлар бу кишиларнинг фақатгина номларини билишпади, холос. Нашриётчилар ўз бурчларини англаган ҳолда, уларнинг китобларини қайта нашр қиладилар ва маълум бир вақт ўтгач, бу китоблар иш жойимиздаги жавонларда пайдо бўлади. Ҳамма бало ҳам шундаки, улар шу ҳолича жавонда қолиб кетаверади. Дин намоёндалари онгининг ҳозирги даврдаги ҳолати жуда ҳам ачинарли аҳволдадир. Шу сабабли энг ўқимишли масиҳийлар ҳам бу китобларни ўқий олмайдилар.

Бутун диққат-этиборни қаратган ҳолда ўқишни талаб қиладиган, тушуниш қийин бўлган эътиқод масалалари ҳақидаги илмий асарлардан юзга яқин саҳифани ошиб ўта оладиган масиҳийларни топиш жуда қийин. Жуда кўпчилик учун бундай китоблар улар мактабда ўқиган ва кейинчалик кўнгли совиб, воз кечган дунё классик адабиёти намоёндалари асарларини эслатади.

Шунинг учун бундай китоб балки, фойдали бўлиши мумкин. Бу китоб нафақат танланганлар учун, нафақат техник ёки бошқа характердаги ўзига хос билимга эга бўлган кишилар учун ёзилган, балки маълум бир қолипдаги адабий услубга

эътирозларсиз Худони улуғлаш тилида ёзилгандир. Шу сабабдан ҳам, балки бу китобни ўқишни истаган кишилар топилиб қолар. Гарчи бу китобда масиҳийлик эътиқодида топиш мумкин бўлмаган бирор нарса учрамаса-да, мен профессионал теологлар учун эмас, балки юраклари Худони излашга ундаётган оддий одамлар учун ёзаяпман.

Унча катта бўлмаган бу китоб юрагимизда Худога нисбатан шахсий имонимизнинг қандайдир даражада чуқур илдиз отишида ёрдам беришига умид қиламан. Агарда бир неча киши китобни ўқиб бўлиб, Худонинг моҳияти ҳақида хайрли фикрлай бошласалар, бу нарса китобни ёзишга сарф қилинган ҳамма меҳнатни оқлашдан ҳам юксакроқ бўлар эди.



## Нима учун биз Худо ҳақида тўғри фикрлашимиз керак

*Эй Тангрим, Қодир Худо, файласуф ва донишмандларнинг эмас, балки пайгамбарлар ва ҳаворийлар Худоси, яна ҳам яхшироғи: Раббимиз Исо Масиҳнинг Худо-Отаси, мен Сенинг борлигингни Сенинг тимсолинггни бузмаган ҳолда ифода қила оламанми?*

*Балки Сени таниб-билмаганлар Сенга эмас, ўз хаёллари яратган ижодга бош эгиб, таъзим қилаётгандирлар. Биз Сени қандай бўлсанг, шундайлигингча таниб-билишимиз учун, Сени комил сева билан сева олишимиз учун ва Сенга шон-шарафлар айта олишимиз учун ақлларимизни чарогон қил. Раббимиз Исо Масиҳ номи билан. Омин.*

Бизнинг Худо ҳақидаги тушунча ва тасаввурларимиз тўла-тўқис ҳолда ўзлигимизни ифода этади.

Дунё тарихи шуни кўрсатадики, ҳеч бир халқ ўз динидан юқори бўлмаган, инсониятнинг руҳий ўтмиши эса буюклиги ўзи тарғиб қилган Худо ғоялари буюклигидан устун бўлган бирорга ҳам дин йўқлигидан гувоҳлик беради. Худога итоат қилиш пок ва беуқсон бўлиши ёки аксинча, имонли

кишининг Худо тўғрисидаги фикрлари юксак ёки паст даражада эканлигидан қатъий назар, тубан бўлиши мумкин.

Шу сабабдан Жамоат учун энг муҳими — бу Худодир, инсондаги энг ажойиб нарса эса — унинг сўзлари ёки ишлари эмас, балки Худо ҳақидаги тушунчасидир. Қалбимизнинг сирли қонуни бизни бевосита ўз фикр-хаёлларимизда яратилган Худо тимсоли сари бошлайди. Бу фақатгина ҳар бир масиҳий учун алоҳида тарзда эмас, балки Жамоатни ташкил қилувчи масиҳийлар гуруҳига ҳам тегишлидир. Худо тўғрисидаги тушунчасига қараб, Жамоат тўғрисида бемалол фикр юритса бўлади. Худди шунингдек, Жамоат учун унинг Худо тўғрисида айтган фикрлари ёки Худо тўғрисида айтишни маъқул деб топмаган фикрлари жуда муҳимдир. Негаки кўп ҳолларда Жамоатнинг сукут сақлаши унинг нутқига қараганда маънолироқ бўлиши мумкин. Жамоат ўзининг Худога бўлган муносабатини яшира олмайди.

Агар инсон Худо ҳақида фикр юритганида хаёлига нима келишини олдиндан етарлича тўлиқ айтиб беролганида эди, у ҳолда бу инсоннинг руҳий келажагини ишонч билан айтиб бериш имкони бўлар эди. Агар кўп жиҳатдан эътиборга молик руҳий раҳбарларимизнинг бугунги кунда Худо ҳақида нима ўйлаётганларини аниқ билганимизда, биз эртага Жамоатнинг қаерда бўлишини маълум даражадаги аниқлик билан айтиб беришимиз мумкин эди.

Шубҳасиз, ақл-идрокимизда юзага келадиган энг улуғвор фикр — бу Худо ҳақидаги фикрдир, ҳар қандай тилдаги энг салмоқдор сўз эса — «Худо» сўзидир. Фикр ва нутқ — бу Худонинг Ўз қиёфасига ўхшаш ҳолда яратган мавжудотлари учун берилган Унинг инъомидир; фикр ва нутқ Худо билан узвий боғлиқ ва Ундан ажралган ҳолда бўлиши мумкин эмас.

Ва шунингдек, биринчи сўзнинг Калом бўлганлиги далили катта аҳамият касб этади.

«Каломуллоҳ Худо наздида эди, Каломуллоҳ Худо эди»  
(Юҳан. 1:1)

Биз Худо гапирганлиги учун ҳам гапира оламиз. Худода сўз ва фикр ажралмасдир.

Худо ҳақидаги тушунчамиз имкон қадар Худонинг асл моҳияти билан мувофиқ бўлиши биз учун жуда муҳимдир. Имонимизнинг шаклланиши Худо ҳақидаги фикрларимизга нисбатан олганда деярли аҳамият касб этмайди. Бизнинг Худо ҳақидаги ҳақиқий тушунчаларимиз умумий қабул қилинган диний тушунчалар сарқити остига кўмилган бўлиши мумкин ва Худо ҳақидаги ҳақиқий тушунчамизни кўриш ҳамда англаб етиш учун яхши ўйлаган, саботли изланиш керак бўлар. Фақат жиддий олиб борилган таҳлилдан кейингина, биз Худо ҳақида аслини олганда нималарни ўйлашимизни билиб олишимиз мумкин.

Худо ҳақида тўғри тушунча юритиш нафақат мунтазам теологиянинг, балки амалдаги масиҳий ҳаётнинг ҳам негизини ташкил қилади. Бизнинг итоат қилишимиз учун ҳам бу нарса маъбад пойдевори каби аҳамиятга эгадир. Агар пойдевор нотўғри ёки нотекис қўйилган бўлса, у ҳолда бир кун келиб маъбад албатта қулаб тушади. Худога муносиб бўлмаган тасаввурлар ёхуд амалга ошмаган фикрлар натижаси сифатида тушунтириш мумкин бўлмаган Жамоат ақидасини инкор қилиш ёки масиҳийлик этикаси мезонларини бузишдек ҳоллар камдан-кам учрайди.

Менимча, бугунги кунда, XX асрда ҳукм сураётган Худо ҳақидаги тушунчалар Тангри учун бутунлай нолайоқдир ва ўзини имонли деб атайдиган кишилар учун эса қандайдир маънавий фожеага айланиб қолган.

Агарда, ҳатто самовий ва дунёвий муаммоларнинг барчаси бир вақтнинг ўзиде елкамизга келиб тушса ҳам, бу муаммо биз Худо ҳақида ўйлаб, «У борми? У қанақа? Ва биз, ахлоққа эга бўлган мавжудотлар Унга нисбатан *ўзимизни қандай тутишимиз керак?*» каби саволлар исканжасида қолган пайтимизда қаршимизда юзага келадиган буюк муаммо олдида ҳеч нарса бўлиб қолади.

Худо ҳақида тўғри тушунчага эга бўлган киши, минглаб ўткинчи муаммолардан озод бўлади, чунки агар бу муаммолар безовта қила бошласа-да, узоққа чўзилмаслигини у дарҳол англаб етади. Бироқ, агарда бу киши бир лаҳзалик муаммолар юкини ўздан ағдариб ташласа ҳам, абадийликнинг оғир юки уни бу дунёнинг жамики кулфатларига қараганда янада кучлироқ эза бошлайди. Бу оғир юк — инсоннинг Худо олдидаги бурчидир. Бу бурч эса ўз навбатида Худони бутун ақлимиз ва юрагимиз билан севиш, Унга тўла-тўқис итоатда бўлиш ва Унга чин дилдан хизмат қилишдек умримиз охиригача биз билан бирга бўладиган ҳар дақиқалик вазифадан иборатдир. Уйғоқ инсон виждони инсонга унинг бу вазифаларни адо этмаганини ва аксинча, болалигидан Само улўғворлигига қарши чиққанини айтган пайтда эса, руҳан ўз-ўзини ҳукм қилиш юки янада чидаб бўлмас даражада оғирлашади.

Хушхабар бизни бу оғир юкдан халос этиши, кул ўрнига гўзаллик бериши, ғамгинлик ўрнига шон-шухрат либосини кийдириши мумкин. Бироқ инсон бу оғир юкни ҳис қилмас экан, Хушхабар бу кабилар учун ҳеч қандай аҳамиятга эга

бўлмай қолади. Шунингдек, инсон Худони баланг Самода кўрмас экан, унинг учун на ғам-ташвиш, на оғир юк бўлади. Худоба паст назар билан қараш, бундай нуқтаи-назардаги одамларни Хушхабардан маҳрум қилади.

Инсон юрагига хос бўлган гуноҳлар ичида бутга сиғинишдек Худо учун энг жирканчли гуноҳдан оғирроғи топилмас керак. Чунки бутга сиғиниш — бу Худо шахсига нисбатан қилинган бўҳтондир. Бутга сиғинувчининг юраги Худонинг асл моҳиятини бузиб кўрсатади (бунинг ўзи эса даҳшатли гуноҳдир) ва ҳақиқий Худони бутга сиғинувчининг ўзига ўхшаш бўлган мавжудот билан алмаштиради. Бундай худо ҳар доим ўзининг «яратувчиси» тимсолига мувофиқ тарзда бўлади. Бундай худо уни яратган киши ақл-идрокининг маънавий ҳолатига боғлиқ равишда тубан ёки улғвор, бешафқат ёки раҳмдил бўлиши мумкин.

Табиийки, тубанлашиб бораётган қалб зулматида яратилган худо, ҳақиқий Худоба ўхшамайди. Забур саносида Худо аҳмоқ одамга юзланиб, шундай дейди: «Шунда Мени ўзинга ўхшаш деб ўйладинг» (Забур саноси 49:21). Албатта, бу атрофида ҳар доим фаришталар: «Сарвари коинот, Тангри Таоло Муқаддас, муқаддас, муқаддасдир!» деб хитоб қилаётган Тангрига нисбатан жиддий ҳақоратдир.

Келинлар, бутга сиғиниш — бу кўриш мумкин бўлган сиғиниладиган нарсалар қошида тиз чўкиш эканлиги ҳақида ўйламай қўя қолайлик ва қолаверса, ҳар томонлама тараққий этган одамлар бу гуноҳдан озоддирлар. Бутга сиғинишнинг асл моҳияти — бу Худо ҳақида Унга нолайиқ тарзда фикр юритиш демакдир. Бутга сиғиниш киши онгида туғилади ва бирор-бир очиқ кўринишларсиз мавжуд бўлиши мумкин. Бу ҳақда ҳаворий Павлус шундай деб ёзади: «Чунки улар Худони идрок

этган ҳолда, Уни Худо сифатида улуғламадилар ва Унга шукрона айтмадилар. Бунинг ўрнига бемаъни хаёлларга берилиб, уларнинг бефаросат диду дилига зулмат тушди» (Рим. 1:21).

Шундан сўнг одамлар, қушлар, ҳайвонлар ва судралиб юрувчилар тимсолига ўхшаш қилиб яратилган бутларга сиғиниш бошланади. Худо ҳақидаги нотўғри фикрлар — бу фақатгина бутга сиғинишдек иллатнинг ифлос суви оқаётган булоқ эмас, бу ўй-фикрларнинг ўзи ўз моҳиятига кўра — бутга сиғинишдир. Шу тарзда сиғинувчи киши Худо ҳақида ниманидир ўйлаб чиқаради, кейин эса ўзини шундай тутадики, гўё бу ўйлаганлари ҳақиқатдек бўлиб кўринади.

Худо ҳақидаги бузуқ фикрлар улар пайдо бўлган эътиқоднинг емирилишига олиб келади. Исроилнинг узоқ давом этган тарихи бунинг етарлича аниқ қилиб кўрсатиб беради, Жамоат тарихи ҳам бу нарсани тасдиқлайди. Худо ҳақидаги юксак тушунчалар Жамоат учун шу қадар зарурки, агарда бу тушунчалар қандайдир даражада пасайса, Жамоат ҳам ўз хизмати ва ахлоқий мезонлари билан бирга тубанлашган бўлади. Ҳар қандай жамоат Худо ҳақидаги юксак тушунчалардан воз кечса, бу йўлга ўзининг илк қадамини кўйиши мумкин.

Масиҳий Жамоат емирилишга учрашидан олдин, албатта унинг таълимоти асослари йўқола бошлайди. Жамоат шунчаки «Худо қандай?» деган саволга нотўғри жавоб беради ва қолган ҳамма нарса шундан келиб чиқади. Балки Жамоат ҳеч нарса ўзгармаганлигини исботлашга уринар, бироқ бу ҳаракат жуда қалбаки бўлиб кўринади. Бу Жамоатга келувчи биродарлар ҳақиқий Худога ўхшамайдиган худога ишониб бошлайдилар; бу эса ўз навбатида жуда маккор ва ҳавфли таълимотдир.

Худо ҳақидаги тушунчасини пок ва юксак, Худо ва Унинг Жамоатига лойиқ тарзда ифода қилиш — замонавий масиҳий жамоатнинг биринчи ўриндаги вазифасидир. Ҳар бир ибодатда ва ҳар қандай ишда бу вазифа биринчи ўринда туриши керак. Биз ўзимиздан олдинги авлодлар — яҳудийлар ва масиҳийлардан олган Худо ҳақидаги бенуқсон ва бебаҳо тушунчаларни масиҳийларнинг кейинги авлодига етказар эканмиз, улар учун улуғ бир ишни амалга оширган бўламиз. Ва бу мерос келажак авлод учун санъат ва фан мерос қилиб қолдирадиган инъомдан қадрлироқ бўлади.

Маъбаддаги Раббимиз,  
Аввалгидек қўллари-ла  
Халқни боқаётган Худо;  
Узоқ ва машаққатли йўлда  
Аждодларни бошқарган Худо;  
Ўз ваъда ва ибодатимиз  
Ҳозир келтирмоқчимиз Сенинг  
Раҳм-шафқат ва мурувват тахтинга.  
Ота-боболаримиз Худоси!  
Биз фарзандлар учун ҳам Худо бўл!

*Филипп Доддрид*

## Эришиб бўлмас Худо

*Раббим, биз қандай мураккаб вазиятларга тушиб қолмоқдамиз! Сен ҳозир бўлган пайтда кўпроқ сукут сақлаш биз учун камтарлик бахшида этади, бироқ севги юракларимизда аланга олади ва бизни гапиришга мажбур қилади.*

*Агар жим бўлган тақдиримизда, бизнинг ўрнимизга тошлар ҳайқира бошлаган бўлар эди; шундай экан, агар биз гапира бошласак, у ҳолда биз нимадан сўз очишимиз мумкин? Биз била олмайётган нарсаларни билишимизга бизни ўргат, чунки Тангри инсонга кўринмайди, У фақатгина Тангри Руҳигагина кўриниши мумкин. Ақл-идрок бизни қўллаб-қувватлай олмаган жойда имон бизнинг таянчимиз бўлсин ва биз ишониш учун эмас, балки ишонганимиз учун ўйлай бошлаймиз.*

*Ҳазрати Исо номи билан. Омин.*

Болада ҳам, файласуфда ҳам ва дину эътиқод вакилида ҳам бир хил: «Худо қанақа?» деган савол мавжуд.

Бу китоб ушбу саволга жавоб бериш учун қилинган ҳаракатдир. Бироқ бошидаёқ мен шу нарсани тан олишим керакки, бу саволга Худо ҳеч бир нарсага ўхшамаслиги, яъни У бирор



нарсага ёки бирор кимсага *аниқ* ўхшамаслигини айтиб қўйишдан бўлак жавоб бериб бўлмайди.

Ўзимиз шу пайтгача билганларимиздан кўприк сифатида фойдаланиб, биз учун номаълум бўлган нарсалар томон ўтамиз ва ўрганиб борамиз. Инсон ақл-идроки яхши таниш бўлган бирор нарсадан бутунлай нотаниш бўлган бошқа бир нарсага кескин равишда ўта олмайди. Ҳатто энг ақлли бўлган одамлар ҳам фикрлаш орқали ҳеч нарсадан ниманидир пайдо қила олмайди. Афсона ва хурофот дунёсини эгаллаган ғайритабиий мавжудотлар — хом хаёллар натижасида шунчаки яратилган мавжудотлар эмас. Тасаввур бу мавжудотларни ерда, ҳавода ва денгизда яшовчи оддий мавжудотлардан асос қилиб олган ҳолда ёки уларнинг одатдаги қиёфаларини ақл бовар қилмас даражада катта ёки кичик қилиб олган ҳолда, ёхуд бир ёки ундан кўп мавжудот қиёфасини бирлаштириб, янгисини ҳосил қилган ҳолда яратди. Бу мавжудотлар қай даражада ажойиб ёки қўпол бўлишидан қатъий назар, ҳаминиша уларнинг прототипини топиш мумкин. Улар бизга аввалдан маълум бўлган нарсаларга ўхшайди.

Ҳаяжонга тушган одамларнинг сўз билан тушунтириб бўлмайдиган нарсаларни ифода қилишга қилган уринишлари Муқаддас Ёзувларда кўриниб турган тангликка олиб келди. Худо бераётган бу ваҳий *руҳий* дунёга тааллуқли бўлгани учун (пайғамбарларнинг фикрлаши эса *моддий* дунёга тегишли бўлгани учун), пайғамбарлар ўзларига берилган ваҳийни тўла тушунтириб бера олмаганлар. Лекин Муқаддас Ёзув одамларга тушунарли бўлиши учун улар ҳақиқатан бўлиб ўтган воқеага ўхшаш тушунчани одамларга етказишган.

Билимларимиз доирасидан четда бўлган нарсалар бизга ваҳий қилинганида, Муқаддас Рух берилган ваҳийнинг биз

биладиган нарсалардан бирортасига *ўхшаш* эканлигини тунтиради. Лекин биз айтилган нарсани кўр-кўрона қабул қилмаслигимиз учун, Муқаддас оятлар анча эҳтиёткорлик билан сўз юритади. Масалан, Иезекиел пайғамбар Худодан ваҳий олганида, сўз билан ифодалаб бўлмайдиган нарсани кўрганини англайди. Ваҳийда кўрган нарса, у аввал ҳаётида кўрган ҳамма бошқа нарсалардан фарқ қилар эди. Шу сабабдан, у ўхшатишлардан фойдаланишга мажбур бўлди.

«Бу мавжудотларнинг кўриниши ёниб турган чўгга ўхшарди» (Иез. 1:13).

Қанчалик ёниб турган тахтга яқинлашар экан, пайғамбарнинг сўзларидаги ишонч шунчалик сўниб борар эди:

«Уларнинг бошлари тепасидаги гумбазда эса ложувард тошидан қилинган тахтга ўхшаган нарса, тахт устида эса инсонга ўхшаш бир зот ўтиргандек. Бу зотнинг кўриниши чўғ бўлиб турган металлга ўхшарди..., атрофидан эса нур тараларди. Худонинг жалоли ҳақидаги ваҳий шундай нозил бўлди» (Иез. 1:26-27; 2:1).

Бу сўзлар қай даражада ғалати бўлишига қарамай, улар ифода этаётган нарса қандайдир ғайритабиийликни вужудга келтирмайди. Оятда тасвирланаётган бу кўриниш ҳақиқат, бироқ инсон ақл-идрокига маълум бўлган нарсалардан йироқдир. Шу сабабли кўриб турган нарсалари ҳақидаги фикрни ифода қилиб бера олиши учун пайғамбар «ўхшаш», «гўёки», «кўринишидан ўхшаш» каби сўзлардан фойдаланиши керак. Шунда ҳатто тахт ҳам «тахтга ўхшаш» бўлади, Унда ўтирган Зот эса инсонга ўхшагани билан, бир вақтнинг ўзида

шу даражада инсонга *ўхшамайдики*, Уни фақатгина «инсонга ўхшаш» деган сўзлар билан тасвирлаш мумкин.

Муқаддас Ёзувларда инсон Худо сурати ва қиёфасига ўхшаш тарзда яратилган, деб айтилган пайтда, биз бу тасдиққа, бу ерда аниқ ўхшашлик назарда тутилаяпти, деган ўзимизнинг шахсий фикримизни қўша олмаймиз. Агар шундай қилинса, у ҳолда инсон — Худодан олинган нусха бўлиб қолади ва бу билан Худонинг мукамаллиги йўқолади, охир-оқибатда эса Худонинг Ўзи бутунлай йўқолади. Бу Худо бўлган нарсани Худо бўлмаган нарсалардан ажратиб турувчи чексиз улкан деворни ёриб ўтиш деганидир. Яратилганни ва Яратувчини бир-бирига асосий нарсаларда ўхшатиш — бу Худони кўп хусусиятлардан маҳрум қилиш ва Уни яратилган мавжудот даражасига қадар пасайтириш демақдир. Мисол учун, бундай ҳолда Худо Ўзига тегишли бўлган чексизликдан маҳрум бўлади: Борлиқда иккита чексиз субстанциянинг бўлиши мумкин эмас. Бу шунингдек, Худони Унинг эркинлигидан маҳрум қилади: Борлиқда иккита мутлақ эркин нарса бўлиши мумкин эмас, бир кун келиб иккита тўлиқ хоҳиш-ирода бир-бири билан тўқнашиши муқаррар. Худонинг бу хусусиятлари (шунингдек бу ерда айтилмаган бошқа хусусиятлари ҳам) шундай хусусиятларки, улар фақатгина бир зотга тегишли мумкин.

Ўзимиз учун Худонинг қандай эканлигини тасаввур қилишга ҳаракат қилган пайтимизда, биз онгимизнинг ишлаши учун бошланғич ҳом-ашё сифатида Худо бўлмаган нарсаларни ишлатишга мажбур бўламиз.

Бундан келиб чиқадики, биз Худони ўзимиз учун қандай кўринишда тасаввур қилмайлик, тасаввурларимиз ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки биз Худо ҳақидаги ўз тасаввурларимизни Унинг яратган нарсалари асосида шакллантираемиз.

Худо яратган нарсалар эса Худо бўла олмайди. Агарда биз Худони ўзимиз учун тасаввур қилишга астойдил ҳаракат қиладиган бўлсак, у ҳолда охир-оқибатда қўлларимиз билан эмас, фикрларимиз билан ясалган бутга эга бўлиб қоламиз. Инсон онги билан яратилган бут эса, инсон қўллари билан ясалган бут каби Худо учун ҳақоратлидир. “Ақл-идрок Сен унга намоён бўлмаслигини билади, — деган эди Николай Кузанский. — Чунки ақл-идрок таниб-билиб бўлмайдиган нарса маълум бўлмаса, кўринмайдиган нарса кўринадиган бўлмаса, эришиб бўлмас нарса эришиладиган бўлмаса, Сени билиш мумкин эмаслигини билади”<sup>1</sup>.

“Агарда бирор киши Сенга эришиш мақсадида бирор бир тушунчани илгари сурадиган бўлса, — дейди шунингдек Николай Кузанский, — у ҳолда мен бу тушунчани Сенга тегишли эмас, деб биламан. Чунки ҳар қандай тушунчанинг охири — Жаннат деворларидадир... Шунинг учун агар кимдир Сени қандай тушуниш кераклиги ҳақида, Сени тушуниш учун ёрдам берадиган усуллар ҳақида сўзлайдиган бўлса, бу киши ҳамон Сендан узоқда эканлиги аниқ-равшан бўлади... чунки Сен инсон шакллантира оладиган жамики тушунчалар узра юксак бўлган мутлақдирсан”<sup>2</sup>.

Ўзимизга қолса, биз одатда шу заҳотиёқ Худони шу қадар осон таҳлил қилиш мумкин бўлган тушунчалар даражасига тушириб юборамиз. Биз Худонинг бизга керак бўлган пайтда Ундан ҳар доим фойдаланиш мумкин бўлган жойда ёки, ҳеч бўлмаганда Уни осонгина топиш мумкин бўлган жойда

---

<sup>1</sup> Николай Кузанский. Худонинг бохабарлиги. — Nicholas of Cusa. The Vision of God (E.P.Dutton and Sons, New York, 1928). P.607.

<sup>2</sup> Ўша жойнинг ўзида. С.58-59.

бўлишини истаймиз. Биз қандайдир даражада бошқара олишимиз мумкин бўлган Худога эга бўлишни истаймиз.

Худонинг қандай эканлигини билган пайтимизда ва Худо ҳақидаги тасаввурларимиз биз билган ёки эшитган энг яхши одамлар тимсолида биз кўрган эътиқодий лавҳалар суръатларидан, шунингдек, ўзимиздаги энг юксак фикр-мулоҳазалардан шаклланишидан ҳосил бўладиган бежавотирлик ҳисси бизга жуда зарурдир.

Агарда буларнинг ҳаммаси бутунги кун кишисига ғалати туюладиган бўлса, бу ярим асрга яқин вақт мобайнида Худони оддий бўлган қандайдир нарсадек ҳисоблаб келганлигимиз сабаблидир. Худонинг улуғворлиги бу кишилар учун номаълумлигича қолган. Ҳозирги кун масиҳийлиги ишонадиган Худо кўхна Греция ва қадимий Рим худоларига қараганда бирмунча яхшироқ, балки, ҳатто улардан ёмонроқ бўлиши ҳам мумкин. Чунки ўзга худолар кучга эга бўлган бир пайтда, масиҳийлик эътиқод қилган Худо заиф ва ночор аҳволдадир.

Агар биз Худо бўлмаган нарсани Худо деб қабул қиладиган бўлсак, у ҳолда У ҳақида қандай фикр юритишимиз мумкин? Агар Худо эътиқод рамзида айтилганидек, ёки Ҳаворий Павлус айтганидек, ҳақиқатан ҳам эришиб бўлмайдиган Худо бўлса, биз масиҳийлар қандай қилиб Унга бўлган интилишларимизни рўёбга чиқаришимиз мумкин? Кишига умид бағишлайдиган “Унга яқинлаш ва сен хотиржам бўласан” (Аюб 22:21) сўзлар асрлар давомида янграб келмоқда, бироқ бутун қалбимиз ва ақл-идрокимиз билан интилишимизга қарамай, биздан узоқлашиб кетгаётган Зотга қандай қилиб яқинлашишимиз мумкин? Биздан билиш мумкин бўлмаган нарсани билишимизни қанақасига талаб қилиш мумкин?

“Сен изланиш билан Худони топа оласанми? — деб сўрайди Софар Наамитянин. — Сен Тангри Таолога тўла-тўқис эриша оласанми? У самолардан юксакда бўлса, сен нима қила оласан? Дўзах тубида бўлса, нимани била оласан?” (Аюб 11:7-8) “... Ўғилдан бошқа ҳамда Ўғил билим беришни истагандан бошқа ҳеч ким Отани билмас”, — дейди Тангри (Мат.11:27). Юҳанно баён этган Хушхабарда Худонинг буюк Сири қаршида инсон ақл-идрокининг нақадар ночорлиги юзага чиқади. Ҳаворий Павлус эса Биринчи Коринфликларга Мактубда Муқаддас Рух Ўз моҳиятини изланувчан қалбга қай даражада намоён қилишига қарабгина Худони таниб-билиш мумкин, деб бизга ўргатади. Биз таниб-билолмайдиган нарсани таниб-билишга, эришиб бўлмайдиган нарсага эришишга, қўл етмас нарсани ушлаб кўришга, татиб кўришга бўлган хоҳиш-истак Худо қиёфасининг инсон табиатига киритилганидан келиб чиқади. Қалбимиз тубида яширинган нарса бизни тубсизлик сари чорлайди. Гарчи бизнинг қалбимизни доғ босган бўлса-да ва у теологлар “гуноҳга ботиш” деб атайдиган буюк фалокат туфайли тубанлашиб бораётган бўлса-да, у ўзининг келиб чиқишини ҳис қилади ва ўз манбааларига қайтишга ҳаракат қилади. Қалбимиз бунга эришиши учун нима қилиши керак?

Бу саволга Муқаддас Китобда оддийгина қилиб: “Раббимиз Исо Масих орқали”, — деб жавоб берилган. Исода ва Исо Масих орқали Худо ақл-идрок учун эмас, бироқ имон ва севгида Ўзини намоён қилади. Имон — бу билимнинг бир аъзоси, севги эса — тажрибанинг аъзоси ҳисбланади. Худо бизга танада зоҳир бўлди. У гуноҳларимизни ювган ҳолда бизни Ўзи билан яраштирди ва биз имон ҳамда севги орқали Унга ҳузурга борамиз ва Унга эришамиз.

“Ҳақиқий Худо — бу чексиз буюкликдир, — дейди Масихни олқишловчи Ричард Ролл, — бу буюклик биз ўйлай оладиган буюкликдан каттароқдир... Яратилган мавжудотлар учун буни билишнинг кераги йўқ. Биз ҳеч қачон Худони У Ўзини англаб етгани каби тушуна олмаймиз. Бироқ ҳозир бу ерда қалбимиз ҳар сафар Худо билан бўлиш истагида ёнган бир пайтда у илоҳий нурга тўлади ва Муқаддас Рухнинг инъомларидан руҳланиб, уларга тўлган ҳолда самовий қувончни ҳис қилади. Қалб кўриниб турган ҳамма нарсанинг чегарасидан ошиб ўтади ва абадий ҳаётнинг ҳузур-ҳаловати сари юксалади... Чинакам комил севги — мана шунда, ақл-идрок мушоҳадалари, қалбимизга яширинган жамики сирлар юқорига Худо севги томон кўтарилган бир пайтда намоён бўлади”<sup>1</sup>.

Чин қалбдан, шахсий мулоқотда майинлик билан, оннинг қизиқувчан нигоҳидан бутунлай узоқлашган ҳолда Худони таниб-билиш, қуйидаги тарзда ифодалаш осонроқ бўлган парадоксни юзага келтиради:

Ақл-идрок учун зулмат,  
Бироқ нурдир юрак учун.

*Фредерик У. Фэйбер*

“Билимсизлик булути” деб номланган кичкина, бироқ машҳур китобчанинг муаллифи бу фикрни ўз китобининг бошидан охирига қадар ёритиб берган. Унинг айтишича, Худони излаган киши Унга яқинлашар экан, Илоҳийликнинг зулматда, билимсизлик булути ортида яширинганлигини кўради.

---

<sup>1</sup> Ричард Ролл. Ҳаётни қандай қилиб тўғри йўлга солиш мумкин. — Rolle Richard. The Amending of Life (John M. Watkins, London, 1922). P.83-84.

Бироқ тушкунликка тушмаслик керак, балки барча иккинчи даражали нарсаларни бир четга улоқтириб, Худо томон интилиш керак. Бу булут биз Худони ҳеч қачон англаб етмаслигимиз ва Уни ўз ҳис-туйғуларимиз ёрдамида ҳис қилмаслигимиз учун Худони изловчи киши билан Худо ўртасида туради. Бироқ Худони изловчи киши Унинг Каломига ишонса ва иродалилик намоён қилса, Худонинг марҳамати билан имон ўртадаги булутни ёриб ўтиб, унинг ортида турган Худонинг хузурига бориши мумкин<sup>1</sup>.

Худога ўз ҳаётини бағишлаган машҳур кишилардан бири, испаниялик Мигель де Молинос ҳам худди шу фикрни таъкидлаб ўтади. У ўзининг “Рухий йўлбошловчи” асарида айтишича, Худо қалбни қўлларидан тутиб, пок имон йўлига етаклайди “ва барча мулоҳазаю доноликни орта қолдиришга мажбур қилган ҳолда, ақл-идрокни олға сари бошлаб боради... Бу билан У шундай қиладики, имон берадиган оддий ва кўзга ташланмайдиган билим ёрдамида қалб севги қанотлари билан ўз Куёви сари қанот қоқади”<sup>2</sup>.

Бу таълимот ва бунга ўхшаган бошқа таълимотлар учун инквизиция де Молиносни еретик, деб айблади ва умрининг охирига қадар қамоқ жазосига ҳукм қилди. Орадан кўп вақт ўтмай, у қамоқхонанинг ўзида оламдан ўтди. Бироқ у айтган ҳақиқат ҳеч қачон ўлиши мумкин эмас. Масихийлик қалби ҳақида сўзлар экан, Мигель де Молинос шундай деб ёзади: “У бутун ер юзи ва буюк донишмандларнинг мислсиз фикр-мулоҳазалари

---

<sup>1</sup> Билимсизлик булути. — The Cloud of Unknowing (John M.Watkins, London, 1946).

<sup>2</sup> Мигель де Молинос. Рухий йўлбошловчи. — Michael de Molinos. The Spiritual Guide (Methune & Co, Ltd, London, sixth edition, 1950). P.567.



унга ҳеч нарса айта олмаслигини ва унинг Севиклиси Ўзининг меҳрибонлигию гўзаллиги билан бу кишиларнинг билимидан юксакроқ эканлигини ўйласин, шунингдек, Худонинг яратганлари унга Худо ҳақида билим бериш учун ёки уни бу билим сари олиб келиш учун жуда ҳам қўпол эканлигини у тушуниб етсин... У англаб етишни орта қолдирган ҳолда, севги билан олға қараб юриши керак. У Худони ўз тасавуридаги каби эмас, балки Худо қандай бўлса, Уни шундайлигича севсин”<sup>1</sup>.

“Худо қанақа?” Агар биз бу саволни берган ҳолда: “Худо Ўзида нимани ифода қилади?” деган саволни кўзда тутаётган бўлсак, у ҳолда бу саволга жавоб йўқ. Агар биз: “Худо марҳаматга сазовор ақл-идрокнинг тушуниши учун Ўз-Ўзида нимани намоён қилади?” деган саволни назарда тутадиган бўлсак, у ҳолда, мен бу саволга тўла-тўқис ва аниқ жавоб мавжуд, деб ўйлайман. Худонинг исми яширин сир, Унинг борлиги эса эришиб бўлмас, деб ҳисобланган бир пайтда, У бизни Ўз севгисига сазовор қилиб, Ўзи ҳақидаги ҳақиқатни ваҳий орқали очиб берди. Бу — биз уларни “Худо атрибутлари” деб айтадиган ҳақиқатдир<sup>2</sup>.

Шоҳона Отамиз, Самовий Подшоҳ,  
Шу дамда биз Сени куйламоқчимиз.  
Шодликка тўламиз таърифламоқдан,  
Сенинг шарафли ва чексиз фазилатларинг.

Чарлз Уэсли

---

<sup>1</sup> Ўша ернинг ўзида. С.56-57.

<sup>2</sup> Атрибут (*лат. attribuo* — бераман, атайман) — нарсанинг ажратиб бўлмас хусусияти бўлиб, усиз нарса мавжуд ҳам бўлолмайди, фикр ҳам юрита олмайди (Фалсафий луғат, Москва, 1991).

## Илоҳий белгилар: Худо ҳақидаги баъзи бир ҳақиқатлар

*Эй, сўз ила ифода этиб бўлмайдиган Буюклик, менинг қалбим Сени кўришни истайди. Мен Сенга бир кул сифатида мурожаат қиламан.*

*Бироқ Сендан исмингни сўраган пайтимда, у мен учун сир бўлиб қолаверади. Сен ҳеч бир инсон яқинлаша олмайдиган нурга яширингансан. Сен — фикр билан ҳам, сўз билан ҳам ифода этиб бўлмайдиган Зотсан, чунки Сенинг шуҳратинг таърифга сигмасдир. Шундай бўлса-да, пайгамбару Сано куйловчи, ҳаворий ва авлиё менда Сени маълум даражада таниб-билишга бўлган ишончни уйғотади. Шунинг учун Сен ёқут ёки олтиндан-дан ҳам қимматбаҳо ҳазина каби менга очиб беришни лозим топган нарсани излашимда ёрдам беришингни сўрайман: чунки шом пайтида самода юлдузлар пайдо бўлмайдиган пайтда ва самолар гойиб бўлиб, ёлғиз Сен қолган пайтда мен Сен билан ҳаёт бўламан. Омин.*

Худо атрибутларини ўрганиш, умуман олганда, зерикарли ва қийин эмас. Билимли масиҳий учун бу нарса ёқимли ва қизиқарли руҳий машғулот бўлиб қолиши мумкин. Худога ташна қалбни ҳеч бир нарса етарлича қониқтира олмайди.

Фақат Худо ҳақида ўйламоқлик,  
Оҳ, бу нақадар қувончли экан!  
Бу ҳақда ўй сурмоқдан,  
Бу исмни шивирламоқдан,  
Дунёда бормикан яхшироқ роҳат!

*Фредерик У. Фэйбер*

Бу мавзунини давом эттиришдан олдин, атрибут сўзига ушбу китобда фойдаланилган маъноси бўйича аниқ таъриф бериб кетган маъқул. Бу ерда бу сўзнинг фалсафий тушунчаси ёки илоҳий маъноси кўзда тутилаётгани йўқ. Бу сўз Худога нисбатан беҳато айтиш мумкин бўлган нарсаларни ифода қилади.

Бу китобда *Худо атрибутлари* — *Худо у ёки бу ҳолда Ўзи ҳақидаги ҳақиқатни очиб берган ҳамма нарсадир.*

Бу нарса ўз навбатида бизни Илоҳий атрибутлар сони ҳақида савол беришга мажбур қилади. Бу борада турли диний эътиқод мутафаккирлари турлича фикр билдирадилар.

Баъзилар бу атрибутларни етгита дейишади, бироқ, мисол учун Фэйбер *минг бир* фазилатга эга бўлган Худо ҳақида куйлаган, Чарлз Уэсли эса хитоб қилиб:

Шодликка тўламиз таърифламоқдан,  
Сенинг шарафли ва чексиз фазилатларинг.

- деб айтган.

Албатта, бу одамлар Худонинг фазилатларини санаб ўтишмаган, балки Унга хизмат қилишган. Бироқ, агар биз теологларнинг бирмунча эҳтиёткорлик билан қилган мулоҳазаларига эмас, балки шавқ-завққа тўлган юрак сезгисига амал қиладиган бўлсак, тўғри йўл тутган бўлармидик. Агарда атрибутлар — бу Худо ҳақидаги қандайдир ҳақиқат ҳисобланса, у ҳолда биз учун уларни санаб чиқишнинг ҳожати ҳам йўқ. Бундан ташқари, Худо моҳияти ҳақида мулоҳаза юритиш учун атрибутларнинг сони аҳамиятга эга эмас, чунки бу ҳолда бундай фазилатларнинг фақатгина маълум бир чекланган сони эса олинади.

Агар атрибут Худо ҳақидаги ҳақиқатни очиб берадиган бўлса, у ҳолда биз уни Худо ҳақидаги ҳақиқат деб қабул қилишимиз мумкин. Худо чегарасиз бўлгани учун ҳам бизга номаълум бўлган фазилатларга эга бўлиши мумкин. Биз билишимиз мумкин бўлган кўринишдаги фазилат — бу ақл-идрок билан шаклантирилган тушунча, Худо бизга Ўзини қандай қилиб намоён қилганлигига нисбатан онгнинг жавобидир. Бу Худо ҳақида биз берадиган саволларга Унинг жавобидир.

Худо қанақа? У ҳандай Худо ҳисобланади? У Ўзи яратган мавжудотлари — биз учун ва барча учун кўпроқ нимани ва қай тарзда амалга ошира олади? Бу саволларни фақатгина Худо ҳақидаги фан доирасига тегишли деб бўлмайди. Бу саволлар инсон қалбини туб-тубигача кириб боради ва уларга бериладиган жавоблар ҳаётга, феълатворга, тақдирга ўз таъсирини кўрсатади. Бу саволлар яхшилик билан берилса ва уларга мулойимлик билан жавоб қилинса, улар албатта бизнинг самовий Отамизга маъкул келади. «Чунки Худо, — деб ёзади Юлианна Норвичская хоним, — самога боргунимизча Уни таниб-билишимизни ва севишимизни истайди... Чунки Яратувчини

мушоҳада этиш ва Унга нисбатан бўлган севги қалбни бошқа нарсаларга қараганда кўпроқ унинг кўз олдида юмшатади ва уни ёқимли титроққа, чинакам итоаткорликка, шунингдек, бошқа масиҳийларга нисбатан бўлган буюк раҳм-шафқатга тўлдиради»<sup>1</sup>.

Худо бизнинг саволларимизга жавоб тайёрлаб қўйган, албатта ҳаммасига эмас. Бироқ бизнинг онгимизни қониқтира оладиган ва юракларимизга шодлик бағишлай оладиган даражада етарлидир. Худо бу жавобларни бизга табиатда, Муқаддас Ёзувларда ва Ўз Ўғли орқали берган.

Худо Ўзини Ўз яратганлари орқали намоён қилиши ҳақидаги фикрни ҳозирги кун масиҳийлари истамайгина қабул қилишади. Аммо бу фикр Худо Каломида, айниқса, Довуд пайғамбар ва Эски Аҳддаги Ишаъё пайғамбар асарларида, шунингдек, Янги Аҳддаги ҳаворий Павлуснинг Римликларга мактубида аниқ ифода қилиб берилган. Бу очиқлик Муқаддас Китобда ёрқинроқ ифода қилинган.

Раббим, Само Сенинг шухратингдан дараклар,  
Донишмандилигинг нур сочар ҳар бир юлдузда;  
Аммо Каломингни кўрганда кўзлар,  
Исмингни равшанроқ ўқиймиз, ҳар гал.

*Айзек Уоттс*

Янада тўла-тўқис, гўё чарақлаган қуёш нуридаги каби Худо Ўзини одамларга Абадий Калом тана шаклини олганда ва

---

<sup>1</sup> Юлианна Норвическая. Худонинг севги ваҳийси. — Julian of Norwich. Revelations of Divine Love (Methune & Co. Ltd, London, seventh edition, 1920). P.14-15.

одамлар орасида яшаган бир пайтда намоён қилди — бу очиклик Хуш хабарнинг муқаддас ва ажралмас қисми ҳисобланади.

Гарчи Худо бизнинг У ҳақидаги саволларимизга бу тарзда жавоб берган бўлса-да, жавоблар у даражада кўзга кўринарли эмас. Уларни Муқаддас Ёзувлар ҳақида тиришқоқлик ва тартиб билан мулоҳаза қилган ҳолда, ибодат билан излаш керак. Бу ёруғлик қай даражада ёрқин чарақламасин, уни олишга фақатгина руҳан тайёр бўлганларгина уни кўриши мумкин.

«Покдил бўлганлар бахтлидир, чунки улар Худони кўрар»  
(Мат. 5:8).

Агар биз Худо атрибутлари ҳақида жиддий ўйлаб кўришни истасак, у ҳолда бу пайтда хаёлимизга келадиган маълум бир сўзлардан юз кечишга тўғри келади; булар *хусусият, тавфсиф, сифат* каби сўзлардир.

Бу сўзлар Худонинг яратган мавжудотлари ҳақида сўз борган жойда қўлланиларли ва ҳатто зарурдир. Бироқ биз Худо ҳақида ўйлаган пайтимизда уларни қўлаб бўлмайди. Биз Худо яратган нарсаларни ўйлаган пайтимизда, Яратувчи ҳақида ўйлашни бас қилишимиз керак. Балки сўзларсиз фикр юритишнинг иложи бўлмас, бироқ нотўғри сўзлар ёрдамида ўйлайдиган бўлсак, у ҳолда тез орада бизда хато фикр-мулоҳазалар пайдо бўлиши мумкин. Чунки ўз фикр-мулоҳазаларимизни ифода этиш учун берилган сўзлар улардан талаб қилинган нарса доирасидан ташқарига чиқиб кетиш ва фикрлар мазмунини аниқлаш хусусиятига эгадир. «Ўйлашдан осон нарсанинг ўзи йўқ, — деб ёзади Томас Трэйерн, — ва яхши

ўйлашдан кўра мушкулроқ нарса ҳам топилмас»<sup>1</sup>. Худо ҳақида ўйлаганимизда, биз ҳар доимгидан ҳам яхшироқ ўйлашимиз керак.

Инсон тана қисмлари йиғиндисидан иборат, унинг феъл-атвори эса — унинг феъл-атвори хусусиятлари йиғиндисидир. Турли одамларда бу феъл-атвор хусусиятлари турлича бўлади, баъзан эса бир одамнинг ўзида улар вақти-вақти билан ўзгариб туриши ҳам мумкин. Инсон феъл-атвори доимий эмас, чунки унинг хусусиятлари бир текис эмас. Улар ҳаётимиз давомида келади ва кетади, гоҳ кучлироқ, гоҳ заифроқ намоён бўлади. Ўттиз ёшида раҳмдил ва хушмуомала бўлган киши, эллик ёшга борганида бешафқат ва қўпол бўлиб қолиши мумкин. Бундай ўзгариш ҳақиқатан ҳам бўлиши мумкин, чунки инсон *ясалган*, бу сўзнинг том маъносидан қаралганда инсон «бирлаштирилган»: у — ўзининг феъл-атворини ташкил қилувчи турли хусусиятлар жамланмасидир.

Биз инсон ҳақида Илоҳий Ақл-идрок томонидан яратилган бир ижод каби мушоҳада қилишимиз табиий ва мутлақ тўғридир. Инсон яратилган ҳам, ясалган ҳам. Инсоннинг қай тарзда яратилганлиги — бу Худонинг кашф қилинмаган сирларидан биридир. Инсон қандай қилиб йўқдан бор бўлганлиги, ҳеч нарсадан нимагадир айланганлиги уни яратган Зотдан бошқа ҳеч кимга маълум эмас ва маълум бўлмайди ҳам. Шу нарсани ҳам айтиб ўтиш керакки, Худо инсонни қандай қилиб *ясаганлиги* унча катта бўлмаган сир ҳисобланади ва гарчи бизга бор ҳақиқатнинг кичик бир қисми маълум бўлса, инсонда тана, қалб ва рух мавжудлигини биламиз; биз унда хотира, фаҳм-

---

<sup>1</sup> Трэйерн Томас. Мушоҳадалар асри. — Thomas Trahern. *Senturies of Meditations* (R.J. and A.E. Dobell, London, 1948). P.6.

фаросат, хоҳиш-ихтиёр, ақл-идрок, ҳис-туйғу борлигини ҳам биламиз. Буларнинг ҳаммаси инсонга берилган экан, демак, у онгнинг ажойиб инъомига эгадир. Бундан ташқари, буларнинг ҳаммаси феъл-атвор хусусиятлари билан биргаликда инсоннинг бутун бир шахси йиғиндисини ташкил қилиши бизга маълум. Бу барча Илоҳий инъомлар чексиз донишмандлик билан бир бутун қилинган, улар яратилишнинг энг юксак симфонияси партитурасини ташкил этувчи ноталардир, улар Борлиқнинг ажойиб гилами тўқилган иплардир.

Бироқ буларнинг ҳаммаси ҳақида Худо яратган нарсаларга қўлланиладиган фикр-мулоҳазалар билан ўйланамиз ва бу фикр-мулоҳазаларни Худо яратган нарсаларга қўлланиладиган сўзлар орқали ифода қиламиз. Бундай фикр-мулоҳазалар ва сўзларни Худонинг Ўзига нисбатан қўллаб бўлмайди. «Ота ҳеч кимдан яратилмаган, туғилмаган. Ягона Отадан бўлган Ўғил туғилган, лекин яратилмаган. Муқаддас Рух яратилмаган, туғилмаган, бироқ Отадан келиб чиқади»<sup>1</sup>.

Худо Ўзида Ўзи ва Ўзидан Ўзи бордир. У Ўзининг борлиги билан ҳеч кимга боғлиқ эмас. У — ажралмас, мустақил равишда ҳаракат қилувчидир. Худо алоҳида қисмлардан иборат эмас, У Ўзининг ягона борлигида ягонадир.

Илоҳий бирлик ҳақидаги таълимот фақатгина ягона Худо бор эканлигини ифода қилмайди. Бу таълимот шунингдек, Худо — турли қисмлардан иборат бўлмаган бир маъноли Зот эканлигини ва У — Ўз-Ўзида ягона эканлигини ҳам билдиради. Худо моҳиятининг уйғунлиги — бу фақатгина таркибий қисмларнинг мукамал мувозанати натижаси эмас, балки

---

<sup>1</sup> Мук. Афанасийнинг этикод рамзи.



таркибий қисмларнинг етишмаслиги ҳамдир. Худонинг атрибутлари орасида ҳеч қачон зиддият бўлиши мумкин эмас. Худоба бир фазилатни қўллаш учун бошқасини бекор қилишнинг зарурияти йўқ. Унинг учун ҳамма атрибутлар — бир бутунликни ташкил қилади. Худонинг бутун бир борлиги Худо қилаётган ишни бажаради. Худо қандайдир ишни амалга ошириш учун Ўзини қисмларга бўлмайди, У Ўзининг бутун бир моҳияти, борлиги билан биргаликда ҳаракат қилади.

Бундан келиб чиқадики, атрибут Худонинг бир қисми ҳисобланмайди. Шу атрибутлар ёрдамида Худо Ўзини намоён қилади ва шу сабабли ҳам биз Худо бор, дея оламиз. Аммо, мен юқорида тушунтиришга ҳаракат қилганимдек, ҳеч ким бундан аниқ таъкидлаб олмайди. Худо Ўзи ҳақида ўйлаган пайтда қандай ўйлашини фақатгина Унинг Ўзи билади.

«...Худонинг ўйларини Худонинг Руҳидан бошқа ҳеч ким тушуна олмайди» (1 Кор. 2:11).

Фақатгина Ўзи билан тенг бўлгангагина Худо Ўзининг Илоҳийлиги сирини очиб бериши мумкин эди. Бироқ кимнингдир Худо билан тенг бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрнинг ўзи бемаъниликдир.

Илоҳий атрибутлар — бу Худо ҳақидаги биз билган ҳақиқатдир. Улар Худоба унинг хусусиятлари сифатида тегишли эмас; улар орқали Худо Ўзи яратган нарсаларга Ўзини намоён қилади. Мисол учун, севги — бу Худо эга бўлган, катталашадиган ёки кичиклашадиган, ёхуд бутунлай мавжуд бўлмай қоладиган нарса эмас. Худо севгиси — бу Худо борлигининг бир кўринишидир. Худо севган пайтда У Ўз-Ўзида ҳисобланади. Худонинг бошқа фазилатлари ҳақида ҳам худди шундай деб айтиш мумкин.

Ягона Худо! Ягона Буюклик!  
Йўқдир Сендан ўзга Худо!  
Чексиз-чегарасиз ичра бор бўлган Бирлик!  
Тубсиз Денгиз!  
Бутун бир ҳаёт Сен орқали бордир.  
Ва Сенинг ҳаётинг — Сенинг ҳаловатли Бирлигингдир.  
*Фредерик У. Фэйбер*

## Муқаддас Учбирлик

*Ёрқин нурга бурканган тахтада ўтирган ота-боболаримиз Худоси, инглиз тили нақадар бой, нақадар майин! Аммо биз Сенинг мўъжизаларинг ҳақида гапирмоқчи бўлганимизда сўзларимиз шу қадар қашшоқдек ва нутқимиз шу қадар мазмунсиздек бўлиб кўринади! Бизни қўрқувга соладиган Учбирлик Худо ҳақидаги Сенинг сир-синоатинг ҳақида фикр юритганимизда, биз жим бўлиб қоламиз. Бу ёнаётган бута олдида туриб, биз тушуниб етиш ҳақида эмас, балки фақатгина талаб қилинганидек Сенга, Уч Шахсдаги Ягона Худого итоат қилишимиз кераклиги ҳақида сўраймиз. Омин.*

Илоҳий Уч Шахс ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш — бу шарқ томон йўналган ҳолда ва муқаддас ерга қадам қўйган ҳолда Адан боғида хаёлан сайр этишдир. Эришиб бўлмас Учбирлик сирини очиш учун қилган барча самимий ҳаракатларимиз умрбод натижасиз бўлиб қолиши керак. Худо олдида чуқур таъзим қилиб, ақлимизнинг қанчалик чегараланганлигини тан олишгина бизнинг бу ҳаракатларимизни асоссиз мулоҳазалардан чегаралаши мумкин.

Ўзлари тушунтириб бера олмайдиган барча нарсани рад қилувчи баъзи бир кишилар Худонинг учбирлигини инкор

қиладилар. Ўзларининг совуқ ва хотиржам назарлари билан Тангрига синчковлик билан қараган ҳолда улар Худонинг бир вақтнинг ўзида ҳам Ягона, ҳам Учта бўлиши мумкин эмас, деб ўйлайдилар. Бу каби одамлар ҳаёт сир-синоатдан иборат эканлигини эсдан чиқариб қўядилар. Ҳатто оддий табиат ҳодисасининг ҳақиқий сабабини ҳам қоронғуликка яширилганлигини ва бу ҳодисани тушунтириш Худо сирларини тушунтиришга қараганда осон эмаслигини улар ўйлаб ҳам кўрмайдилар.

Ҳар бир киши — имонсиз ҳам, имонли ҳам ишонч билан яшайди; бири табиат қонунларига, иккинчиси эса Худога эътиқод қилиб яшайди. Ҳар бир киши ҳаёти давомида ўзи англамаган ҳолда бўлса ҳам, нимагадир эътиқод қилиб яшашига тўғри келади. Ҳатто мутафаккир донишмандни ҳам биргина оддий «*Нима?*» деган савол билан сукут сақлашга мажбур қилиш мумкин. Бу саволга жавоб ҳамиша ҳеч бир инсон ақлидроки эриша билмаган билимсизлик қаърида бўлади. «Фақат Худо билимга олиб борувчи йўлни, билим турган жойни биллади» (Аюб 28:23), ўлимга маҳкум инсон ҳеч қачон бунни билмайди.

Томас Карлейль қоронғу ғорда ўсиб-улғайган жиддий мажусий мутафаккирнинг биринчи бор кўёш чиқишини кўргандаги ҳис-туйғусини тасвирлар экан, Платоннинг сўзларини такрорлайди. «У қай даражада ҳайратланган! — хитоб қилади Карлейль. — Биз ҳар куни эътиборсизлик билан қарайдиган нарсани кўрганда, у қанчалик таажжубга тушган! У бу ҳодисага ёш бола каби эркин ва очиқлик ва шу билан бирга катта кишиларга хос ақл-идрок билан қараб турган ва унинг қалби жунбушга келган... Бу ям-яшил ўтлар ва гулу чечаклар билан қопланган қояли ер, бу дарахтлар, бу тоғлар, бу дарёлар, бу шовуллаётган денгизлар ва юқорида, боши узра сузиб юрган

улкан зангори денгиз, шамол чайқатаётган бу қора булут, ўз шаклини дам-бадам ўзгартириб турувчи бу булутдан гоҳ олов, гоҳида дўл, гоҳида эса ёмғир чиқаяпти; Бу нима? Нима? Бунинг бутун бир тубини, бутун бир моҳиятини биз ҳозирча билмаймиз; биз буни ҳеч қачон била олмаймиз»<sup>1</sup>.

Бундан бизнинг — мўъжизаларга тўйганларнинг зеҳну фаросати қандай фарқ қилади. «Биз бу ҳақда ўзимизнинг ажойиб фаросатимизга кўрагина ўйлашдан қочаётганимиз йўқ, — деб ёзади Карлейль, — балки ўзимизнинг энгилтаклигимиз туфайли, эътиборсизлигимиз туфайли, бизга фаросат етишмаётганлиги туфайлигина шундай йўл тутаяпмиз. Биз бунга бошқа ҳайратланмай қўямиз, чунки биз *ўйламаймиз*... Қора булутдан чиқаётган оловни электр қуввати деб атаймиз, олим кишилар тили билан у ҳақда маърузалар ўқиймиз ва унга ўхшаш қандайдир нарсани ипакни ойнага ишқалаш йўли билан ҳосил қиламиз. Бироқ *бу* нима? У қаердан келади? У қаерга кетаяпти? Илм-фан биз учун жуда кўп нарсани амалга оширди, бироқ Билимсизликнинг буюк, чуқур ва муқаддас чексизлигини яширишга ҳаракат қилган илм-фан ёмон илм-фандир. Биз бу Билимсизликка кириб бора олмаймиз, чунки бутун бир илм-фан гўё сув устини қоплаб олган пардадек. Бу дунё ҳозир ҳам ҳар турли илм-фан мавжуд бўлган бир пайтда бу ҳақда *ўйлайдиган* ҳар бир киши учун аввалгидек ажойиб, эришиб бўлмайдиган, жумбоқли ва ҳатто ундан ҳам кўпроқ мўъжиза бўлиб қолмоқда».

---

<sup>1</sup> Томас Карлейль. Қаҳрамонлар ва қаҳрамонларга таъзим қилиш. — Thomas Carlyle. Heroes and Hero Worship (Henry Altemus Co, Philadelphia).P.14-15.

Бу ўткир, деярли башоратли сўзлар юз йилдан ошиқроқ йиллар олдин ёзилган, бироқ шундан бери илм-фан ва техника ютуқлари бу сўзларнинг аҳамиятини беқадр қила олмади ва бу башоратдаги бирор бир нуқта ҳам, вергул ҳам эскириб қолгани йўқ. Биз аввалгидек билмаймиз. Биз ҳақимизда ёмон ўйламасликлари учун кенг тарқалган илмий терминларни енгилтаклик билан қайтараверамиз. Биз дунёмиз орқали шиддатли тезликда ўтаётган қудратли қувватни жиловляяпмиз, биз жуда аниқлик билан бу қувватни автомобилларимизда, ошхонамизда бошқара олаяпмиз, биз бу қувватни Оловиддин кўза ичидан чиққан руҳни бўйсундиргани каби, биз учун хизмат қилишга мажбур қилаяпмиз, бироқ биз аввалгидек бунинг нима эканини билмаймиз. Атеистик тарбия, моддиятпарастлик бизларнинг қалбларимиздаги нурни сўндирди ва бизни манқуртлар авлодига айлантди. Биз ўзимизнинг тўла-тўқис билимсизлигимизни сўзлар билан яшираемиз, бироқ бирор нарсдан таажжубга тушишга уяламиз, биз «сир» сўзини ҳатто шивирлаб айтишга ҳам қўрқамиз.

Жамоат иккиланмаган ҳолда Учбирлик ҳақидаги таълимотни ваъз қилмоқда. Тушуниб етишга ҳаракат қилиш ўрнига, Муқаддас Ёзувлар ўргатган нарсаларни такрорлаб, бу ҳақда гувоҳлик бераяпти. Баъзилар учталик ва ягоналик ҳақидаги фикрнинг ўзи — бу иборалардаги зиддиятдир, деган фикрга асосланган ҳолда Муқаддас Ёзувларда Учбирлик Худо ҳақида гапирилганлигини инкор қилишади. Бироқ барг нима учун ва қандай қилиб йўл бўйидаги дарахтдан ерга тушишини, полапон нима учун ва қандай қилиб ўша дарахтда тухумни ёриб чиқишини тушуна олмас эканмиз, у ҳолда нима учун Учбирлик биз учун муаммога айланиши керак экан? «Биз Худони қандайдир қиёфада тасаввур қилганимизда ва Уни мукамал бўлмаган ақл-идрокимизга мос келадиган гўзаллик билан

буркаган пайтимизда эмас, — деб ёзган эди Мигель де Молинос, — балки У бизнинг онгимиз учун эришиб бўлмайдиган ва қўл етмас эканлигини билган пайтимизда бизнинг Худо ҳақидаги фикрларимиз борган сари юксалиб боради»<sup>1</sup>.

Ўзини масиҳий, деб билган ҳамма ҳам юз йиллар давомида Учбирлик ҳақидаги таълимотга эътиқод қилиб келган эмас. Бироқ Учбирликка бўлган эътиқод Худонинг чўлдаги бутун бир йўл давомида бутун дунёга: «Бу Менинг ҳалқим», — деб гувоҳлик берган ҳолда Исроил халқи чодирини узра оловли устун кўринишида порлагани каби, ҳаворийлар давридан буён Ягона Ўғил Жамоати узра унинг йиллар бўйлаб саёхати давомида нур сочиб келган. Бу эътиқоднинг орқасида поклик ва кучқудрат мавжуд эди. Ана шу байроқ остида ҳаворийлар, Жамоат оталари, эзилганлар, Худони излаганлар, жамоат қўшиқлари муаллифлари, реформаторлар, Жамоатнинг қайтадан туғилиши учун курашувчилар илдам қадам ташлаб борганлар ва уларнинг ишида Худонинг рухсати ҳақида муҳр мавжуд эди. Қандайдир иккинчи даражали нарсада бу кишиларнинг қарашларида фарқ бўлган бўлиши мумкин, бироқ уларнинг ҳаммасини Учбирлик ҳақидаги таълимотга бўлган ихлос бирлаштирди. Эътиқод қилувчи юраклар Худонинг айтганларини бошқа далилларни изламаган ҳолда тан олади. Далил-исбот излаш — шубҳага юз тутиш демакдир, далил-исботни топиш эса имонни ортиқча, деб билишдир. Имон-эътиқод инъомига эга бўлган ҳар бир киши Жамоатнинг илк чўпонларидан бири айтган жасоратли сўзларнинг қанчалик доно эканлигини тушуниб оладилар: «Масиҳнинг мен учун ўлганлигига ишонаман, чунки бу ақл бовар қилмас нарса; мен

---

<sup>1</sup> Мигел де Молинос. Указ. соч. С.58.

Унинг ўликлардан тирилганлигига ишонаман, чунки бу имкони йўқ нарса».

Иброҳим ҳам Худога нисбатан шу каби муносабатда бўлган. У кўриниб турган далилларга қарамай, ўз имон-эътиқодида Худони олқишлаган ҳолда мустаҳкам турган. Ансельм — «иккинчи Августин» ҳам Худога нисбатан ана шу тарздаги муносабатда бўлган. У масиҳийлик даврининг буюк мутафаккирларидан бири бўлиб, имон англаб етиш учун қилинадиган барча уринишлардан олдин келиши керак, деб ҳисоблаган. Табиийки, очқлик орқали англаб етилган ҳақиқат ҳақидаги фикр-мулоҳаза имон вужудга келгандан кейингина юзага чиқади, бироқ имон инсон онги фикрга чўмадиган жойга эмас, балки қулоқлар эшитадиган жойга келади. Имонли киши имонга донишмандлик қилиш йўли билан келмайди, у ўз имонининг тасдиғини фалсафа ёки илмдан изламайди.

У қуйидагича хитоб қилади:

«Эй Яхудо ери! Худованднинг сўзини эшит!» (Иер. 22:29).

«Ҳар бир инсон ёлғончи бўлса ҳам, Худо ҳақдир» (Рим.3:4).

Бу Илоҳий ваҳийда бизга берилган эътиқод доирасида илмлилик ҳеч қандай қадр-қимматга эга эмас, деган маънони англатиши мумкинми? Умуман олганда, йўқ. Олим одам қаршида жуда муҳим вазифа турибди, бироқ унинг чегаралари талаб даражасида чегаралангандир. Олимнинг вазифаси — матннинг тозалигини, унинг имкон қадар асл Худо Каломига яқинлигини кафолат билан таъминлашдан иборатдир. Олим то матннинг асл моҳиятини тушуниб етмагунча, Муқаддас Ёзувларнинг бир матнини бошқа бири билан солиштириши мумкин. Бироқ, айнан шу билан унинг ваколати ниҳоясига



етади. У ҳеч қачон ёзилганларга нисбатан ўз баҳосини бериши мумкин эмас. У Худо Каломни маъносини ўз ақл-идроки ҳукмига ҳавола этишга журъат қилмаслиги керак. У Худо Каломини маъноли ёки маъносиз, илмий ёки илмга ёт, деб тан олишга ҳаққи йўқ. Муқаддас Ёзув маъноси очилгандан сўнг, олим бу маъно ҳақида эмас, балки бу маъно олим ҳақида ўз ҳукмини чиқаради.

Учбирлик ҳақидаги таълимот — бу юрак учун ҳақиқатдир. Фақат инсон руҳигина бу парда орқали ўта олади ва Муқаддаслар муқаддаси ҳузурига кириб бора олади. «Сени умид билан излашга менга рухсат бер, — деб Худодан сўраган эди Ансельм, — Сени излаб топишга интилишимга йўл бер, Сени севгида топишимга ва топгач эса, Сени севишимга рухсат бер»<sup>1</sup>. Илоҳий сир-синоат ичра севги ва имон ўзларини уйидаги каби ҳис қилади. Шундай экан, ақл-идрок бу уйга киришдан олдин ҳурмат-эҳтиром билан тиз чўксин.

Масих Ўзи ҳақида ва шу билан бир вақтда Худо-Ота ва Муқаддас Рух тўғрисида сўзлаганда ҳеч иккиланмаган ҳолда кўплик шаклини қўллаган: «Биз Унинг ҳузурига келиб, Ўзимизга маскан яратимиз» (Юҳан. 14:23). Ва У шунингдек: «Мен ва Отам — бирмиз» (Юҳан. 10:30), — деб айтган. Биз Худо ҳақида Уч Шахсни аралаштирмаган ҳолда ва Ягона Борлиқни қисмларга ажратмаган ҳолда, Ягона Учбирлик сифатида фикр-мулоҳаза юритишимиз жуда муҳимдир. Фақат шу тарздагина биз Худо ҳақида тўғри фикр юритишимиз мумкин ва Худо ҳақидаги шундай мулоҳазаларгина Унга лойиқ, бизнинг қалбларимиз учун эса муносибдир.

---

<sup>1</sup> Муқ. Ансельм. Прослогиум. — St. Anselm. Proslogium (Open Court Publishing Co, La Sall, Ill, 1903).P.6.

Раббимиз Ўзини Ота билан бир қаторга тенг қўйди. Айнан шу нарса ўша давр художўй одамлари нафратини қўзғотди ва охир-оқибатда Масиҳни хочга миҳлашга олиб келди. Икки юз йил ўтиб, Учбирлик ҳақидаги таълимотга Арий ва бошқа баъзи бир кишилар томонидан қўйилган айбу маломатлар ҳам Масиҳни Унинг Илоҳий моҳиятидан маҳрум қилиш учун йўналган эди. Арианлик ўзини бутун бир масиҳийлик дунёсига қарши қўйган ўша даврда Жамоатнинг 318 та чўпонлари (масиҳийлик қирғинга учраган пайтдаги қийноқлар туфайли улардан кўпчилигининг аъзойи бадани шикастланган ва чандиқлар билан қопланган эди) Никейда учрашишди ва эътиқод рамзини қабул қилишди. Унинг бир парчасида шундай дейилган:

Ишонаман ягона Раббим Исо Масиҳга,  
Ягона Худо Ўғлига,  
Отадан, яъни Ота моҳиятидан туғилган,  
Худодан туғилган Худога,  
Нурдан туғилган Нурга,  
ҳақиқий Худодан туғилган ҳақиқий Худога,  
Туғилганга, Яратилмаганга.  
Осмонда бўлгани каби ерда ҳам,  
ҳамма нарса У орқали келиб чиққан  
Ягона Отага мен ишонаман...

Ўн олти асрдан ошиқроқ вақт мобайнида бу эътиқод рамзи масиҳийликка чинакам тегишлиликнинг якуний имтиҳони бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Шундай бўлиши ҳам керак, чунки бу сўзларда Илоҳий борликда Ўғилнинг тутган ўрни ҳақидаги Янги Аҳд

таълимотининг бутун бир моҳияти теологик тилда қисқача ифода қилингандир.

Никей ибодатхонаси томонидан қабул қилинган эътиқод рамзи Худо бўлган, шунингдек, Отага ва Ўғилга тенг бўлган Муқаддас Рухга ҳам ҳурмат-эҳтиром кўрсатади:

Имон келтираман Муқаддас Рухга,  
Тангрига, тириклик Яратувчига,  
Ишонаман Отадан бўлган,  
Биргаликда Ота ва Ўғил ила  
Улуғланган ва шарафланганга.

Агарда Муқаддас Рух фақат Отадан, ёки Отадан, ёки Ўғилдан чиқадими, деган саволни ҳисобга олмасак, эътиқоднинг бу қадимий рамзини Жамоатнинг ҳам ғарбий, ҳам шарқий бўғини ва умуман олганда, буни маъқул, деб топган масиҳийлар қабул қилишади.

Афанасийнинг эътиқод рамзи муаллифлари инсон фикр-мулоҳазасидаги бўшлиқларни имкон қадар тўлдирган ҳолда Учбирлик Шахслари орасидаги муносабатни жуда катта эҳтиёткорлик билан тасвирлаб беришган. Буни улар юқоридан Худо Каломи орқали руҳланиб олинган чегарадан чиқмаган ҳолда ифода қилишган. «Бу Учбирликда, — дейилади бу ерда, — аввалги ва кейинги, катта ёки кичик деган нарсанинг ўзи йўқ, бироқ уч Шахсинг ҳаммаси абадий ягона, бир-бири билан бирлашган ва тенгдир».

Бироқ бу сўзлар Исонинг: «Зеро Отам Мендан улуғдир» (Юҳан. 14:28), деб айтганлари билан қай даражада мос келади? Ўша қадимги теологлар буни тушуниб етишган ва эътиқод рамзида: «Ўзининг Илоҳий моҳиятида Ота билан тенг; Ўзининг

инсоний моҳияти билан Отадан кичикдир», — деб ёзишган. Бу таъриф ёруғи билинар-билинемас кўринадиган жойдан ҳақиқатни жиддий тарзда изламоқчи бўлган ҳар бир кишининг эътиборини ўзига жалб қилади.

Инсоният гуноҳини ювиш учун Абадий Ўғил одамлар орасида бўлди ва бу билан бир вақтнинг ўзида Ўз Отасини тарк этгани йўқ. Ў Ўзи ҳақида «Отанинг бағрида бўлган ягона Ўғил» (Юҳан. 1:18) ва «Осмонда турадиган ва осмондан тушган Инсон Ўғли» (Юҳан.3:13) деб гапирар эди. Биз бу ерда тушунчалар аралашмаси эмас, балки сир-синоат бор деб фараз қиламиз. Инсон қиёфасига кириб, Ўғил Ўзининг Илоҳий моҳиятини яширади, бироқ инкор қилмайди. Илоҳий Бирлик Унинг Илоҳий Борлиқдан ҳар қандай чекинишини иложсиз қилиб қўйди. Масиҳ Ўзига инсон табиатини олган пайтда, ҳаёт кечирининг паст даражасига ўтгани йўқ, ёки ҳатто вақтинча бўлса ҳам аввалги ҳолатига қараганда тубанроқ ҳолатга ўтгани йўқ. Худо ҳеч қачон Ўзидан кичик бўлиши мумкин эмас. Чунки Худо Ўзи қандай бўлса, ундан ҳам яхшироқ бўлиши мумкин, деб ўйлашнинг ҳатто иложи йўқ.

Худо Борлиғининг Уч Шаҳси — бу бир бутунлиқдир ва бу шахсларнинг хоҳиш-иродаси ягонадир. Улар ҳаминиша биргаликда ҳаракат қилади ва Уларнинг ҳеч бири қолган иккисининг розилигисиз ҳатто кичик ишни ҳам амалга оширмайди. Худонинг ҳар бир ишини Учбирлик Ўзининг Ягоналигида амалга оширади. Бу ерда биз албатта Худо ҳақида фақатгина инсонга хос тушунчалар ёрдамида ўйлашга мажбурмиз. Биз Худо ҳақида инсонга ўхшаш деб фикр-мулоҳаза юритаемиз ва натижада туб ҳақиқатни билмай қоламиз. Бироқ, Худо ҳақида астойдил ўйламоқчи бўлсак, у ҳолда биз албатта Яратувчига нисбатан, одатда У яратган нарсаларга нисбатан

қўлланиладиган фикр-мулоҳаза ва сўзларни қўллаймиз. Одамлар кўпинча ўзлари ҳам англаб етмаган ҳолда йўл қўядиган хато — бу ўзаро маслаҳат қилувчи, фикр алмашувчи ва натижада қандайдир бир тўхтамга келувчи одамлар тўғрисида ўйлаганларидек, Худо Борлиғининг Уч Шахси ҳақида фикр-мулоҳаза юритишидадир. Менга ҳар доим Мильтоннинг машҳур «Қўлдан бой берилган жаннат» асарида қандайдир заиф бир жойи бордек туюлар эди: бу Илоҳийликнинг Уч Шахси бир-бирлари билан инсоният гуноҳини ювиш тўғрисида сўзлашган жойидир.

Худо Ўғли ерда Инсон Ўғли каби юрган пайтда кўпинча Отаси билан сўзлашиб турарди ва Ота Унга жавоб берарди; Инсон Ўғли сифатида У ҳозир ҳам Худо олдида Ўз одамларини ҳимоя қилмоқда. Муқаддас Ёзувларда ёзилган Ота ва Ўғил ўртасидаги диалогни ҳамиша абадий Ота ва одам Исо Масих ўртасидаги диалог сифатида тушуниш керак. Бир вақтнинг ўзида Худо Борлиғининг Уч Шахси ўртасида бўлиб ўтадиган ва абадий мавжуд бўлган мулоқот товушни ҳам, кучни ҳам, ҳаракатни ҳам билмайди.

Абадий сукутнинг қаъридан,  
Чексиз Худо Каломи янграган эди.  
Уни ҳамиша Сўзловчидан бошқа  
Эшитмаган эди ҳеч кимса  
Ва сукунат бузилмади ҳеч қачон.

Нақадар ажойиб! Нақадар гўзал!  
Қанчалар таҳсинга лойиқ бу сажда!  
На қўшиқ эшитилар ва на бир овоз,  
Бироқ ҳамма жойда, ҳар бир соатда,

Севгида, донишмандлик ва куч-қудратда,  
Ота айтар Ўзининг Абадий Сўзин.

*Фредерик У. Фэйбер*

Кўпчилик масиҳийлар Тангрининг ишлари Уч Шахс ўрта-сида ўзаро тақсимланган, деб ўйлашади. Дунёнинг яратилиши — Отага, инсониятнинг гуноҳини ювиш — Ўғилга, руҳан янгитдан туғилиш эса — Муқаддас Рухга тегишли, деб айтилган фикр бунга яққол мисолдир. Бу қисман олганда тўғри, бироқ тўлалигича эмас. Чунки Худо Ўзини бир Шахс ҳаракат қилган пайтда иккинчиси ҳаракатсиз қоладиган қилиб бўлаклай олмайди. Муқаддас Китобда Уч Шахснинг қандай қилиб уйғунлашган бирликда бутун Борлиқдаги буюк ишларни амалга оширган ҳолда қилган ҳаракатлари кўрсатиб берилган.

Муқаддас Ёзувларда айтилишича, дунё Ота (Ибт.1:1), Ўғил (Кол.1:16) ва Муқаддас Рух (Аюб. 26:13 ва Забур 103:30) томонидан *яратилган*. Гарчи Ўғил танага айланган ва бизнинг орамизда яшаган бўлса-да, инсон қиёфасида *муҳасамлашиш* Учала Шахс томонидан амалга оширилган эди (Луқо 1:35). Масиҳни *чўмдириш* пайтида Ўғил сувдан чиқади. Муқаддас Рух Унинг устига келиб тушади, осмондан эса Отанинг овози келади (Мат. 3:16-17).

*Гуноҳларнинг ювилиши* ҳақидаги энг ажойиб тасвирланишни Ибронийларга Мактуб (9:14) да кўриш мумкин. Унда: «Масиҳ абадий Рухиллоҳ қудратида Ўзини нуқсонсиз қурбон қилиб Худога бағишлади», — деб айтилган. Бу ерда ҳам биз Учта Шахснинг биргаликдаги ҳаракатини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, Масиҳнинг *тирилишини* Отанинг ҳам (Ҳав. 2:32), Ўғилнинг ҳам (Юҳан.10:17-18), Муқаддас Рухнинг ҳам

(Рим. 1:4) фаолияти деб ҳисоблаш мумкин. Ҳаворий Бутрус таъкидлашча, ҳар бир инсоннинг *нажот топиши* — бу Худо борлигининг жами Уч Шаҳси биргалиқда бажарадиган фаолияти ҳисобланади (1 Бут. 1:2). Шунингдек, инсон қалбида Ота ҳам, Ўғил ҳам, Муқаддас Рух ҳам *яшайди*, дейилади (Юҳан. 14:15-23).

Учбирлик ҳақидаги таълимот, мен юқорида айтиб ўтганимдек, юрак учун ҳақиқатдир. Унинг етарли даражада тушунарли бўла олмаслиги бу таълимотга қаршилиқ қилмайди, аксинча, унинг фойдаси учун ёрдам беради. Бу каби ҳақиқатга фақатгина Худо томонидан бериладиган очиқлик туфайлигина эришиш мумкин, уни ҳеч ким шунчаки осонлик билан тасаввур қила олмайди.

Эй, барокатли Учлик!

Эй, камтар Буюклик!

Эй, Бирликдаги Учлик!

Сенсан — Абадий, ягона Худо!

Муқаддас Учлик!

Уччаласи ҳам тенг марҳаматланган,

Олқишлаймиз Сени — Ягона Худо!

*Фредерик У. Фэйбер*

## Худонинг баркамоллиги

*Барча мавжудотлар Худоси! Фақат Ўзинг  
ЎЗИНГНИНГ БОРЛИГИНГНИ тасдиқлай ола-  
сан; бироқ Сенинг суратингда ва Сенга ўхшаш  
бўлиб яратилган ҳар биримиз Сенинг изингдан:  
«Мен борман» деб қайтаришимиз мумкин. Бу  
билан биз Сендан келиб чиққанлигимизни ва биз-  
нинг ҳар бир сўзимиз Сенинг сўзларинг акс-садоси  
эканлигини тан оламиз.*

*Биз тан оламизки, Сен — буюк Асл Зотсан  
ва Ўз марҳаматингни дариг тутмаган ҳолда,  
Ундан бизларни — бор-йўғи мукаммал бўлмаган  
бир нусхаларни яратгансан. Бироқ шунинг ўзи  
учун ҳам биз Сендан миннатдормиз. Сенинг  
қошингда бош эғиб, таъзим қиламиз, эй абадий  
Ота. Омин.*

«Худода келиб чиқиш деган нарса йўқ», — деб айтган эди Новаиан<sup>1</sup>. Айнан мана шу келиб чиқишнинг йўқлиги ҳақидаги фикр Худони Худо бўлмаган нарсадан ажратишда ёрдам берувчи асосий мезон ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Новаиан. Учбирлик ҳақида. — Novatian. On the Trinity (Macmillan Co, New York, 1919).P.25.



«Келиб чиқиш» — бу яратилган нарсага нисбатан қўллаш мумкин бўлган сўздир. Келиб чиқишга эга бўлган бирор нарса ҳақида ўйлаган пайтимизда, биз Худони назарда тутмаймиз. Яратилган ҳар бир нарса, албатта нимадандир келиб чиқаётган бир пайтда Худо Ўз-Ўзидан бор бўлган. Худодан бошқа ҳеч бир нарса ўзидан ўзи пайдо бўлмаган.

Нарсаларнинг келиб чиқишини билишга уринар эканмиз, биз ҳамма нарса ҳеч нарсадан яратилмаган Зот томонидан яратилган эканлигини тан оламиз. Бу борада бизни тажрибамиз ишонтиради. Мавжуд бўлган ҳамма нарсанинг ўзидан олдин келувчи, ёки ҳеч бўлмаган унга тенг бўлган қандайдир сабаби бўлиши керак. Чунки кичик нарса катгани келтириб чиқара олмайди. Ҳар қандай одам ёки ҳар қандай нарса бир вақтнинг ўзида ниманингдир сабаби ҳам, ниманингдир натижаси ҳам ва шу тарзда, то биз ҳамма нарсанинг сабабчиси бўлган Зотга қайтиб бормагунимизча ҳеч нарсанинг натижаси ҳам бўлиши мумкин.

Ёш бола «Худо қаердан келган?» деб сўраган пайтда ўзи ҳам билмаган ҳолда Худони биров томонидан яратилган, деб таъкидлайди. Бу билан боланинг онгида сабаб, манба ва келиб чиқиш тушунчаси ўрнашиб қолади. У атрофини ўраб турган ҳамма нарса бошқа бир нарсадан келиб чиққанлигини билади, шунинг учун ўзининг мана шу тушунчасини тўғридан-тўғри Худога нисбатан ҳам қўллайди. Кичик файласуф барча нарсаларни ким томонидандир яратилган, деб фикр юритади. Агар унга асосий маълумот етишмаётганлигини ҳисобга олсак, у ҳолда уни мантиқан тўғри фикрлаяпти, деб айтиш мумкин. Болага Худонинг келиб чиқишга эга эмаслигини айтиш керак, бироқ бу нарсани англаб етиш унга қийин бўлади. Чунки бу — бола учун умуман нотаниш фикр бўлиб, бундай тушунча ақл-

идрокли барча мавжудот онгида чуқур томир ёйган, ҳар бир нарсанинг сабабини излашга бўлган интилишга, бошланишини топиш мумкин бўлмаган нарсага етмагунларига қадар, ҳамма нарсани текширган ҳолда борган сари орқага ҳаракат қилишга одамларни мажбур қилувчи интилишга зид бўлган тушунчадир.

Келиб чиқиш ғоясини қўллаб бўлмайдиган ҳар қандай нарса ҳақида шунчаки, тайёргарликсиз фикр-мулоҳаза юришиш нафақат мушкул, балки иложсиз ҳамдир. Кичкинагина оловни унга тик қараб туриб, назарни сал четроққа йўналтирган ҳолда кўрмай қолиш ҳам мумкин. Шунга ўхшаш нарса Яратилмаган ҳақидаги фикр-мулоҳазалар билан ҳам юз бериши мумкин. Фикримизни умуман яратилмаган Зотга нисбатан жамлаган пайтимизда, биз ҳеч нарса кўра олмаймиз, чунки У ҳеч бир инсон яқинлаша олмайдиган нур ичра яшайди. Худо бизнинг «қоя ёриғи»даги яширинган жойимиз яқинидан ўтаётган пайтда, фақатгина имон ва севги билан Унга қарай олишимиз мумкин. «Гарчи бу билим хира, тушунарсиз ва ўта умумий бўлса-да, — дейди Мигель де Молинос, — у илоҳийлик касб этган ҳолда, бу ҳаётда ақл-идрок ёрдамида эришилган тушунчага нисбатан Худо ҳақида тушунарлироқ ва мукамалроқ тасаввурни беради, чунки моддий қиёфалар ва ақл-идрок томонидан яратилган қиёфалар Худодан чексиз узоқликдадир»<sup>1</sup>.

Ўз навбатида яратилган инсон ақли кўриниб турган сабабларга кўра Яратилмагани қийинчилик билан тасаввур қилиши мумкин. Биз билимимиз чегарасидан ташқарида бўлган Зотнинг ҳозир бўлишига изн берган ҳолда ўзимизда ноқулайлик сезамиз. Биз Ўзининг борлиги ҳақида бизга ҳисоб

---

<sup>1</sup> Мигель де Молинос. Указ. соч. С.58.

бермайдиган, ҳеч кимга жавобгар бўлмаган, Ўз-Ўзидан бор бўлган, ҳеч кимга қарам бўлмаган ва тўла-тўқис мустақил бўлган Зот ҳақида ўйлаганимизда хавотирга тушамиз.

Фалсафа ва бошқа фанлар ҳар доим ҳам Худо ҳақидаги фикрларга рўйхушлик билан ёндашмаган ва ҳамма гап шундаки, фанлар ҳамма нарсани тушунтириб бериш учун яратилгандир, олимлар эса бирор нарсани тушунтиришнинг имкони бўлмаган пайтда безовта бўлиб, хотиржамликни йўқотиб қўйишади. Олимлар ўзлари билмайдиган кўп нарсаларнинг мавжудлигини тан олишади. Бироқ, бу умуман олганда улар ҳеч ҳачон била олмайдиган, кашф қилиниши учун уларда ҳеч қандай усул ишлаб чиқилмаган қандайдир бир нарсани мавжуд эканлигини тан олиш, дегани эмас. Биздан узоқда, биз яратган категорияларга сиғмайдиган, исмини айтиб чақириб бўлмайдиган, бизнинг ақл-идрокимиз ҳукмига ҳавола бўлмайдиган, бизнинг сўроқларимизга жавоб бермайдиган Кимдир борлигини тан олиш — бу жуда катта итоатни талаб қилади. Кўпчилигимизга бундай итоаткорлик етишмайди, шунинг учун биз ўз мулоҳазаларимизда Худони ўз даражамизга ёки ҳеч бўлмаганда, биз Уни бошқара олишимиз мумкин бўлган даражагача туширган ҳолда ўз обрў-эътиборимизни сақлаб қолишга интиламиз. Бироқ У шу қадар тутқич бермаски! У ҳамма жойда ҳозир ва бир вақтнинг ўзида ҳеч қерда йўқ, чунки «қаердадир» деган тушунча моддийликни ва фазони билдиради, Худо эса моддийликка ҳам, фазога қам боғлиқ эмас. Унга вақтнинг ҳам, ҳаракатнинг алоқаси йўқ. Худо фақат Ўзига Ўзи боғлиқ ва У Ўзининг қўллари билан яратилган дунёлар учун ҳеч нарсанинг мажбуриятини олмайди.

Вақтдан ташқарида, борликдан ташқарида  
бир Ўзинг, ёлғизликликда,

Ва юксалган Учлик билан,  
Сен ҳамиша буюқдирсан,  
Бирликдаги ягона Худо!  
Бири улуғворликда, бири шуҳратда,  
Ким Сенинг ажойиб тарихинг сўзлар?  
Яхшилик бахшида этувчи Учлик!

*Фредерик У. Фейбер*

Бизнинг ичимиздаги Муқаддас Китобни мутолаа қиладиган мамлакатда яшовчи, турли жамоатларга тегишли бўлган ва масиҳийлик далаларида меҳнат қилаётган миллионлаб кишилар бутун ҳаёти давомида, балки бирор маротаба ҳам Худонинг борлиги ҳақида жиддийлик билан ўйлаб кўрмаганлиги ва ҳатто бунинг учун уриниб ҳам кўрмаганлиги ҳақида ўйлаш қайғулидир. Камдан-кам киши «МЕН БОРМАН...» деган сўзларни ажабланиб ўқийди ва бунда Ўз-Ўзидан бор бўлган, яратган мавжудотларидан ҳеч бирининг фикри Ундан нарига ўта олмайдиган Зотни кўра олади. Бундай ўй-фикрлар биз учун ўта азоблидир. Биз бирор-бир фойдали нарса ҳақида ўйлашни маъқул деб биламиз: мисол учун, қандай қилиб сичқон тутадиган ишончли қопқон яшаш ҳақида, ёки бўлмаса, қандай қилиб бир ўт ўрнига иккита ўт ўстиришга эришиш тўғрисида ўйлаймиз. Ва бунинг эвазига биз қимматли тўлов тўлаймиз: эътиқодимиз борган сари дунёвий бўлиб боради, бизнинг ички дунёимиз эса емирилишга учрайди.

Балки, бирор бир чинакам, бироқ саросимада қолган масиҳий ҳозирнинг ўзидаёқ мен бу ерда баён этаётган концепцияларнинг амалий моҳияти нимадан иборат эканлиги ҳақида баҳслашишни истаб қолар. «Бу менинг ҳаётимга қандай таъсир кўрсатади? — деб сўрар балки у. — Худонинг баркамоллиги

(ҳеч нарсада ҳеч кимга қарам эмаслиги) биз учун, биз яшаётган даврда қандай аҳамиятга эга бўлиши мумкин?»

Бунга мен шундай жавоб бераман: «Биз — Худонинг яратган мавжудотлари бўлганимиз учун, бизнинг барча муаммоларимиз ва бу муаммоларнинг ечимлари теология билан чамбарчас боғлиқдир». Борлиқни бошқараётган Худо ҳақидаги баъзи бир билимлар соғлом дунёқарашнинг онгли тарздаги ҳаётий фалсафасини яратиш учун зарурдир. Александр Поупнинг айтганлари тез-тез тилга олинади:

Ўз-ўзингни таниб-билгин ва  
Ўрганишга ошиқмагин Худони:  
Фақатгина инсонни ўрганиб туриб,  
Таниб билиш мумкин инсониятни.

Агар бу маслаҳатга бевосита амал қилинганда эди, бу нарса инсонни бир кун келиб, ҳеч бўлмаганда юзаки бўлса ҳам, ўзини таниб-билиш имкониятидан маҳрум қилган бўларди. То Худонинг қандай эканлигини оз бўлса-да ўрганмас эканмиз, биз ҳеч қачон ўзимизнинг ким эканлигимизни ва нима эканлигимизни билолмаймиз. Шунинг учун Худонинг баркамоллиги — бу ақл-идроқдан ташқаридаги ва ҳаётдан узоқдаги қуруқ бир таълимот эмас. Бу ҳақиқатан ҳам жарроҳлик операциясининг замонавий усулидек ҳаётий — кишини тўлқинлантирувчи масаладир.

Ўзигагина маълум бўлган сабабларга кўра, Худо инсонни Ўз сурати ва қиёфасига ўхшатган ҳолда яратиб, уни бошқа мавжудотлардан устун қўйди. Шунинг англаб етиш керакки, Худо сурати ва қиёфаси — бу шоирона ҳаёл, эътиқод жиҳатдан қизиқиш туфайли туғилган фикр эмас. Бу Муқаддас Ёзувларда

очиқ-ойдин айтилган ва масиҳийлик эътиқодини тўғри тушунишга ёрдам берувчи ҳақиқат сифатида Жамоат тан оладиган ишончли илоҳий далилдир.

Инсон — бу Худо суратига, қиёфасига ўхшатиб ижод қилинган ва Худога қарам бўлган яратилган мавжудотдир. У ўз-ўзича ҳеч нарсага эга эмас. Шу сабабли ҳам, ҳаётининг ҳар бир дақиқасида инсон уни Ўз қиёфаси ва суратига ўхшатиб яратган Зотга қарамдир. Худонинг бор бўлиши инсоннинг мавжуд бўлиши учун керақдир. Тасаввур қилинг, Худо йўқ бўлсин — у ҳолда инсон мавжудлигининг пойдевори ҳам изсиз йўқолади. Худо — бу ҳамма нарса, инсон эса — ҳеч нарса эмас, деган фикр масиҳийлик эътиқодининг асосий таълимоти дир ва бу ерда масиҳийлик таълимоти Шарқнинг ривожланган фалсафий динлари таълимоти билан устма-уст тушади. Инсон ўзининг бор ақл-идроки билан фақат илк товушнинг акс-содиси, фақат яратилмаган дунёнинг аксидир. Қуёшдан ажралган нурнинг йўқолиши каби, Худодан ажралган инсон ҳам яна яратилган пайтида чиқиб келган йўқлик қаърига ботиб кетади.

Нафақат инсон, балки мавжуд ҳамма нарса яратилишнинг тўхтамайдиган ҳаракатидан келиб чиқади ва унга боғлиқдир.

«Азалда Каломуллоҳ бор эди, Каломуллоҳ Худо наздида эди, Каломуллоҳ Худо эди... Борлиқ У орқали бор бўлган, У сиз ҳеч нарса бор бўлган эмас. Неки бор бўлган бўлса, У орқали бор бўлган» (Юҳан. 1:1-3).

Бу сўзларни Юҳанно шу тарзда тушунтиради ва унинг фикрига ҳаворий Павлус ҳам қўшилади: «Кўкдаги ва ердаги борлиқ мавжудот, кўринадиган ва кўринмайдиган маҳлуқот, у дунёю бу дунёдаги ҳар қандай тахту тож, салтанату ҳукмронлик У орқали яратилган. Ҳамма нарса У орқали ва У учун

яратилган. Унинг Ўзи эса ҳамма нарсадан аввал мавжуд эди. Борлиқ мавжудот Унинг соясида мавжуддир» (Кол. 1:16-17).

Бу берилган гувоҳликка Ибронийларга Мактуб муаллифи ҳам ўз фикрини қўшимча қилади. Бунда муаллиф Масих ҳақида У — Тангри шуҳратининг ёрқин нурида, У — Ўз Шахси тимсолини ифода қилади, У — ҳамма нарсани Ўз ҳокимияти ила қўллаб-қувватлайди, дея гувоҳлик беради.

Ҳамма нарсанинг Худо иродасига бу тарздаги мутлақ қарамлигида муқаддасликка ҳам, гуноҳга ҳам имконият мавжуд. Инсондаги Худо сурати ва қиёфасининг хусусиятларидан бири — бу унинг ахлоқ доирасида эркин танлай билишидир. Масихийлик таълимотига мувофиқ инсон Худодан мустақил бўлишни маъқул деб топди ва ўзи танлаган йўлни Худонинг кўрсатмасига амал қилиш кераклигини билатуриб, бош тортиш билан тасдиқлади. Бу қилмиш Худо ва Унинг яратган мавжудоти ўртасидаги мавжуд муносабатларни бузишга олиб келди. Худо инсон мавжудлигининг пойдевори бўлмай қолди, бу нарса инсонни орқага — ўз-ўзига улоқтириб юборди. Шундан кейин у марказда жойлашган Қуёш атрофида айланадиган сайёра эмас, балки атрофида қолган барча нарса айланиши керак бўлган мустақил қуёшга айланиб қолди.

Худонинг баркамоллигини тасдиқлаш учун Худонинг Мусога қарата:

«Мен бу — Мендирман. Мен ҳамиша Мен бўлиб қоларман»  
(Чик. 3:14)

деб айтган сўзларидан яхшироғи топилмаса керак.

Худо ҳисобланган ҳамма нарса, Худо бўлган барча нарса дадиллик билан қилинган ушбу баёнотда ифода қилингандир.

Бироқ Худодаги баркамоллик — бу гуноҳ эмас, балки яхшилик, муқаддаслик ва ҳақиқатнинг йиғиндисидир.

Табиий инсон фақат ва фақат шунинг учун ҳам гуноҳкорки, у Худо билан бўлган муносабатида Унинг баркамоллигига қарши чиқади. Бошқа барча ҳолларда инсон, балки ўз ихтиёри билан Худонинг ҳукмронлигини тан олар, бироқ ўзининг шахсий ҳаётида у бу ҳукмронликни инкор қилади. Инсон учун Худонинг ваколоти ўзининг ваколоти бошланган жойда ниҳоясига етади. Инсон учун «Мен» сўзи бош ҳарф билан ёзилади ва бу билан у ўзи ҳам англаб етмаган ҳолда «Мен самога чиқиб, Худонинг юлдузларидан ҳам юқорида ўз тахтимни қураман ... Тангри Таолога ўхшаб қоламан» (Иша.14:13-14), — деб айтган тубанлашган тонг ўғли Люциферга ўхшаб қолади.

Бироқ Худонинг баркамоллиги шу қадар нозик нарсаки, унинг борлигини бирор киши илғаб олиши жуда мушкулдир. Табиатан исёнчи бўлиб туғилганлиги учун ҳам, инсон ўз исённи англаб етмайди. Шахсий «мен»нинг доимий равишда таъкидлаш унинг учун одатдаги ҳол ҳисобланади. Инсон ўзининг «мен»идан қисман бўлса-да воз кечишга рози, баъзан эса олдига қўйган мақсадига етишиш учун ўзини қурбон қилишга ҳам тайёр, бироқ у ҳеч қачон ўз тахтидан тушишни истамайди. Ижтимоий пиллапойдан қай даражада пастга тушиб кетганлигининг бу инсон учун аҳамияти йўқ, чунки ўз кўзлари билан қараганда, у барибир тахтнинг шоҳи бўлиб қолаверади ва ҳеч ким, ҳатто Худо ҳам ундан бу тахтни олиб қўя олмайди.

Гуноҳнинг турли хил кўринишлари мавжуд, бироқ унинг моҳияти биттадир. Худога таъзим қилиш учун Худо томонидан яратилган ақл-идрокли мавжудот ўзининг шахсий тахтига ўтириб олади ва ушбу баландликдан туриб: «МЕН МЕНБОР-МАН», — деб ўзини маълум қилади. Моҳиятига кўра бу



гуноҳдир, бироқ бу қандайдир табиий нарса бўлгани учун ҳам, ҳатто яхшидек кўриниши мумкин. Бу маънавий жиҳатдан номутаносиблик, фақатгина юрак Хуш хабар олиб, Муқаддаслар Муқаддаси қаршисида ўзини бекитиб турадиган кўринмаслик қалқонисиз ҳозир бўлган пайтдагина виждон азобига солиши мумкин. Хушхабар тили билан айтганда, Қудратли Худо ҳузурининг алангаси қаршисида шу тарзда ҳозир бўладиган бу инсон «ҳукм қилинган» деб айтилади.

Масиҳ Ўзи дунёга юбориши керак бўлган Рух ҳақида сўзлаган пайтида бу ҳақда эслатиб ўтган:

«У эса келиб, гуноҳ, адолат ва ҳукм хусусида дунёнинг хато қилганини фош қилади» (Юҳан. 16:8).

Масиҳнинг бу сўзлари илк бор Ҳосил байрами куни, ҳаворий Бутрус ўзининг буюк масиҳийлик хутбасини илк бор ваъз қилган пайтда рўёбга чиқди. «Бу сўзларни эшитганлар юракларига ўқ қадалгандай бўлишди. Бутрус ва бошқа ҳаворийларга: — Биродарлар, биз нима қилайлик? — дейишди» (Ҳав. 2:37).

«Биз нима қилайлик?» — бу ўзининг бошқа бировдан тортиб олган тахтда ўтирган деспот эканлигини тўсатдан тушуниб қолган ҳар бир инсоннинг юрак тубидан чиқаётган ҳайқириқдир. Бу қанчалик оғир бўлмасин, айнан мана шу каби тўсатдан содир бўлган маънавий саросималик чин кўнгилдан тавба қилишга олиб келади. Тавба қилган киши эса бу тахтдан воз кечиб, Хушхабар орқали кечирим ва хотиржамликка эга бўлганидан кейин, ўзида саботли масиҳийни шакллантиради.

«Қалбнинг поклиги — бу инсоннинг бир бутунлик сари интилишидир», — деган эди Кьеркегор. Биз эса бу жумлани

ўзгартиришимиз ва шунга ўхшатган ҳолда: «Гуноҳнинг моҳияти — бу инсоннинг бир бутунликка бўлган интилишидир», — деб айтишимиз мумкин. Чунки инсон Худо хоҳиш-иродасини ўз хоҳиш-иродаси билан алмаштиришни истаганида, бу нарса унинг Худони Ўз тахтидан тушириб, кичик инсоний шоҳликда ўзини Худодан юқори қўймоқчи бўлганлигини билдиради. Бу ўз моҳиятига кўра гуноҳдир. Гуноҳлар денгиз қирғоғидаги қум каби ҳажми жиҳатдан кўпайиб бориши мумкин, бироқ аслини олганда бу битта гуноҳдир. Гуноҳ борлиги учун ҳам, гуноҳлар мавжуддир. Бу кўп маротаба танқидга учраган инсоннинг бошдан-бош гуноҳқор эканлиги ҳақидаги таълимот орқасида турувчи асл сабабдир. Бу таълимотта мувофиқ, тавба қилмаган инсон фақатгина гуноҳ қилиши мумкин ва унинг қилган ҳамма хайрли ишлари аслини олганда хайрли эмасдир. Худо Қобил келтирган қурбонликларни рад қилгани каби, инсоннинг имон-эътиқод учун қилган энг яхши меҳнатларини ҳам қабул қилмайди. Инсон Худога Ундан тортиб олинган тахтни қайтариб берган пайтдагина, Худо унинг меҳнатларини қабул қилади.

Масиҳийнинг ҳаракатлари яхши киши бўлиб қолиш учун йўналтирилган, шу билан бир вақтнинг ўзида худди ақл-идроксиз ахлоқий рефлекс каби, унинг ичида ҳаворий Павлус томонидан Римликларга Мактубнинг еттинчи бобида жуда яхши ифода қилиб берилган ўз-ўзини тасдиқлашга бўлган интилиш ҳам яшайди. Павлуснинг бу гувоҳлиги пайғамбарлар таълимоти билан тўлиқ устма-уст тушади. Масиҳ туғилгунга қадар саккиз юз йил олдин, Ишаё пайғамбар гуноҳни Худо иродасига қарши қилинган исён ва ҳар бир инсоннинг истаган томонига кетиш ҳуқуқининг тасдиғи, деб атайди. «Ҳаммамиз қўйлар каби довдираган эдик, ҳамма ўз йўлидан кетаётган эди»

(Иша. 53:6). Ўйлайманки, ҳеч ким гуноҳни бу қадар аниқ тасвирлаб бермаган.

Худонинг хизматига ўзларининг ҳаётларини бағишлаган инсонларнинг гувоҳлиги пайғамбарлар ва ҳаворийларнинг айтганлари билан тўла-тўқис устма-уст тушади. Инсон табиати асосида ўз «мен»ини тасдиқлашнинг ички принципи ётади ва бу ички принцип одамлар қилган ҳамма нарсани ёмонликка айлантиради. Бизга тўлиқ нажот бериш учун Масиҳ табиатимизда мавжуд бўлган бу бурилишни қарама-қарши йўналишга буриб юбориши керак. Ҳатти-ҳаракатимизда Худо режасини ва бошқа одамлар бахт-саодатини биринчи ўринга қўйишимиз учун, У бизда янги принципни ўстириши керак. Ўз «мен»имизни тасдиқлаш хоҳиш-истагидан келиб чиқадиган аввалги гуноҳларимиз ўлиши керак, уларни эса фақатгина хоч ёрдамида ўлдириш мумкин.

«Агар ким менга эргашишни истаса, ўзидан кечсин ва ўз хочини кўтариб, орқамдан юрсин» (Мат. 16:24).

Раббимиз шундай деб айтган эди. Бир неча йиллардан сўнг, ғалабага эришган Павлус: «Мен Масиҳ билан бирга хочга михлаб қўйилганман. Энди яшаётган мен эмас, балки Масиҳ менинг ичимда яшайпти» (Гал. 2:20), — деб айта олди.

Худойим, наҳотки гуноҳ ўз ҳукмронлигини ўрнатар  
Ва ўзининг бутун бир қўрслиги ила қалбимда яшар!  
Сен берган кечирим етарли эмас,  
Хоч юксалиши ва «мен» ўлдирилиши даркор!  
Севгида мужассамлашган эй Худойим,  
Ўз куч-қудратинг кўрсат:  
Масиҳнинг ўликлардан тирилиши етарли эмас,

Мен ҳам порлаётган кўкка интилишим  
Ва Масиҳ каби ўликлардан тирилишим керак.

*Грек жамоат қўшиқларидан*

## Худонинг эркинлиги

*Эй, Тангрим, Сенга ҳеч нима керак эмаслигини тушуниб етишни бизларни ўргат. Агар Сенга бирор нима керак бўлганда эди, у ҳолда бу Сенинг мукаммал бўлмаганлигиндан дарак берар эди: биз эса қандай қилиб мукаммал бўлмаган Зотга итоат қилишимиз мумкин? Агар Сенга ҳеч нарса керак бўлмаса, у ҳолда ҳеч ким ҳам керак бўлмайди. Агар Сен ҳеч кимга муҳтож бўлмасанг, у ҳолда биз ҳам Сенга керак эмасмиз. Сен бизни бизга муҳтож бўлмасанг ҳам излайсан, чунки биз Сен туфайли яшаймиз, ҳаракат қилаймиз ва мавжудмиз. Омин.*

«Отанинг Ўзи ҳаёт манбаи» (Юҳан. 5:26). Масих таълимотига мос равишда бу қисқа жумлада У шу қадар юксак ҳақиқатни башорат қилган эдики, бу ҳақиқат инсон ўй-фикрининг барча ютуқларидан ўтиб кета олади. «Худо мустақил, — дейди Масих, Худо — бу Унинг Ўз-Ўзида борлигидир». Бу сўзларнинг асл маъноси шундан иборатдир.

Худо қандай бўлишидан қатъий назар, У Ўз-Ўзида бордир. Бутун бир ҳаёт ақл-идроксиз ҳаётнинг тубанлашган шаклими ёки юксак ақл-идрокли фариштанинг ҳаётими, умуман қандай бўлишидан қатъий назар, Худода ва Худодандир. Ҳеч қандай

мавжудот ўз-ўзича ҳаёт кечирмайди. Ҳар қандай ҳаёт — Худо берган инъомдир.

Шунингдек, Худонинг ҳаёти — кимнингдир инъоми эмас. Агар Худо ҳаёт инъомини ёки умуман, бошқа қандайдир инъомни бирортасидан олиши мумкин бўлганда эди, у ҳолда ана шу бирортаси тўғридан-тўғри Худо бўлган бўларди. Худо ҳақида ўйлашнинг оддий, бироқ ишончли йўли — бу У ҳақда ҳамма нарсаси бор, бериш мумкин бўлган ҳамма нарсани бера оладиган, бироқ Ўзи аввал берган нарсасидан бошқа ҳеч нарсани олмайдиган Зот ҳақида ўйлаганимиз каби фикр юри-тишдир.

Худони нимагадир муҳтож деб билиш — бу Худо Борлигини тўла-тўқис эмас, деб тан олишдир. Муҳтожлик — бу яратилган мавжудотларга тегишли бўлган сўздир ва у Яратувчига тааллуқли бўлиши мумкин эмас. Худо истаса, Ўзи яратган мавжудотлар билан муносабатда бўлади, бироқ У Ўзидан бошқа бирор киши билан бўладиган мулоқотга *муҳтож эмас*. Худонинг Ўзи яратган бандаларига бўлган қизиқиши, улар Худонинг бирор муҳтожлиги қоплаши ёки Унинг шундайига ҳам мукамал бўлган тўла-тўқислигига ва комиллигига бирор нима қўша олиши мумкинлиги туфайли эмас, балки чексиз меҳрибон эканлигидан келиб чиқади.

Биз яна ўз ўй-фикримизнинг одатдаги йўналишини тескари томонга буришимиз ва мукамал, ўз ҳолида ягона ҳамда фақатгина шу ҳолатдагина ҳақиқат ҳисобланадиган нарсани тушунишимиз керак. Биз яратилган мавжудотлар нимагадир муҳтож бўлади, деб ўйлашга одатланганмиз. Ҳеч нарса ўз-ўзича тўла-тўқисликка эга эмас ва шунинг учун ҳар қандай яратилган мавжудот яшаш учун ҳам ташқаридан бирор нарсага муҳтожлик сезади. Ҳар бир нафас олувчи жонзот учун ҳаво

керак; ҳар қандай тирик жонзотга егулик ва сув зарур. Агар Ерни ҳаво ва сувдан маҳрум қилсангиз, бутун ҳаёт бир лаҳзанинг ўзидаёқ йўқ бўлиб кетади. Яшаш учун ҳар қандай яратилган мавжудот қандайдир яратилган нарсага муҳтождир ва ҳамма яратилган нарсалар учун Худо керакдир. Фақат Худога ҳеч нарсанинг зарурати йўқ. Буни аксиомани тасдиқлаган каби тасдиқлаш мумкин.

Дарё ўзининг ирмоқлари ҳисобига катталашади, бироқ ҳамма нарса Ундан келиб чиққан ва ўзининг мавжудлиги учун ҳар қандай жонзот Унинг чексиз тўла-тўқислиги ва баркамоллиги олдида қарздордир. Аммо ана шу Зотни йириклаштирадиган ўша ирмоқ қаерда?

Тубсиз Денгиз!

Бутун бир ҳаёт Сен орқали бордир,

Ва Сенинг ҳаётинг — Сенинг ҳаловатли Бирлигингдир.

*Фредерик У. Фэйбер*

Мушоҳадали кишилар ҳаёлини ҳамон «Нима учун Худо Борлиқни яратди?» деган савол эгаллаб турибди.

Биз нима учунлигини билмаслигимиз мумкин. Бироқ инсон қишда совуқдан сақланиш учун ўзига уй қургани ёки ўзини егулик билан таъминлаш учун буғдой сепгани каби, Худо ҳам Ўз дунёларини қандайдир муҳтожлиги учун яратмаганлигини биламиз. *Зарур* сўзи Худо учун бутунлай бегонадир.

Худо — ҳамма нарсадан юксақдир ва бундан келиб чиқадики, У янада юксақликка кўтарилиши мумкин эмас. Ундан ҳам баланд, Ундан юқорида турувчи ҳеч нарса йўқ. Худо яратган мавжудотлар учун Унга томон ҳаракатланиш — бу юқорига кўтарилишдир. Ундан узоқлашган ҳолдаги

ҳаракатланиш эса — бу қуйига қараб кетишдир. У ҳеч кимнинг рухсатисиз Ўз ўрнида Ўз-Ўзича қолаверади. Худди шунинг каби Худони ҳеч ким юксалтира олмайди ва ҳеч ким пасайтира олмайди. Муқаддас Ёзувларда ҳамма Худонинг куч-қудратига бўйсунди, деб айтилган. Шундай экан, Худо қандай қилиб Ўзининг қўл остидагилари томонидан юксалиши ёки муштаҳамланиши мумкин?

Агарда ҳамма одамлар тўсатдан кўр бўлиб қолсалар ҳам, кундузи қуёш, кечаси эса — юлдузлар порлаб, нур сочиб тураверган бўларди. Чунки қуёш ва юлдузлар уларнинг нуридан фойдаланувчи миллионлаб кишилар олдида ҳеч қандай мажбуриятга эга эмас. Худди шунга ўхшаб, ер юзидаги ҳамма одамлар тўсатдан худосиз бўлиб қолсалар, бу Худонинг моҳиятига заррача таъсир қилмаган бўлар эди. Худо — бу бошқа бировларга боғлиқсиз равишда Унинг борлигидир. Худого бўлган имон Унинг баркамоллигига ҳеч нарса қўша олмайди; Худонинг борлигига бўлган шубҳаланиш эса Ундан ҳеч нарсани олиб қўя олмайди.

Қудратли Худого Ўзи қудратли бўлганлиги учун ҳам ҳеч қандай ёрдамнинг кераги йўқ. Одамларнинг кўнглига ёқиш учун уларга тилёғмалик қилаётган, асабийлашган, илтимос қилаётган Худони тасаввур қилиш мушкул. Бироқ агар биз кўп одамларнинг Худо ҳақидаги тасаввурларини олиб қарайдиган бўлсак, у ҳолда айнан шу манзаранинг гувоҳи бўламиз. XX аср масиҳийлиги Худони одамларнинг марҳаматига боғлиқ қилиб тасвирлайди. Ўзимиз ҳақимизда шу қадар юксак фикр қиламизки, биз Худого керакмиз, деган фикрга ишониш биз учун агар ёқимли демасак, жуда осондир. Бироқ ҳақиқат шундаки, бизнинг мавжудлигимиз Худони янада буюкроқ қилмайди. Шунингдек, агар биз умуман мавжуд бўлмасак ҳам,



Худонинг буюклиги бирор нарсада кичиклашиб қолмайди. Биз ўз қилган хизматларимиз учун ёки Худонинг бизга муҳтожлиги туфайли эмас, балки Худонинг хоҳиш-иродаси сабабли мавжудмиз.

Табиатан худбин бўлганлигимиз учун биз учун энг оғир бўлган фикр — бу Худо бизнинг ёрдамимизга муҳтож эмас, деган фикр бўлса керак. Биз Худони одатда дунёни эгаллашда ва ер юзида яшовчи кишиларни қутқаришдаги Ўзининг олижаноб режасини рўёбга чиқаришда ёрдам бера оладиган бирортасини излаб топишга шошилаётган, иш билан банд, сабртоқатсиз, нимадандир иши юришмаётган Отага ўхшатган ҳолда тасаввур қиламиз. Бироқ, Юлианна Норвичская хоним айтганларидек: «Худо ҳақиқатан ҳам ҳамма нарсани қила олади ва бу ҳеч қачон кам бўлмайди»<sup>1</sup>.

Ҳамма нарсани яратган Худога ёрдам ҳам, ёрдамчилар ҳам керак эмас.

Жуда кўп ҳолларда хизматдаги даъватлар пайтида Қудратли Худони омадсиз қилиб кўрсатишади. Сўзамол воизхон ўз тингловчиларида фақатгина мажусийларга нисбатан эмас, балки уларни қутқаришга кўп ҳаракат қилган, бироқ Уни қўллаб-қувватламаганлари учун қутқаришнинг уддасидан чиқа олмаган Худога нисбатан ҳам осонгина ачиниш ҳиссини туғдириши мумкин. Минглаб ёш масиҳийлар биринчи навбатда Худога ёрдам бериш ниятида Худога хизмат қилишни бошлайди. Чунки (уларнинг тасавурида) Худонинг севгиси Худони ана шундай қийин шароитга киритиб қўйган.

---

<sup>1</sup> Юлианна Норвичская. Указ. соч. С.27.

Худога эса ҳимоячиларнинг кераги йўқ. У ҳеч қандай ҳимоячисиз ҳам мангу яшайверади.

Биз тушуна оладиган тилда гапириш учун Худо Муқаддас Ёзувларда кўпинча ҳарбий сўзларни ишлатган. Аммо бу душманлар Худонинг улуғвор тахтига ҳамла қиладию, Макоил фаришта самовий жанговорлиги ва бошқа самовий мавжудотлар билан бирга душманнинг бу ҳамласини қайтаришади, деб ўйлашимиз учун қилинган эмас. Шундай деб ўйлаш — бу Муқаддас Китобда Худо ҳақида гапирилган ҳамма нарсани нотўғри тушуниш демақдир. Яҳудийлик ҳам, масиҳийлик ҳам бу каби бачкана ғояларни қўллаб-қувватламаган бўлар эди. Ҳимоя қилиниши зарур бўлган Худо — бу кимдир Унга ёрдам қилаётган пайтдагина бизга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган зотдир. Биз Унга фақатгина яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги ўзаро бутун борлиқ курашида ғалаба қилган пайтидагина ишонишимиз мумкин. Будаё Худо ақл-идрокли инсоннинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўла олмайди. У ўзига нисбатан фақатгина ачиниш ҳиссини уйғотиши мумкин.

Худо ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиш учун биз Унинг тўғрисида Унга муносиб тарзда ўйлашимиз керак. Бизнинг маънавий бурчимиз — онгимиздан Худо ҳақидаги ҳамма нолайиқ тасаввурларни чиқариб ташлаш ва Унинг бизнинг онгимизда ҳам Ўзи яратган бутун Борлиқдаги Худо каби бўлиши учун ҳаракат қилишдан иборатдир. Масиҳийлик эътиқоди Худо билан ҳам, инсон билан ҳам иш олиб боради. Бир эътиқод диққат-марказида турувчи зот инсон эмас, балки Худо бўлиши керак. Инсоннинг қандайдир бир муҳим ўрин учун қиладиган ягона даъвоси шундан иборат бўлиши мумкинки, у Худо сурати ва қиёфасига ўхшаш қилиб яратилган; инсон ўз-ўзича олинганда — ҳеч нарса эмас. Забур муаллифлари ва

Муқаддас Китоб пайғамбарлари инсоннинг қанчалик арзимас эканлиги қайта-қайта гапирилган. Инсон ўт-ўланга, бутун бор бўлиб, эртага қуриб қоладиган дашт ўтларига қиёсланган. Муқаддас Китобда таъкидланишича, Худо Ўз-Ўзи учун, инсон эса — Худонинг шон-шухрати учун мавжуддир. Худога улўввор ҳурмат-эътибор, шон-шарафлар аввал самода берилади, сўнгра эса улар ерда ҳам берилиши керак.

Агар бу нарсаларнинг ҳаммасини ҳисобга оладиган бўлсак, биз эҳтимол, нима учун Муқаддас Китобда имон ҳаётий зарурият сифатида гапирилишини, имонсизлик эса ўлимга олиб келувчи гуноҳ, деб қораланишини тушуна бошлармиз. Барча яратилган мавжудотларнинг ичида ҳеч ким ўз-ўзига ишонишга журъат қила олмайди. Фақат Худо Ўзига Ўзи ишониши мумкин, қолган ҳамма мавжудот эса Унга ишониши керак. Имонсизлик — бу чиндан ҳам бузилган имондир, чунки у тирик Худога эмас, балки ўлимга маҳкум одамларга ишонч билдиради. Имонсиз киши Худонинг мустақиллигини инкор қилади ва ўзида мавжуд бўлмаган хусусиятларни ўзига тегишлидек қилиб олади. Бу икки томонлама гуноҳ Худони ҳақоратлайди ва охир-оқибатда инсон қалбини ҳалок этади.

Худо бизга Ўз севгиси ва меҳр-шафқати билан Масих кўринишида келди. Жамоат бу ҳақда ҳаворийлар давридан буён гапириб келмоқда. Масихийлик таълимоти бу таъкидни Абадий Ўғилни танага айланиши тўғрисидаги таълимотда мустаҳкамлади. Бироқ бу нарса сўнги пайтларда илк масихийлар учун касб этган аҳамиятига нисбатан қандайдир бошқачароқ ва кичикроқ маънога эга бўла бошлади. Танада намоён бўлган Инсон Масих Илоҳий Борлиқ билан тенглаштирилган ва Унинг барча инсоний заифликлари ҳамда чекланишлари Худога ҳам тааллуқли бўлиб қолган эди.

Агар сизга бу сўзларда бир нарса иккинчисига зид келаётгандек туюлса, — *Омин*, шундай бўлсин ҳам. Ҳақиқатнинг турли қисмлари ўзаро доимий зиддият ҳолатида бўлади, ва бу ҳолат то биз Худони биладиган вақтгача давом этади. Биз Отамиз билан учрашган пайтимизда, ҳозир бизга зиддият бўлиб кўринаётган нарсаларнинг ҳамоҳанглигини кўраемиз. Ўшанда биламизки, зиддият ҳақиқатда эмас, балки гуноҳ туфайли шикастланган бизнинг онгимизда.

Ҳозирча эса руҳий баркамолликка эришиш учун биз севги ва итоаткорлик билан Масиҳнинг амрларини ва Унинг ҳаворийлари кўрсатмаларини бажаришимиз керак.

«Худонинг Ўзи сизларда хоҳишни ҳам, ҳаракатни ҳам туғдиради» (Флп. 2:13).

*Худога ҳеч кимнинг кераги йўқ*, бироқ имон мавжуд бўлганда *У ҳар қандай одам орқали ҳаракат қила олади*. Бу гапда иккита тасдиқ мавжуд бўлиб, соғлом руҳий ҳаёт иккисини ҳам қабул қилишимиз кераклигини талаб қилади. Жамики авлод учун биринчи тасдиқ деярли тўлиқ ёпиқ эди ва бу нарса бизнинг қалбимизни чуқур жароҳатлади.

Яхшилик манбаи, барча марҳамат оқиб келади Сендан;  
Сенинг баркамоллигинг билмас муҳтожлик;  
Сен Ўзингдан бўлак яна нима исташинг мумкин?  
Бироқ, ҳеч кимсага қарам бўлмай туриб ҳам,  
Менинг ҳеч нарсага яроқсиз қалбимга  
Барибир истайсан эга бўлишни;  
Фақат ва фақат бу нарса керакдир Сенга.

*Иоганн Шеффер*

## Худонинг абадийлиги

*Барча кунлардан ҳам кўҳна бўлган, эй қадимий Зот! Онгимиз Сенинг абадийлигингни тўлатуқис идрок эта олмаслигини бизнинг қалбимиз бугунги кунда қувонч билан тан олади. Эй Танграм, Худовандим, мен учун Муқаддас Зот, ахир Сен абадиятдан эмасмисан?*

*Биз Сенга, умрининг поёни йўқ бўлган Абадий Отага ва Ундан туғилган, абадийлик ҳукм сурган даврлардан буён бор бўлган севикли Ўғилга таъзим қиламиз. Биз шунингдек, Сенга — дунё яратилгунга қадар Ота ва Ўғил билан бир қаторда яшаган ва севган Абадий Руҳга ҳам таъзим қиламиз ва Сени тан оламиз. Барча маъбадлар учун солиҳ ва пок қалбларни муносиб деб билган Ўз Руҳингга лойиқ макон бўлиши учун қалбимиз ҳужраларини кенгайтир ва тозала. Омин.*

Абадийлик ҳақидаги асосий фикр-мулоҳаза Муқаддас Китобнинг ҳамма жойида тоғ чўққиси каби юксалтирилган ва ортодоксал яҳудийлик ҳамда масиҳийлик дунёқарашида жуда муҳим ўринни эгаллайди. Агар бу концепцияни инкор қилганимизда, биз учун яна пайғамбарлар ва ҳаворийлар каби фикр-мулоҳаза юритишнинг умуман имкони бўлмай қолар

эди, чунки уларнинг фикру ёди абадийлик ҳақидаги узундан-узун ширин хаёллар билан тўлиб-тошган эди.

Муқаддас Ёзувлар муаллифлари баъзан «абадийлик» сўзини қандайдир қадимги нарсаларни сифатлашда фойдаланганликлари учун ҳам {(мисол учун «азалий чўққилар» ифодасидаги каби (Ибт. 49:26)}, баъзи бир кишилар бу оятларда бу сўз абадий ҳаёт концепциясини назарда тутмаган ва бу концепция фақат кейинчалик теологлар томонидан кашф қилинган, дея таъкидлашади. Бу албатта, жиддий хато ва менинг тушунишимча, у ўзининг жиддий илмий асосига эга эмас. Баъзи бир устозлар бу таъкиддан абадий жазо таълимотидан узоқроқ бўлиш учун фойдаланишган. Улар гуноҳ учун бериладиган жазонинг абадийлигини инкор қилишди ва изчил бўлишлари учун бутун бир чексизлик ғоясини заифлаштиришга мажбур бўлишди. Бу нарса қилинган хатонининг ёрқин далилига айланмаслиги учун ҳақиқатни жим бўлишга мажбур қилиш билан, уни йўқ қилиб юборишга ҳаракат қилишларига ягона мисолгина эмас.

Ҳақиқат шундаки, агарда Муқаддас Китоб чексиз яшаш сўзини том маъноси билан олганда Худога хос эканлигини ўргатмаганида эди, биз бу ҳақда Унинг бошқа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда хулоса чиқаришга мажбур бўлар эдик. Агар Муқаддас Китобда мутлақ чексизликни билдирадиган сўз бўлмаганида, бу тушунчани ифода қилиш учун янги сўз ўйлаб топишимизга тўғри келар эди. Чунки бу тушунча Илоҳий Руҳ томонидан руҳлантириб ёзилган Муқаддас Ёзувлар матнида кўзда тутилган нарса сифатида қаралади, тушунилади ва қабул қилинади. Худо Шоҳлиги учун чексизлик — бу табиат шоҳлиги учун углерод кабидир. Углерод ҳамма жойда мавжудлиги, тирик оламнинг таркиби ҳисобланганлиги ва барча тирик

мавжудотни қувват билан таъминлагани каби, чексизлик ҳақидаги тушунча масиҳийлик таълимотига маъно бериш учун зарур ҳисобланади. Ҳақиқат билан айтганда, мен абадийлик ғояси олиб ташланган тақдирда ҳам, ўз аҳамиятини сақлаб қоладиган бирорта ҳам масиҳийлик эътиқоди ақидасини билмайман.

Ҳазрати Мусо Муқаддас Рух таъсири билан: «Азалдан ва илалабад Сен Тангрисан», — деб айтган эди (Забур саноси 89:3). Буни: «Олисларда тобора йўқолиб бораётган у нуқтадан, то олисларда йўқолиб бораётган бу нуқтагача», — деган сўзлар билан Мусонинг айтганларига тўла-тўкис мувофиқ равишда ифода қилиш мумкин. Бизнинг ақл-идрокимиз кўринар-кўринмас ўтмиш то олисларда йўқолиб кетгунга қадар, орқага қараб тураверади. Сўнгра эса бурилади ва то фикр-мушоҳада ҳамда тасаввур ниҳоясига етмагунча келажакка кўз тикиб туради. Худо эса у нуқтада ҳам, бу нуқтада ҳам турган бўлади ва унисига ҳам бунисига ҳам қарам бўлмайди. Вақт яратилган нарсанинг вужудга келган вақтини белгилаб қўяди, аммо Худо Ўзининг Борлигини ҳеч қачон бошламаган, шунинг учун вақт тушунчасини Унга нисбатан қўллаш мумкин эмас. «Бошлади» сўзи вақтга тегишлидир ва у абадийликда яшайдиган Улуғвор Худо шахсини ифода қилиши мумкин эмас.

Ҳеч қандай ёш ўз йилларини Сенга юклай олмайди;  
Азизим Худо! Сен Ўзинг Ўзингнинг абадийлигингсан.

*Фредерик У. Фэйбер*

Худо абадийликда ҳозир ҳам яшар экан, Унинг на ўтмиши, на келажаги мавжуддир. Муқаддас Китобда вақтни билдирувчи сўзлар тилга олинган бўлса, улар Худо вақтига эмас, балки бизнинг вақтимизга тааллуқлидир. Тўрт жондор Арши

аълода олдида туриб кечаю кундуз тинмай: «Азалдан бор бўлган, ҳозир ҳам бор, келажакда ҳам бор бўлғуси, Сарвари коинот, Тангри Таоло муқаддас, муқаддас, муқаддасдир» (Ваҳий 4:8) — деб такрорлаган пайтда, улар Худони бизга маълум бўлган ўтмиш, ҳозирги давр ва келажак каби вақт даражалари тааллуқли бўлган яратилган мавжудотлар ҳаёти оқими билан боғлайдилар. Бу нарса эса ҳақиқатдир, чунки Худо Ўзининг шоҳона иродаси билан Ўзини вақт билан боғлашларини истаган. Бироқ, Худо яратилмаган, шунинг учун биз «вақт» деб атайдиган кетма-кет келаётган ўзгаришлар Унинг ўзига тааллуқли эмасдир.

Худо абадийликда яшайди, бироқ вақт Худода яшайди. Худо бизнинг кечаги кунларимизни яшаб ўтгани каби, эртанги кунларимизни аллақачон яшаб қўйди. Бу ерда бизга К. С. Льюис томонидан келтирилган чизма ёрдам беради. У бизга чексиз коинот бўйлаб ёйилган қоғоз варағини тасаввур қилишимизни таклиф қилади. Бу абадийлик, деб ҳисоблаймиз. Сўнгра бу қоғозда вақтни билдирувчи қисқа чизиқни ўтказинг. Чексиз давом этувчи текисликда чизиқ бошланганлиги ва туганганлиги каби вақт ҳам Худода бошланган ва Унда ниҳоясига етади.

Худонинг вақт бошида пайдо бўлишини тасаввур қилиш у даражада мушкул эмас. Бироқ, *бир вақтнинг ўзида* Унинг қандай қилиб ҳам вақт бошида, ҳам вақт охирида пайдо бўлишини англаб етиш у қадар осон эмас; аммо бу худди шундайдир. Вақт бизга воқеликлар кетма-кетлиги билан танишдир. Биз шу тарзда Коинотда бирин-кетин юз бераётган ўзгаришларга изоҳ берамиз. Ўзгаришлар бир вақтнинг ўзида эмас, балки қандайдир кетма-кетликда, бирини кетидан иккинчиси юз беради ва бизнинг вақт ҳақидаги тасаввуримиз ҳодисалар



ўртасидаги боғлиқликнинг «...гача» ва «... дан сўнг» қонуни асосида шаклланиб боради. Биз қуёшнинг шарқдан ғарбга томон ҳаракатланишини ёки соат стрелкасининг циферблат бўйича ҳаракатланишини кутамиз, бироқ Худо учун бу нарсани кутишнинг ҳеч ҳам ҳожати йўқ. Унинг учун юз бериши мумкин бўлган нарса аллақачон юз бериб бўлган ҳисобланади. Айнан шунинг учун ҳам Худо: «Мен Худоман, Мендан бошқаси ёки Менга ўхшаши йўқ. Охирида нима бўлишини Мен бошидан эълон қиламан» (Иша. 46:9-10), — деб айта олиши мумкин.

Худо аввали ва охирини бир қарашдаёқ кўра олади. «Абадийлик ҳисобланган абадий давомийлик, барча кетма-кетликни ўз ичига олади, — дейди Николай Кузанский, — ва бизга кетма-кетлик бўлиб кўринган ҳар бир нарса Сенинг абадийлик деб аталган мақсадингдан кейин мавжуд бўлган эмас... Сен Қудратли Худо бўлганлигинг учун ҳам девор билан ўралган Жаннатда яшайсан ва бу деворда анча кечроқ — жуда эрта-роқ билан, охири — бошланиши билан бир бутун бўлади, бу ерда Альфа ва Омега бирдир... ҲОЗИР ва ЎШАНДА Жаннат деворлари ҳалқасида бирлашадилар. Мутлақ ва абадий бўлган менинг Тангрим, Сен ҳозир ва ўтмиш сарҳадларидан ташқарида борсан ва Ўз сўзингни баён этасан»<sup>1</sup>.

Мусо кексайган чоғларида мен юқорида келтирган Санони ёзиб қолдирган эди. Бу Санода у Худонинг абадийлигини олқишлаб, улуғлаган эди. Мусо учун ҳақиқат ҳисобланган бу илоҳий далил унга яхши таниш бўлган Синай тоғи каби метин ва мустаҳкамдир. Бу ҳақиқатдан Мусо учун иккита хулоса келиб чиқди: Худо абадий экан, У вақт томонидан қувғин

---

<sup>1</sup> Николай Кузанский. Указ соч. С.48-50.

қилинаётган фарзандлари учун ягона ишончли бошпана бўлиши мумкин ва бўлиб қолади ҳам.

«Ё Раббий, Сен барча насларимизга паноҳ эдинг» (Забур саноси 89:2).

Иккинчи хулоса биринчисига нисбатан камроқ тасалли беради: Худонинг абадийлиги шу қадар давомий, бизнинг ер юзидаги ҳаётимиз эса шунчалик санокли бўлса, биз ўз қўлларимиз билан амалга оширган ишларни қандай қилиб кўрсатишимиз мумкин? Биз бизни ҳолдан тойдирувчи ва ҳалок қилувчи ҳодисаларнинг вайрон қилувчи ҳаракатидан қандай қочиб қутулишимиз мумкин? Худо бу Санони Ўзи билан тўлдиради ва унда ҳукмронлик қилади, шунинг учун Мусо айнан Унга ўз илтижоси билан мурожаат қилади: «Қулларимизни санашни бизга ўргатгин, токи доно қалб эгаси бўлайлик!» (Забур саноси 89:12).

Сенинг абадийлигинг ҳақидаги менга берилган билим беҳуда бўлмасин!

Бу асабийлашган асрда яшаётган бизлар учун ўз ҳаётимиз, қулларимиз тўғрисида Худо олдида ва абадийлик чегарасида туриб, кўпроқ ва узоқ фикр-мулоҳаза юритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки биз худди вақт учун яратилганимиз каби, абадийлик учун ҳам яратилгандирмиз ва жавобгар онгли мавжудотлар сифатида биз ҳар иккиси билан ҳам иш олиб боришимиз керак.

«... ва уларнинг юрагига абадийлик туйғусини солди», — деган эди воизхон (Екк. 3:11) ва менинг фикримча, бу ерда одамларнинг шон-шухрати ҳақида ҳам, уларнинг бахтсизлиги ҳақида ҳам айтиб ўтилаяпти. Абадийлик учун яратилган

бўлиб, вақтда боғлиқ ҳолда яшаш — бу инсониятнинг энг катта фожеасидир. Ичимиздаги ҳамма нарса ҳаётни ва доимийликни талаб қилади, атрофимизни ўраб турган барча нарсалар эса бизнинг ўлимга маҳкум ва ўзгарувчан эканлигимизни эслатиб туради. Бироқ, Худо бизни абадийлик хом-ашёсидан яратганлигини ўзи ҳам шон-шухрат, ҳам башоратдир. Бу шон-шухрат ҳали амалга ошади ва бу башорат ҳали рўёбга чиқади.

Агарда мен яна масиҳийлик таълимоти муҳим асосларидан бири — инсондаги Худонинг сурати ва қиёфаси ўхшашлик деган тушунчага қайтадиган бўлсам, мени бир гапни беҳуда такрорлайверишда айблашмаса керак, деб умид қиламан. Худо сурати ва қиёфасига ўхшашлик аломатлари шу қадар гуноҳ билан қопланиб қолганки, уларни илғаб олиш осон эмас. Бироқ бу аломатлардан бири инсоннинг абадийликка бўлган тинимсиз уриниши ҳисобланади, деб тахмин қилиш тўғри бўлмасмикан?

Сен бизни тупроқда қолдирмассан:

Сен инсонни яратдинг, бироқ у сабабин билмас;

У ўлиш учун яратилганман, деб ўйламас.

Ахир Сен уни яратдинг: Сен адолатлисан<sup>1</sup>.

Теннисон шундай деб фикр-мулоҳаза юритади ва соғлом инсон қалбининг тубига яширинган табиий туйғулар бизни унинг фикрига қўшилишга мажбур қилади. Худо сурати ва қиёфасига азалий ўхшашлик ҳар бир инсон қалбида туриб, чексиз умид ҳақида сўзлайди; инсон қаердадир ўз ҳаётини давом эттиради. Шундай бўлса-да, у хурсанд бўла олмайди,

---

<sup>1</sup> Альфред Теннисон. Хотиралар. — Tennyson. In Memoriam.

чунки бу дунёга келадиган ҳар бир инсонни ёритувчи нур унинг виждонини қийноққа солади, айбдорлигининг исботлари ва яқинлашиб келаётган ўлим таҳдиди билан қўрқитади. Инсон икки тегирмон тоши орасида қолиб кетади: умиднинг юқори тегирмон тоши ва қўрқувнинг қуйи тегирмон тоши.

Айнан шу ерда масиҳийликнинг Хуш хабари ўз вақтида пайдо бўлади.

«...Исо Масиҳ ўлимни йўққа чиқарди, ҳаёт ва ўлмасликни эса ойдинликка чиқарди» (2 Тим. 1:10).

Буюк масиҳийлардан бири ўзини қатл қилиши керак бўлган жаллод қаршисига чиқиш олдидан шундай деб ёзган эди. Худонинг абадийлиги ва инсоннинг ўлимга маҳқумлиги, Масиҳга бўлган имон-эътиқод шартли эмас, деган фикрнинг нотўғри эканлигига бизни ишонттиради. Ҳар бир инсон учун бу ё Масиҳ, ёки абадий фожеа бўлиб қолиши керак. Раббимиз абадийликдан вақтга бу ўткинчи дунёда маънавий ахлоқсизлиги туфайли нафақат аҳмоққа, балки гуноҳ ва ўлимнинг қулига ҳам айланиб қолган Ўзининг биродар-инсонларини қутқариш учун келган.

Қисқа умр, узоқ давом этмас ғам,  
Вақтинчалик ташвиш берилгандир бизга бу ерда;  
Поёни йўқ, кўз ёшларсиз ҳаёт эса — у ерда.  
У ерда Ўзининг бутун шон-шуҳратида  
Биз абадий кўриб турамиз  
Ҳукмдор ва Шоҳимиз бўлган Худони,  
Ва У билан юзма-юз туриб,  
Унга таъзим қиламиз.

*Бернард К्लонийский*

## Худонинг чексизлиги

*Самовий Отамиз, қоя ёригидан ва қўлларинг остида туриб бўлса ҳам, Сенинг шуҳратингни кўришига бизга имкон бер. Бизга нима бўлишидан қатъи назар: дўстларимизни йўқотсак ҳам, бойлигимиздан айрилсак ҳам, ҳаётимиз қисқарса ҳам майли. Бироқ, биз Сенга муносиб тарзда бош эгиб, таъзим қила олишимиз учун, Сен қандай бўлсанг шундайлигингча таниб-билишимизга имкон бер. Раббимиз Исо Масиҳ номи билан. Омин.*

Дунё аламзадаликка тўлган, сўнги дақиқалар яқинлашмоқда ва Иезекиел пайғамбарга кўринган очиқликда оловли булут бир пайтлар Маъбадга кириш эшигидан юқори кўтарилгани каби Худонинг улуғворлиги Жамоатни тарк этди.

Иброҳимнинг Худоси биздан узоқлашди, биз орамизда Унинг ҳозирлигини ҳис қилмай қолдик. Унинг ўрнига отабобларимиз билмаган бошқа худо бизнинг орамизда ўрнашиб олмоқда. Бу худони ўзимиз яратдик ва ўзимиз яратганимиз учун ҳам у бизга яқин ҳамда тушунарлидир; у — бизнинг ижодимиз, у ҳеч қачон таажублантирмайди, ҳеч қачон эсанкиратмайди, ҳеч қачон ҳайратга солмайди ва ҳеч қачон биздан юқори бўлмайди.

Худо қуёшга ўхшаб Ўз тафтини бериш ва марҳаматлаш, кўпроқ эса поклаш ва абадий англай билишни инъом қилиш

учун Ўз улугворлигида инсонларга Ўзини намоён қилди. У таажублантиради, ҳайратга солади. Бу ота-боболаримиз Худоси келаётган авлодларимизнинг ҳам Худоси бўлишни истайди. Биз фақат севгида, имонда ва итоаткорликда Унинг учун яшаш жойи ҳозирлаб қўйишимиз керак, холос. Биз фақат Худонинг келишини жуда ҳам исташимиз керак ва шунда У ҳозир бўлиб, бизга Ўзини намоён қилади.

Балки бизни донишманд кишининг сўзлари ишонтира олар? Архиепископ Ансельмнинг сўзларини эшитинг ёки яна ҳам яхшироғи, унинг сўзлари устида фикр-мулоҳаза юритиб кўринг:

«Ўрнингдан тур, эй ночор инсон! Ўз ишларингни бир оз бўлса-да қўйиб тур. Ўзингни безовта қилаётган ўй-фикрлардан сал узоқроқ кет. ам-ташвишларингни бир четга суриб қўй ва машаққатли меҳнатларингни қўя тур. Худо учун озгина вақтга жой ажрат ва Унинг ҳузурида ором ол. Ўз ақл-идрокингни ички ҳужраларига кириб, Худо ҳақидаги ва Уни излашда сенга ёрдам берадиган фикру хаёллардан бошқа ҳамма ўй-фикрлар учун хужра эшикларни зичлаб ёпиб қўй. Ана энди бутун қалбинг билан гапир! Энди Худога: «Мен Сенинг жамолингни излаяпман, Сенинг жамолингни излайман, Тангрим», — деб айт»<sup>1</sup>.

Худо ҳақида ўйлаш ёки айтиш мумкин бўлган барча нарсалар ичида тушуниш анча қийинроқ бўлгани Унинг чексизлигидир. Агарда уни тасаввур қилишга ҳаракат қилсак ҳам, бу ердаги бир тушунча иккинчисига қарама-қарши экандек бўлиб кўринадди. Бироқ, айнан мана шундай мушоҳада, ўзимиз ҳеч

---

<sup>1</sup> Муқ. Ансельм. Указ. соч. С.3.

қачон ега олмайдиган нарсани асос қилиб олган ҳолда, биз учун маълум бўлган хулосага келишимизни талаб қилади. Шунга қарамасдан, биз буни амалга оширишга ҳаракат қилишимиз зарур, чунки Муқаддас Ёзувлар Худо чексиздир, деб таълим беради. Агарда биз Худонинг бошқа сифатларини тан олсак, у ҳолда буни ҳам албатта тан олишимиз керак.

Худонинг чексизлигини таниб-билиш сари йўлга қадам қўяр эканмиз, барча қийинчиликлар ва бизнинг кўтарилишимизга ёрдам берадиган техник мосламаларнинг йўқлигига қарамасдан, бу йўлдан чиқиб кетмаслигимиз керак. Бу саёҳат оёқларимиз учун эмас, балки юрагимиз учундир. Баландликдан ҳамма нарса яхшироқ кўринади, шунинг учун, келинглари, Худо кўп ҳолларда кўрларга кўра олиш қобилияти беришини ва эмизикли гўдакнинг қулоғига донишманд ва мушоҳадали кишилар ҳам орзу қила олмайдиган ҳақиқатларни айтишини билганимиз ҳолда, шундай «фикр юксаклиги ва ақл чўққилари»ни излаш пайида бўлайлик. Эндиликда кўрлар кўра олади ва карлар эшита олади. Биз энди зулмат қаърига яширилган хазиналарни ва ҳеч ким билмайдиган хилватгоҳларга беркитилган бойликларни қўлга киритишимизни кутиб туришимиз керак.

Чексизлик чегарасизликни англатади ва шунинг учун ҳам чегараланган ақл-идрок чегарасиз нарсани ўз ичига ололмаслиги аниқ. О, Худо донишмандлиги ва Худо билимининг тубсизлигию бойликлари! Унинг мулоҳазалари нақадар ақлга сиғмас ва Унинг йўллари нақадар ақл бовар қилмас!

Мен аввал айтиб ўтганимдек, биз ўзимиз учун бутунлай ёт бўлган ва моддий дунёда, коинотда ва вақтда билган нарсаларимизнинг бирортасига ҳам ўхшамайдиган яшаш усулини тасаввур қилишга уринмоқдамиз.

«Бу ерда, шунингдек, Худонинг сифатларию моҳияти ҳақида бизнинг барча фикр-мулоҳазаларимизда, — деб ёзади Новатиан, — биз ўзимизнинг тушуниш доирамиздан ўтиб кетамиз ва ҳеч бир инсон сўзамоллигини Унинг буюклиги билан тенглаштириб бўлмайди. Унинг буюклиги ҳақида мушоҳада қилинган пайтда ва Унинг буюклиги эста олинганда ҳар қандай сўзамоллик жим бўлиб қолади ва фикр-мулоҳазанинг ҳар қандай ҳаракати ўз кучини йўқотади. Чунки Худо ақл-идроққа нисбатан жуда буюқдир. Унинг буюклигини англаб етиш мумкин эмас. Агар биз Худонинг буюклигини англаб етганимизда, У тушунчани шакллантира олувчи инсон онгидан ҳам ночорроқ бўлиб қолар эди. Худо ҳар қандай тилга нисбатан буюқдир ва Уни ҳеч бир сўз билан ифода қилиб бўлмайди. Ҳақиқатан ҳам, агарда Худони сўз орқали ифода қилиш мумкин бўлганида, Худо бу сўзлар билан Унинг кимлигини тушунарли қила оладиган ва шакллантирадиган инсон нутқидан ҳам ночор бўлиб қолади. Худо ҳақидаги барча фикр-мулоҳазаларимизни Унинг билан таққосланганда қашшоқ ва ночордир. Бизнинг баландпарвоз сўзларимиз эса Унинг олдида сийқаси чиққан, қуруқ гапдан иборат бўлиб қолади»<sup>1</sup>.

Минг афсуски, *чексиз* сўзини ҳар доим ҳам ўзининг аниқ маъносида тушунишмайди, балки қандайдир *катта* ва *улкан* нарсани назарда тутган ҳолда эҳтиётсизлик билан фойдаланишади. Бунга мисол тариқасида «Рассом бирор бир асар яратиш учун чексиз катта куч сарфлайди» ёки «Ўқитувчи ўз синфи билан ишлаш давомида чексиз сабр-тоқатни намоён қилади» каби айтиладиган гапларни келтиришимиз мумкин. Агарда бу сўзни тўғри маъносида ишлатадиган бўлсак, у ҳолда бу сўз

---

<sup>1</sup> Новатиан. Указ. соч. С.26-27.



яратилган мавжудотларга ва умуман, Худодан бошқа ҳеч кимсага тааллуқли бўлиши мумкин эмас. Шу сабабдан ҳам кинот чексизлиги ҳақидаги баҳслар — бу бор-йўғи сўз ўйини холос. Фақат бир Зотгина чексизликка эгадир. Бошқа бировнинг бўлиши мумкин эмас.

Худо чексиз деб айтган пайтимизда, биз Унинг *чегара билмас* эканлигини назарда тутамиз. Худо бўлган ҳамма нарса ва Худодан иборат ҳамма нарса чегарага эга эмас. Бу ерда биз яна сўзларнинг оммавий маъносидан чекинишимизга тўғри келади. «Чегарасиз бойлик» ва «чегара билмайдиган қувват» — бу сўзларнинг нотўғри ишлатилишига яна иккита мисолдир. Албатта, Худонинг бойлиги ва қувватидан бошқа ҳеч қандай бойлик чегарасиз бўлиши ва ҳеч бир қувват чегара билмаслиги мумкин эмас.

Агар Худо чексиз деб айтиладиган бўлса, у ҳолда бу нарса Уни *ўлчашининг* имкони йўқ эканлигини билдиради. Ҳўлчаш — бу шундай усулки, бунда Худо яратган мавжудотлар бир-бирлари билан ҳисоблашадилар. Бу усул чегаралашни ҳамда номукамалликни ифода қилади ва у Худога нисбатан қўлланилиши мумкин эмас. Оғирлик моддий жисмларнинг ерга тортишиш кучини ифода қилади; масофа фазода жисмлар ўртасидаги ораликни ифодалайди; узунлик фазодаги давомийлик ифодасидир; шунингдек, суюқликка, қувватга, товушга, нурга, миқдорга нисбатан олинадиган бизга маълум бўлган бошқа ўлчовлар ҳам мавжуд. Биз шунингдек, абстракт катталикларни ҳам ўлчашга ҳаракат қиламиз ва буюк ёки кичик имон ҳақида, юксак ёки паст ақл-идрок даражаси тўғрисида, катта ёки кўримсиз қобилият ҳақида гапирамиз.

Буларнинг ҳаммаси Худога нисбатан қўлланилмаслиги ва қўлланилиши мумкин эмаслиги наҳотки тушунарли бўлмаса?

Бу билан биз Худони Ўзини эмас, балки Унинг қўллари яратган нарсаларни қабул қиламиз. У буларнинг ҳаммасидан юксак, буларнинг ҳаммасидан четда ва буларнинг ҳаммасидан ташқаридадир. Бизнинг ўлчов ҳақидаги тасаввурларимиз тоғлар ва одамларни, атомлар ва юлдузларни, оғирлик кучи, қувват, рақамларни, тезликни ўз ичига олиши мумкин, бироқ Худони эмас. Биз маълум бир ўлчам ҳақида ёки маълум бир оғирлик ҳақида ва бу билан бир вақтнинг ўзида Худо ҳақида гапира олмаймиз. Чунки бу нарса ўлчанадиган катталикларни назарда тутаяди, Худода эса ўлчаш мумкин бўлган нарсанинг ўзи йўқ. Худо бўлган ҳамма нарса — бу Унинг Ўзидир ва Унда ҳеч нарса униб-ўсиши ёки ривожланиши мумкин эмас. Шунингдек, Унга ҳеч нарсани қўшиб қўйиш мумкин эмас. Худода «кичикроқ» ёки «каттароқ», «катта» ёки «кичик» деган тушунчалар йўқ. Худо — бу Ўз-Ўзидаги Худодир ва Уни ўй-фикр ёрдамида ҳам, сўзлар ёрдамида ҳам ифодалаб бўлмайди. У — Худодир.

Эҳтиромга сазовор Илоҳий Борлиқ тубида бизга номаълум бўлган ҳамда серафимлар, карублар учун раҳмдиллик ва марҳамат аҳамиятга эга бўлмагани каби, биз учун ҳам аҳамиятсиз бўлган кўплаб сифатлар бўлиши мумкин. Бу илоҳий мавжудотлар балки Худонинг бу каби атрибутлари ҳақида билишар, бироқ уларни ўзларида ҳис қила олмайдилар, чунки бу мавжудотлар гуноҳ қилишмаган ва шунинг учун ҳам Худонинг раҳм-шафқати ва марҳаматига муҳтож эмаслар. Худо Борлигининг худди шунга ўхшаш бошқа аспекти ҳам бўлиши мумкин (мен бунинг мавжуд эканлигига ишонаман ҳам). Бу аспектиларни Худо Ўзи катта тўлов тўлаб эришган ва Муқаддас Руҳ билан уларни поклаган Ўз фарзандлари учун намоён қилмаган. Худо табиатининг бу яширин сарҳадлари Худого нисбатан олинганда фақатгина Унинг Ўзига тегишлидир. Улар ҳеч

ким ўрганиб чиқмаган, бироқ мавжудлиги бизга маълум бўлган Ойнинг иккинчи томонига ўхшаб кетади. Ой Ерда яшовчи одамлар учун бевосита аҳамиятга эга эмас. Бизга очиб берилмаган нарсани очишга ҳаракат қилишнинг биз учун кераги йўқ. Худонинг Худо эканлигини тушуниб етишнинг ўзи биз учун кифоядир.

Ўз-ўзидан ўт олувчи аланга билан  
Ўзингни абадий тўлдирган ҳолда,  
Сен бизга номаълум ҳаракатни  
Ўзингда қиласан намоён!  
Сен яратган мавжудотлар таъзимсиз ҳам,  
Сенинг фазилатларинг ўраб тургувчи қатламсиз,  
Сен ҳаминша ягона ва Ўша-Ўшасан!

*Фредерик У. Фэйбер*

Бироқ Худо чексизлиги бизга тегишлидир ва бу чексизлик ундан абадий фойда олишимиз учун бизга намоён бўлди. Умуман олганда, Худонинг чексизлиги у ҳақда фикр-мулоҳаза юриштишдек мўъжизадан бошқа биз учун яна *нимани* бера олади? Ҳар ҳолда — жуда кўп нарсани беради, шунингдек, биз ўзимиз ҳақимизда ва Худо тўғрисида кўпроқ билганимиз сайин янада кўпроқ ва кўпроқ билимларни инъом қилади.

Худонинг табиати чексиз бўлганлиги учун ҳам ундан келиб чиқувчи ҳамма нарса ўз навбатида чексизликка эгадир. Биз — бебахт инсонлар ҳаминша ташқаридан ва ич-ичимиздан қўйиладиган чеклашлар туфайли азоб чекамиз. Бизнинг ҳаётимиз қисқа ва шиддатли тарзда тез ўтиб кетувчандир. Ҳаёт — бу бизга иштирок этиш насиб бўлмайдиган концерт олдидан бўлиб ўтадиган қисқа ва машаққатли репетициядир. Эндигина қандайдир даражада ижро этиш маҳоратига эришдик, деган

пайтимизда асбобларимизни бир чеккага қўйишга бизни мажбур қилишади. Табиатимиз кўрсатиб берадиган қўлимиздан келган ишни ўйлаб кўриш, амалга ошириш ва бажариш учун шунчаки вақт етишмайди, холос.

Биз ўз чекланишларимиздан юз ўтирган ҳолда, чекланишлардан ҳоли бўлган Худо томон ўтирилган бир пайтимизда, қай даражада ич-ичимиздан қониққанлигимизни ҳис қиламиз. Худонинг қалбида абадийлик ҳукм суради. Унинг учун вақт ҳаракат қилмайди, балки бир жойда туради. Масиҳда бўлган инсонлар эса ўз навбатида чексиз вақт ва абадийлик хазинасини Унинг билан бирга баҳам кўришади. Худо ҳеч қачон шошилмайди. У ўз ишини бажариши керак бўлган муддатнинг ўзи йўқ. Буни англаб етганлигимизнинг ўзи бизнинг руҳимизни тинчлантиради ва таранг асаб торларимизни бўшаштиради. Масиҳни тан олмайдиган кишилар учун вақт — очкўз ҳайвон, янги ижод фарзандлари учун эса вақт — уларнинг оёқларига суйкалиб, ҳуриллайдиган ва уларнинг қўллари ялайдиган беозор ҳайвондир. Эски одамнинг душмани янги одамнинг дўстига айланади ва юлдузлар самода ҳаракатланган ҳолда, Худо самимий ҳурмат-эҳтиром кўрсатадиган инсон учун кураш олиб боришади. Биз Худонинг чексизлигидан билиб олишимиз керак бўлган нарса мана шудир.

Бироқ яна бир нарса ҳам мавжуд. Табиатда Худонинг инъомлари ўз чегарасига эга. Бу инъомларнинг охири бор, чунки улар яратилгандир, бироқ Исо Масиҳдаги абадий ҳаёт инъоми Худо каби чексиздир. Масиҳий Худонинг Ўзида ҳаётга эгадир ва Худо билан бирга Унинг чексизлигини баҳам кўради. Тангри Таолода ҳамма учун ҳаёт етарли ва бу ҳаётда қувонч билан яшаш учун етарлича вақт ҳам бор. Табиий ҳаётга тааллуқли бўлган нарса туғилишдан бошланиб, то ўлимга қадар ўз

даврини ўтайди, аммо Худо берадиган абадий ҳаёт ўз-ўзига қайтиб келади ва ҳеч қачон тугамайди. Бу абадий ҳаёт эса ягона ҳақиқий Худони ва У юборган Исо Масиҳни таниб-билишдан иборатдир.

Худонинг раҳмдиллиги ҳам чексиздир ва ўз айбини тан олиб, унинг азобли оғригини ҳис қилган инсон бу сўзларнинг оддий эмаслигини билади.

«Аммо гуноҳ кўпайган сари, Худо инояти ҳам шунчалик орта борди» (Рим. 5:20).

Кўпайиб борадиган гуноҳ — дунё учун қўрқинчлидир, бироқ тўлиб-тошувчи яхшилик эса — инсонга умид бағишлайди. Гуноҳ қанчалик кўпаймасин, у маълум бир чегарага бориб тўхтайди, чунки гуноҳ — чегараланган ақл-идрок ва юракнинг маҳсулидир. Аммо Худонинг иноятга бойлиги бизни чексизлик сари етаклайди. Худо яратган мавжудотлар қалбига яширинган ҳар қандай дарду хасталикларга қарши Худонинг чексиз шифо бериш қобилияти мавжуддир.

Масиҳийлик: «Худо оламини шунчалик севдики» (Юҳан. 3:16), — дея асрлар оша гувоҳлик бериб келмоқда ва биз бу севгига Худонинг чексизлиги нурида туриб боқишимиз керак, холос. Унинг севгисини ўлчаб бўлмайди. У чексиздир. Бу севги буюм эмаски, маълум бир чегарага эга бўлса. У кўп қиррали Худо табиатининг бир қиррасидир. Худонинг севгиси — Унинг Ўзига ўхшаш бир нарсадир. Унинг Ўзи чексиз бўлгани учун ҳам, бу севги яратилган бутун бир дунёни ўз ичига олиши мумкин ва шунда ҳам бу каби дунёлардан ўн мингтасидан ўн минг марта кўпи учун бу абадий севгида жой ортиб қолаверади.

Мана, мана биз таъзим қиладиган Худо,  
Бизнинг содиқ, доимий Дўстимиздир,  
Унинг севгиси буюқдир шуҳрати каби,  
Ва Унинг севгисию қудратин поёни йўқдир.  
Бу Исодир, биринчи ва охири бўлиб,  
Руҳи бизни уйимизга соғ-омон олиб келгувчи;  
Биз Уни бўлиб ўтган ҳамма нарса учун улуғлаймиз,  
Ва Унга умид қилган ҳолда келажакка қараймиз.

*Жозеф Харт*

## Худонинг доимийлиги

*Эй, Раббимиз Масих, бутун тарих давомида биз Сенинг багрингда яшадик. Ёввойи қуёнлар ўз қоясига қараб чопқиллагани каби, биз ҳам бежавотир жойда бўлиш учун Сен томон югураемиз; ўз саёҳатидан сўнг қайтиб келган қушлар каби биз ҳам тинчлик, хотиржамликни кўзлаб Сенинг ҳузурингга учиб борамиз. Бу кичкинагина табиат ва инсонлар дунёсида жуда кўп нарса тасодиф ва ўзгаришларга боғлиқ, аммо биз Сенда ўзгаришлардан асар ҳам топа олмаймиз. Сен доимийсан. Биз Сенда қўрқув ёки шубҳаларсиз яшаймиз ва эртанги кунимизга хотиржамлик билан, хавотирсиз қараймиз. Омин.*

Худонинг доимийлиги хусусияти тушуниш у қадар мушкул бўлмаган фазилатлар қаторига киради. Бироқ Худонинг доимийлигини англаб етиш учун биз яратилган мавжудотлар ҳақида ўйлашимизда ёрдам берадиган оддий фикр-мулоҳазалардан Худодаги эришиш мумкин бўлган нарсалар учун ҳаракат қилган пайтимизда камдан-кам юзага келадиган фикр-мулоҳазаларни ажрата олишга ўрганишимиз керак.

Худо доимийдир, деб айтиш — бу Худо Ўз-Ўзидан ҳеч қачон фарқланмайди, демақдир. Муқаддас Ёзувларда Худонинг ўсиши ва ривожланиши, деган тушунчалар мавжуд эмас.

Менимча, Худо Ўз-Ўзидан қанақадир тарзда фарқ қилиши мумкин, деб ўйлашнинг ҳеч иложи йўқ. Нима учун?

Маънавий ахлоққа эга бўлган мавжудотнинг ўзгариши учун бу ўзгариш уч йўналишнинг бирида юз бериши керак. Мавжудот яхшидан ёмонга ёки ёмондан яхшига ўзгариши керак. Ёки бўлмаса, агарда ахлоқий сифат ўзгаришларсиз қолади, деб фараз қилинса, у ҳолда ўзгаришлар маънавий ахлоққа эга мавжудотнинг руҳиятида етилмаганликдан етукликка ёхуд бир тартибдан бошқа бир тартибга ўзгариши каби юз бериши керак. Худо бу йўналишларнинг бирортасида ҳам ҳаракат қилмаслиги аниқ. Унинг баркамоллиги бундай ҳолатни бутунлай инкор қилади.

Худо яхши томонга ўзгариши мумкин эмас, чунки У тўлатўкис муқаддасдир. Худо ҳеч қачон ҳозиргига нисбатан камроқ муқаддас бўлмаган ва ҳеч қачон ҳозиргига ҳамда ҳар доимга нисбатан кўпроқ муқаддас бўла олмайди. Худонинг ёмон томонга ўзгариши ҳам мумкин эмас. Ёмон томонга ҳар қандай тарздаги ўзгариш Худонинг беҳад муқаддас бўлган табиатида юз бериши мумкин эмас. Мен бу ҳақда ҳатто фикр юритишга йўл қўйишнинг иложиси йўқ, деб ҳисоблайман. Чунки айнан шундай қилмоқчи бўлган пайтимизда, Худо эмас, балки қандайдир бошқа, қандайдир Худодан кичикроқ бўлган нарса бизнинг фикр-мулоҳазаларимиз марказида бўлиб қолади. Бу тарзда фикр юритишимиз мумкин бўлган зот фақатгина буюк ва ҳурмат-эҳтиромга сазовор яратилган мавжудот бўлиши мумкин, бироқ у зот Ўз-Ўзидан бор бўлган Яратувчи бўлиши мумкин эмас.

Худонинг маънавий табиати ўзгармас бўлганлиги туфайли, Илоҳий Борликда ҳам ўзгаришлар бўлиши мумкин эмас. Худонинг ибтидоси бу сўзнинг ягона тўғри маъносида олиб



қарайдиган бўлсақ, мукамалдир: Унинг ибтидоси бошқа мавжудотларнинг келиб чиқишига ўхшамайдиган ўзгача ибтидодир. Худо ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган ҳолда Ўз-Ўзидан бор ва абадий эканлиги билан Ўзи яратган мавжудотлардан ажралиб туришини юқорида кўриб ўтдик. Кимда-ким ҳатто унча аҳамиятга эга бўлмаган даражада ўзгарар экан, у бошқаларга боғлиқсиз тарзда ўз-ўзидан ва абадий мавжуд бўла олмайди. Шунингдек, бундан келиб чиққан ҳолда Худо ҳам бўлолмайди.

Фақатгина алоҳида қисмлардан иборат бўлган мавжудотгина ўзгариши мумкин. Чунки ўзгариш — бу бир бутуннинг қисмлари орасидаги ўзаро муносабатлардаги одатдаги силжиш ёки бошланғич таркибга бирор-бир ташқи элементни киритишдир. Худо эса Ўз-Ўзидан бор бўлгани учун, У алоҳида қисмлардан таркиб топмаган. Унда ўзгариши мумкин бўлган қисмларнинг ўзи йўқ. Худо мустақил бўлганлиги учун эса, Унга ташқаридан бирор нарса қўшилиши мумкин эмас.

«Қисмлардан таркиб топган ҳамма нарса, — деб ёзади мутафаккир Ансельм, — бу ягона, дегани эмас, балки қайсидир маънода кўплик ва ўз-ўзидан фарқ қилувчи нарса бўлиб, у ё ҳақиқатда, ёки назарияда қисмларга бўлиниши мумкин. Бироқ бу нарсаларнинг ҳаммаси Сендан яхшироғини ўйлаб топиш мумкин бўлмаган Тангримга ётдир. Сен қисмлардан иборат эмассан ва биттадан ошиқ эмассан. Бироқ Сен шу қадар чинакам ягона ва шу даражада Ўз-Ўзинг билан бир хилсанки, Ўзингга-Ўзинг бирор нарсада ўхшамаслигинг мумкин эмас. Аниқроқ қилиб айтганда, Сен — ҳатто назарий жиҳатдан ҳам ажратишнинг имкони йўқ бўлган ягоналикнинг Ўзисан»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Муқ. Ансельм. Указ. соч. С.24-25.

«Худо — ҳар доим Худо бўлган ва ҳар доим Худо бўлиб қолаверади. Унинг ҳеч нарса, ҳеч бир сифати ҳеч қачон ўзгармайди». Худо Ўзи ҳақида нимаики айтган бўлса, уларнинг бирортаси ҳам ўзгарган эмас. Пайғамбарлар ва ҳаворийлар юқоридан руҳланган ҳолда Худо ҳақидаги сўзлаганларидан ҳеч бир нарса бекор қилинмайди. Худонинг доимийлиги бунга кафолат беради.

Худонинг доимийлиги, агар уни инсоннинг ўзгарувчанлиги билан солиштирадиган бўлсак, ўзининг бутун бир бекорлик гўзаллигида намоён бўлади. Худода ҳеч қандай ўзгаришларга ўрин йўқ, инсон эса ўзгаришлардан қочиб қутула олмайди. Инсон ҳам, унинг дунёси ҳам бир жойда ҳаракатсиз тура олмайди, балки доимий равишда ҳаракатланиб туради. Ҳар бир инсон кулиш ва йиғлаш, ишлаш ва ўйнаш учун, сўнгра эса бу тўхтовсиз даврда ўзининг кетидан келаётган бошқа инсон учун жой бериш ва кетиш учун дунёга келади.

Бу ўзгарувчанлик қонунида баъзи бир шоирлар азобли қониқишларга эга бўлганлар ва абадий ўзгаришлар ҳақида ғамгинлик билан куйлаганлар. Инсоният дучор бўладиган икки касалликни — ўзгарувчанлик ва ўлимни завқу шавқ ва ҳажв билан кўйлаганлардан бири Умар Ҳайём эди. «Лой билан бу қадар қўпол муносабатда бўлма, — деб насиҳат қилади у кулолга, — балки сен шунчалик эркинлик билан ишлаётган нарса — сенинг бобонинг ҳоқидир». «Қизил мусалласни ичиш учун пиёлани кўтарганинда, — деб базмда хурсандчилик қилаётган кишига эслатади у, — сен балки аллақачонлар ўлиб кетган гўзал бир қизнинг лабларидан ўпаётган бўлишинг мумкин».

Бу юмшоқ ҳазил билан ифода қилинган ёқимли ғамгинлик сояси Умар Ҳайём тўртликларига ўзгача гўзаллик бағишлайди.

Бироқ тўртликлар қанчалик ажойиб бўлмасин, бу шеърят хасталикка дучор бўлган ва бу хасталик ўлимга олиб келади. Ўзини ютиб юбормоқчи бўлаётган илоддан ҳайратта тушган қуш каби, шоир ҳам ўзини, барча одамларни ва одамзоднинг ҳар бир авлодини ҳалок қилаётган душманига қойил қолади.

Муқаддас Ёзувлар муаллифлари ҳам инсоннинг ўзгарувчанлигига дуч келишган, бироқ улар — забардаст кишилар бўлишган ва уларнинг сўзларида — шижоатли куч бўлган. Бу кишилар ана шу катта хасталикнинг даъвосини топишган. Улар Худо ўзгармайди, деб айтишади. Ўзгаришлар қонуни гуноҳга ботган дунёга тегишлидир, бироқ Худо доимий ва имонли кишилар Унда абадийликка эришадилар. Агарда ўзгаришлар Шоҳлик фарзандларига қарши эмас, балки уларнинг ўзида юз бераётган бўлса, бу ўзгаришларни уларнинг ичида яшаётган Муқаддас Руҳ амалга ошираётган бўлади. «Биз ҳаммамиз, — дейди ҳаворий Павлус, — очиқ юзимиз билан, кўзгуга қарагандай, Раббимизнинг улуғворлигига қараб турибмиз. Улуғворликдан улуғворликка ўтганимиз сари, Раббимизнинг суратига томон ўзгармоқдамиз; бу эса Раббимизнинг Руҳи орқали содир бўлмоқда» (2 Кор. 3:18).

Ўзгаришлар ва вайронагарчиликлар дунёсида ҳатто имонли киши ҳам тўла-тўқис бахтга эриша олмайди. Беихтиёр тарзда бу киши ўзгармайдиган доимийликни излай бошлайди ва ўзи учун қадрли ва таниш бўлган нарса уни тарк этган пайтда оғир йўқотиш ҳиссини бошидан кечиради.

Эй, Тангрим! Менинг қалбим оғримоқда,  
Оғримоқда бу азалий ўзгаришлардан;  
Ва ким бўлишидан қатъий назар,  
Тиним билмас кишилар учун

Ўтиб бормоқда ҳаёт толиқтирарли ва тез.  
Сенга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир,  
Сенинг Абадийлик сукунатингда  
Ҳатто ўзгаришлар акс-садоси билинмас.

*Фредерик У. Фэйбер*

Фэйбернинг бу сўзлари ҳар бир қалбда ўз жавобини топади. Шунга қарамай, бутун борлиқда барқарорлик йўқлигидан биз қанчалик қайғу чекмайлик, гуноҳга ботган бу дунёда ўзгаришларга *мослаша олишнинг* ўзи — улғу ҳазина, бебаҳо Худо инъомидир ва биз бунинг учун Худога ҳамиша шукроналар айтишимиз керак. Одамлардаги ўз гуноҳларини ювишга бўлган бор имконият — уларнинг ўзгаришларга мослашиб кета олишларидадир. Инсон бошқача эди ва эндиликда ўзгариб, бутунлай бошқача бўлди — мана шу нарса тавбанинг асл моҳиятидир: ёлғончи тўғрисўз бўлиб қолади, ўғри виждонли кишига айланади, ахлоқан бузуқ киши эса пок, солиҳ одамга ўзгаради, мағрур киши итоатгўй бўлиб қолади. Ҳаётнинг бутун бир ахлоқий таркиби ўзгаради. Фикр-мулоҳазалар, хоҳиш-истаклар, ҳис-туйғулар ўзгача шаклга кириб, ўзгаради ва инсон ўз навбатида аввалги ҳолдаги инсон бўлмай қолади. Бу ўзгариш шу қадар кескинки, ҳаворий аввалги инсонни «эски», ўзгарган, «Худони таниб-билиш сари янгиланаётган, Яратувчининг сура-тига ўхшаб бораётган» инсонни эса «янги» деб атайди (Қол. 3:9-10).

Бироқ, бу ўзгариш инсон қилаётган ташқи ҳаракатларга қараганда чуқурроқ ва муҳимроқдир. Чунки бу нарса бутунлай бошқа, янада юқорироқ сифатга эга бўлган ҳаётнинг қабул қилинишини билдиради. Эски инсон энг яхши ҳолда Одам Атонинг ҳаётига эга бўлиши мумкин, янги инсон эса Худонинг ҳаётига эга бўлади. Бу сўзлар шунчаки оддий бир сўзлар эмас,

уларнинг асл маъносини тўғри англаб етиш керак ва бу сўзлар асл ҳақиқат ҳисобланади. Худо инсон руҳига абадий ҳаёт берган пайтда, бу инсон учун янги ҳаёт тарзи, юқори даражадаги ҳаёт тарзи бошланади.

Гуноҳларни ювиш жараёнини амалга оширар экан, доимий Худо имкон қадар ўзгаришлардан фойдаланади ва бир қатор ўзгаришлар орқали ниҳоят доимийликка келади. Бу нарса Ибронийларга Мактубда янада ёрқинроқ кўрсатиб берилган: «... иккинчи қонидани жорий қилиш учун биринчисини бекор қилди» (Ибр. 10:9). Бу сўзларда ушбу ажойиб китоб ўргатмоқчи бўлган ҳамма нарсанинг ўзига хос қисқача баёни мавжуддир. Эски аҳд вақтинчалик нарса сифатида бекор қилинган эди, эндиликда эса унинг ўрнини янги ва абадий аҳд эгаллади. Қурбонлик Қўзисининг қони тўкилган бир пайтда така ва буқаларнинг қони ўз аҳамиятини йўқотди. Қонун, меҳроб, руҳонийлик — буларнинг ҳаммаси вақтинчалик ва ўзгаришлар учун эди. Эндиликда эса Худонинг абадий қонуни тирик ва ҳис қила оладиган инсон қалбига умрбод ёзиб қўйилди. Қадимий муқаддас жой энди мавжуд эмас, бироқ самода янги абадий муқаддас макон бор ва Худо Ўғли Ўзининг абадий руҳонийлиги билан у ерда ҳозирдир.

Бу ерда биз Худонинг Ўзи нажот берган одамларни марҳаматлаш учун қандай қилиб ўзгаришлардан худди итоаткор хизматкордек фойдаланганлигини, бироқ Унинг Ўзи ўзгаришлар қонунда четда бўлиб, Коинотда юз бераётган ҳар бир ўзгариш Уни четлаб ўтаётганлигини кўриб турибмиз.

Ва ўзгараётган ҳамма нарса шундан гувоҳлик берадики,  
Тангри асрлар оша ягона ва ўша-ўшадир.

*Чарлз Уэсли*

Яна фойда ҳақида савол юзага келади. «Худонинг доимийлигини билишдан мен учун қандай наф бор? — деб бирор киши сўраб қолиши мумкин. — Балки буларнинг ҳаммаси умуман олганда, рухий фикр-мулоҳазалардир? Эҳтимол, бу маълум даражада ақл-идроққа эга бўлган кишиларни қаноатлантирувчи, бироқ ҳаётий одам учун кўринарли аҳамият касб этмайдиган бирор нарсадир?»

Агарда «ҳаётий одам» деб, дунёвий ишларга муккасидан кетган ва Масихнинг даъватларига, ўз жонларининг нажот топишига ҳамда яқинлашиб келаётган дунёнинг воқеликларига бефарқ бўлган имонсиз кишиларни назарда тутадиган бўлсақ, у ҳолда улар учун бу каби китоблар ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди. Афсуски, бундай кишилар учун имон-эътиқод ҳақида жиддий сўз юритадиган ҳар қандай китобнинг ҳам аҳамияти йўқдир. Гарчи бундай кишилар жуда кўп бўлгани билан, улар ер юзининг жамики аҳолисини ташкил қилмайди. Ҳали Баал қаршисида тиз чўкмаган ўша етти минг киши ҳам бор. Бу кишилар ўзларининг Худога хизмат қилиш учун ва Унинг ҳузуридан абадий қувониш учун яратилганликларига ишонадилар ва улар абадий бирга бўлишга умид қилган Худо ҳақида нимаики билиш мумкин бўлса, ҳаммасини билиб олишдан қувонадилар.

Биз шундай бир дунёда яшайпмизки, бу дунёда одамлар ўз манфаатларини ўзгаларнинг манфаатидан устун қўядилар, арзимаган баҳонага дуч келан ҳамон, муносабатларини тезда ўзгартирадилар. Аммо шу қадар ўзгарувчан дунё ва унинг ўзгарувчан одамлари орасида яшаб туриб, ўзгармайдиган, доимий Худога эга бўлиш наҳотки биз учун куч-қувват бахшида эмаса? Худо азалдан қандай бўлган бўлса, келажақдаги

абадийликда ҳам ўзгармаслиги наҳот биз ўзгарувчан одамларни қўллаб-қувватламаса?

Самовий Отасининг Ўз-Ўзидан ҳеч қачон фарқланмаслигини тушуниб етиш масиҳийнинг қалбига шу қадар улуғ бир хотиржамлик туйғусини бера олади. Биз Худонинг ҳузурига қай вақтда келмайлик, У бизни қабул қиладиган кайфиятдами ёки йўқми, деб ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. У ҳамиша ғамташвиш ва муҳтожликка, шунингдек, севги ва ишончга жавоб беради. Худода қабул қилиш вақти ва ташриф буюрганларни қабул қилмайдиган вақт йўқ. У ҳар қандай нарса ҳақида Ўз фикрини ҳеч қачон ўзгартирмайди. Бутун, айнан шу лаҳзаларда ҳам инсониятнинг гуноҳини ювиш учун Ўзининг ягона Ўғлини дунёга юборган бир пайтда ҳис қилган туйғуларини Ўзи яратган мавжудотларга, болаларга, беморларга, йиқилганларга, гуноҳга ботганларга нисбатан ҳам ўз бошидан кечирмоқда.

Худонинг кайфияти ҳеч қачон ўзгармайди, меҳрибончилиги ҳеч қачон камаймайди ва шижоати ҳеч қачон сўнмайди.

Худонинг гуноҳга бўлган муносабати У гуноҳкор инсонни Адан боғидан ҳайдаган пайтдагидек бўлса, гуноҳкорга нисбатан муносабати ҳозирги кунда У қўлларини чўзиб: «Эй оғир юк остида қийналиб, ҳориб-толган ҳаммаларингиз! Менинг ҳузуримга келинг, Мен сизга ором бераман» (Мат. 11:28), — деб айтган пайтидаги кабидир.

Худо ҳеч қачон муросою келишувлар сари бормайди ва Уни кўнглини овлаш учун ҳаракат қилишнинг кераги йўқ. Худони Ўз сўзини ўзгартиришига ёки худбинларча қилинган ибодатимизга жавоб қайтаришига кўндириш мумкин эмас. Худони топиш, Унга маъқул келиш, Унинг билан муносабатда бўлиш учун қилган барча саъйи ҳаракатларимизда биз

ўзгаришларнинг фақатгина ўзимизда юз бериши мумкинлигини ёддан чиқармаслигимиз лозим. «Мен Худовандман, Мен ўзгармайман» (Мал. 3:6). Биз фақатгина Худо аниқ қилиб берган шартларни бажаришимиз, ўз ҳаётимизни Унинг Ўзи бизга намоён қилган иродасига мувофиқ тарзда ўзгартиришимиз керак. Шундай қилсаккина, Худонинг чексиз куч-қудрати Муқаддас Ёзувлардаги Хуш хабарда айтилганидек, бизнинг бахт-саодатимиз учун ҳаракат қилади.

Ибтидо манбаи! Яхшилик манбаи!  
Сен ўзгармай қолаверасан!  
Сенинг шоҳлигинг шуҳратига  
Ҳатто ўзгаришлар соломас соя.  
Ер ўзининг бутун бир ҳукмронлиги билан  
Парча-парча бўлиб кетиши мумкин, агар  
Бунга буюк Яратувчининг хоҳиши бўлса;  
Бироқ Сен абадий ўша-ўшасан,  
Мен Борман — бу сўз билан Сен,  
Аввалгидек эслатасан Ўзингни.

*Уокер тўпламидан олинган қўшиқ*



## Худонинг ҳамма нарсадан бохабарлиги

*Раббим, Сен ҳамма нарсани кўриб-билиб турасан; Сен менинг йиқилиб-туришларимдан хабардорсан ва барча босган йўлларим Сенга очиқ-ойдин кўриниб туради. Мен Сенга ҳеч нарсани маълум қила олмайман ва Сендан бирор нарсани сир тутушининг ўзи беҳуда қилинган ҳаракатдир. Сенинг баркамол билиминг олдида мен ёш бола каби ношуд бўлиб қоламан. Ҳар қандай ташвишни бир четга суриб қўйишимда менга ёрдам бер, чунки Сен қай йўлда юришим кераклигини биласан ва мени поклаган пайтингда мен соф олтин каби бўлиб қоламан. Омин.*

Худо ҳамма нарсани билади, дейиш — бу Унинг мукамал билим эгаси эканлигини айтиш демакдир. Шунинг учун ҳам Худо учун бирор нарсани ўрганишнинг хожати йўқ. Бундан ташқари бу Худо ҳеч қачон ўрганмаган ва Унга ўрганишнинг кераги ҳам йўқ, деганидир.

Муқаддас Ёзувлар Худонинг ҳеч қачон ҳеч кимдан билим олмаганлигини бизга ўргатади. «Ким Худога нима қилишни ўргатар экан? Ким Унга маслаҳат бера олади? Худо кимдан донолик сўрабди? Ким Уни адолатга ўргата олади?» (Иша. 40:13-14). «Худонинг ақлини ким билган экан? Унинг маслаҳатчиси

ким бўлган экан?» (Рим. 11:34). Ишаъё пайгамбар ва ҳаворий Павлус томонидан берилган бу риторик саволлар Худонинг ҳеч қачон таълим олмаганлигини тасдиқлайди.

Бу фикрдан то Худога таълим олишнинг кераги йўқ, деган хулоса сари масофа бир қадамдир. Агар Худо қандайдир пайтда ва қанақадир йўл билан Ўзи ҳануз эга бўлмаган ёки азалий эга бўлолмайдиган билимларни олиши мумкин бўлганида эди, У мукаммал ҳисобланмасди, Ўз борлиғига нисбатан қандайдир даражада пастроқ зотга айланиб қолар эди. Худо бирор бир устознинг (бу устоз ҳатто бош фаришта ёки серафим бўлган тақдирда ҳам) оёқлари остида ўтиришини ўйлаб кўришнинг ўзи — осмон ва ернинг Яратувчиси, Тангри Таоло ҳақида эмас, балки бошқа бир зот ҳақида ўйлаш деганидир.

Менимча, ҳамма нарсадан Худонинг ҳамма нарсани билиши ҳақида гапирганда «қарама-қаршидан» дан келиш бундай вазиятларда тўла-тўқис ўзини оқлайди. Бизнинг Худо ҳақидаги интеллектуал билимимиз кам ва ноаниқ бўлганлиги учун, Худо нима бўлиши мумкинмаслиги ҳақида ўйлаганимиз ҳолда, Унинг нима эканлигини ўз кучимиз билан англаб етиш учун ҳаракат қиламиз. Шунинг учун ҳам Худо атрибутларини бу каби ўрганиш жараёнида биз инкордан фойдаланишга мажбур бўлганмиз. Биз Худода келиб чиқиш йўқлигини, Унинг ибтидога эга эмаслигини, Унга ёрдамчиларнинг кераги йўқлигини, Унинг ҳеч қандай ўзгаришларга тоқати йўқлигини ва Унинг бебаҳо борлиғида бирорта ҳам чегара мавжуд эмаслигини кўриб, гувоҳи бўлдик.

Худо бўлолмайдиган нарсани кўрсатган ҳолда Унинг нима эканлигини одамларга тушунтиришнинг бундай усули Муқаддас Рух билан руҳланган Муқаддас Ёзувлар муаллифлари томонидан ҳам қўлланилган. «Наҳотки билмасанг? Наҳотки

эшитмаган бўлсанг?! Мангу бор бўлган, дунёнинг чеккаларигача яратган Эгамиз Худо чарчамайди-толиқмайди» (Иша. 40:28). Худонинг қисқача қилиб «Мен — Худоман, Мен ўзгармайман» (Мал. 3:6) — деб айтган таъкиди эса бизга Худонинг ҳамма нарсани билиши ҳақида ўн мингта сўздан иборат ва ҳеч қандай инкорларсиз тузилган трактатга қараганда кўпроқ нарсани айтиб бериши мумкин. Хаворий Павлус инкор қилиш ёрдамида Худонинг ҳақиқатгўйлиги ҳақида: «Ёлгон гапирмайдиган Худо» (Тит. 1:2), — деб айтади, фаришта: «Зеро Худонинг бирон каломи пучга чиқмас» (Луқо 1:37), — деб таъкидлаган пайтда эса иккала инкорлик тасдиққа айланади.

Худога ҳамма нарса аёнлиги ҳақида нафақат Муқаддас Ёзувлар таълим беради, балки бу тўғрисида Худо ҳақида гапириладиган бошқа ҳамма нарсадан ҳам билиб олса бўлади. Худо Ўзини-Ўзи мукаммал билади ва У — барча нарсанинг манбаи ҳамда яратувчисидир. Бундан келиб чиқадики, Худо билиш керак бўлган ҳамма нарсани билади. У бу нарсани бошланишиданоқ ўзининг комил билими тўла-тўқислиги билан билади. Худонинг бу комил билими Коинотнинг қаеридадир бор бўлган ёки ўтмишнинг исталган вақтида мавжуд бўлган, ёхуд юз йилликлар, балки минг йилликлар ўтгач юзага келиши мумкин бўлган ҳамма нарса ҳақидаги билимнинг ҳар бир заррасини ўз ичига қамраб олади.

Худо бутун борлиқ ҳақида ва ҳамма ишлар ҳақида, ҳамма ақл-идроклар ҳақида ва ҳар бир ақл-идрок ҳақида алоҳида-алоҳида, ҳамма руҳ ҳақида ва ҳамма руҳлар ҳақида, барча мавжудотлар ҳақида ва ҳар бир мавжудот ҳақида алоҳида-алоҳида, ҳамма ижод ҳақида ва ҳамма ижодлар ҳақида, ҳар бир кўплик ҳақида ва ҳамма кўпликлар ҳақида, ҳамма қонунлар ҳақида ва ҳар бир қонун ҳақида алоҳида-алоҳида, ҳамма

муносабатлар, сабаблар, ўй-фикрлар, сир-синоатлар, жумбоқлар, ҳис-туйғулар, истаклар ҳақида, ҳеч қандай сўз билан ифода қилинмаган ҳар бир сир ҳақида, барча тахтлар ва ҳокимликлар ҳақида, ҳамма шахслар ҳақида, самода ва ерда кўринадиган ҳамда кўринмайдиган нарсалар ҳақида, ҳаракат ҳақида, фазо, вақт, ҳаёт, ўлим, яхшилик, ёмонлик, само ва дўзах ҳақида бир лаҳзадаёқ ва ҳеч қанақанги қийинчиликларсиз билиб олади.

Чунки Худонинг ҳамма нарсалар ҳақидаги билими мукамалдир. У ниманидир яхшироқ, ниманидир ёмонроқ билмайди, балки ҳамма нарса ҳақида бир хилда яхши билади. Худо ҳеч қачон Ўзи учун бирор нарсани кашф қилмайди. У ҳеч қачон ҳайратга тушмайди, таажубланмайди. Худо Ўзидан ҳеч қачон ҳеч нарса сўрамайди, ҳеч қачон бирор нарса тўғрисида маълумот изламайди ва саволлар бермайди (У одамларни улариининг фойдаси учун мулоқотга чақирган пайтдан ташқари).

Худо Ўз-Ўзида ва Ўз-Ўзича бордир, шунингдек У ҳеч бир яратилган мавжудот била олмайдиган Ўзи ҳақидаги мукамал билимга эгадир.

«Худонинг ўйларини Худонинг Руҳидан бошқа ҳеч ким тушуна олмайди» (1 Кор. 2:11).

Фақат Чексиз Зотгина Чексиз Зот ҳақида билиши мумкин.

Кўриб турибмизки, ҳамма нарсадан Илоҳий бохабарлик Худо қаршисида бизда кўрқув ҳиссини ва Унинг олдида ҳайрат туйғусини уйғотаяпти. Худонинг ҳар бир кишини тубдан билиб туриши бирор-бир қилмишини — ҳали воз кечмаган қандайдир гуноҳини, инсонга қарши ёки Худога қарши

қилинган қандайдир яширин жинойтини яширишга уринган ҳар қандай кишини сескантириши мумкин.

Худонинг ҳар қандай сохта баҳонанинг ишончли эмаслигини билиб туриши ва гуноҳли ҳатти-ҳаракатнинг асл сабабини билгани учун ҳам, бундай ҳатти-ҳаракатнинг асоссиз оқланишини қабул қилмаслиги тўғрисида ўйлаган бир пайтда марҳаматга эга бўла олмаган ҳар қандай юракни титроқ босади.

«Сен гуноҳларимизни қаршинга келтирдинг, сирли ишларимизни юзинг нурига чиқариб қўйдинг» (Забур саноси 89:8).

Одам Ато ўғилларининг Адан боғида эмас, балки бошқа боғдаги дарахтлар орасига яширинишга уринаётганлигини кўрганингда қанчалик даҳшатга тушасан-а! Бироқ улар қаерга яширинишсин?

«Сенинг Руҳингдан қаерга ҳам кетар эдим? Сенинг ҳузурингдан қаерга қочиб бораман? ... Агар мен: Зулмат мени ўраб олсин, атрофимдаги ёруғлик тунга айлансин, — десам-да, ҳатто зулмат ҳам Сен учун кора эмас, тунни гўё кундуздек ёруғ кўрасан, қоронғу ва ёруғ Сен учун бари бирдир» (Забур саноси 138:7,11-12).

Паноҳ излаб югураётган, сўнгра Хушхабар орқали берилган умидга жон ҳолатда тирмашиб, ушлаб олган бизлар учун эса Самовий Отамизнинг ўзимиз ҳақимизда тўла-тўқис хабардор эканлигини билиш қанчалик яхши-я. Ҳеч бир ёлғончи бизга тухмат қила олмайди, ҳеч қандай душман бизни бирор нарсада айблай олмайди, қаердадир сирли шкафда беркитиб қўйилган унутилган скелет турган жойидан

олинмайди, бизни саросимага солмайди ва ўтмишимизнинг даҳшатли воқеликларини очиб ташламайди; табиатимиздаги ўзимиз ҳам сезмаган бирор-бир заифлик юзага чиқмайди ва Худони биздан юз ўгиришига мажбур қилмайди. Чунки Худо биз ҳақимизда биз Уни таниб-билгунимизга қадар билган ва бизга қарши гувоҳлик берувчи ҳамма нарсадан тўлиқ хабардор бўлган ҳолда бизни Ўз хузурига чақирган.

«Тоғлар силжийди, тепаликлар тебранади, лекин Менинг мухаббатим сени тарк этмайди, Менинг аҳдим тебранмайди, дейди сени севгучи Худо» (Иша. 54:10).

Самодаги Отамиз бизнинг нимадан таркиб топганлигимизни билади ва бизнинг тупроқдан яратилганлигимиз ҳам ёдида турибди. У бизнинг туғма маккорлигимиз ҳақида ҳам билган ва бизни Ўзи учун қутқаришга қарор қилган (Иша. 48:8-11). Худонинг ягона Ўғли бизнинг орамизда бўлган пайтда инсон танаси дуч келиши мумкин бўлган жисмоний азоб-уқубатларни бошидан ўтказди. Бизнинг қулфатларимиз ва бахтсизликларимиз ҳақидаги Масихнинг билганлари фақатгина назарий эмасдир. У шахсан Ўзи буни бошидан ўтказди, шу сабабдан азоб чекаётган одамларга нисбатан У меҳрибонлик ва ҳамдардлик билан муносабатда бўлади. Биз билан нима юз берса ҳам, Худо бу ҳақда билиб туради ва бизга ҳеч кимнинг қўлидан келмайдиган ғамхўрликни кўрсатади.

У Ўз қувончин ҳаммага улашар;  
У гўёки ёш болага айланар;  
У бебахт бир одам каби бўлар;  
У ҳам қайғуни бошидан ўтказар.

Қайгудан ҳалок бўлаётган бир пайтимда,  
Яратувчим йўқдир ёнимда, деб ўйлама.  
Бир томчи ёш тўкканимда ҳам,  
Яратувчим йўқдир ёнимда, деб ўйлама.

Оҳ! Қайғуларимизни йўқ қилиш учун,  
У бизга беради Ўз қувончини;  
То қайғумиз биздан нари кетмагунча,  
У биз билан бирга бўлар ва йиғлар.

*Уильям Блэйк*

## Худонинг донишмандлиги

*Биз каби васвасага солинган, бироқ гуноҳ қилмаган эй Масих, бизда донишманд бўлиш истagini ўйғонишида ва ўзимиз каби нодонлар орасида донишманд, деб ном чиқаришимиз учун бизга куч бер. Биз ўз донолигимиздан ақлсизлигимиздан қочганимиз каби юз ўгирамиз ва Сен томон, Худонинг донишмандлиги ва куч-қудрати томон югурамиз. Омин.*

Илоҳий донишмандлик ҳақидаги бу қисқача изланишни биз Худога бўлган эътиқод билан бошлаймиз. Одатдаги схемамизга амал қилган ҳолда, биз Худонинг донишмандлигини имонимизни мустаҳкамлаш учун англаб етишга ҳаракат қилмаймиз, балки Унинг донишмандлигини англаб ета олишимиз учун ишонамиз. Бундан келиб чиққан ҳолда, биз Худонинг донолигини исботловчи далилларни изламаймиз. Ишонишни истамайдиган онгни ҳар қанақанги далилу исботлар билан ҳам ишонтира олмайсан, Худога бош эгиб, таъзим қиладиган ҳар қандай қалб учун ҳеч қанақанги далилларнинг кераги йўқ.

«Худованднинг исми ҳамиша муборак бўлсин, — деди До-ниёл. — Чунки бутун қудрат ва донолик Унда. У ақллиларга донолик, фаросатлиларга идрок беради. Чуқур ва яширин нарса-ларни У очиб беради, қоронғилик ичидаги нарсаларни билади, нуру ҳидоят У билан» (Дон. 2:20-22). Имонли киши бунга ва



фаришталар куйлаган саного жавоб беради: «Ҳамду санолар, шон-шухрат, донишмандлик, шукронаю шарафлар, қудрат ва салтанат абадулабад бизнинг Худойимизга хосдир!» (Ваҳий 7:12). Худодан Ўз донишмандлиги ва куч-қудратини исбот қилувчи далилни сўраш бундай кишининг хаёлига ҳеч қачон келмайди. Ахир У — Худо эканлигининг ўзи етарли эмасми?

Масиҳийлик эътиқоди Худо донишманддир, деб таълим берган пайтда, бу эътиқод ўзи айтаётган ёки айтиши мумкин бўлган нарсага қараганда кўпроқ нарсани назарда тутди. У бу билан нисбатан заиф бўлган сўзга бу сўзни ўз оғирлиги билан янчиб ташлашга тайёр бўлган мислсиз даражадаги тўла-тўқис маънони беришга ҳаракат қилади. «Донолигини эса ўлчаб бўлмайди» (Забур саноси 146:5), — деб айтади Забур муаллифи. Бу ерда ҳам эътиқод қанақадир кичик нарсани эмас, балки айнан ўлчаб бўлмайдиган нарсани ифода қилишга уринапти.

Ўлчовсиз сўзи мукаммал бўлган нарсани ифода қилгани учун ҳам, унга ҳеч қандай равишни қўшиб бўлмайди. Биз «янада мукаммалроқ» ёки «жуда мукаммал» деб айтмаймиз. Чексизлик қаршисида биз сукут сақлаган ҳолда турамыз.

Албатта, иккиламчи, яратилган ақл-идроқ ҳам мавжуд. Худо уни Ўзи яратган мавжудотлар учун, фақатгина уларнинг фойдаси учун яроқли бўладиган миқдорда ўлчаб берган. Бироқ ҳар қандай яратилган мавжудотнинг ёки барча яратилган мавжудотларнинг биргаликда олинган донолиги ҳам Худонинг чексиз донишмандлиги олдида жуда камдир. Шунинг учун ҳам ҳаворий Худони «ягона доно» (1 Тим. 1:17), деб таърифлаган бир пайтда ҳақдир. Яъни Худо Ўз-Ўзидан донодир, одамлар ва фаришталарнинг нур сочиб турувчи донишмандлиги эса — бор-йўғи самонинг улуғвор тахтидан сизиб чиқувчи яратилмаган нурнинг аксидир.

Худо ҳақида чексиз доно борлиқ сифатида фикр-мулоҳаза юритиш — ҳар қандай ҳақиқатнинг илдизидир. Бу Худога бўлган имон-эътиқоднинг соғлом бўлиши учун зарур ҳисобланган имоннинг бошланғич пайтидир. Худо Ўзи яратган мавжудотларга боғлиқсиз равишда бор экан, У ҳақдаги мушоҳадаларимизнинг Унга ҳеч қандай таъсири бўлмайди, албатта. Бироқ маънавий соғлом бўлишимиз учун, биз Яратувчи ва Қодир Тангрини тўла-тўқис ҳолда мукамал донишманд, деб аташимиз зарурдир. Бу нарсани инкор қилиш — бизни ҳайвондан ажратиб турадиган нарсани унутиш демакдир.

Муқаддас Ёзувларда Худонинг ва солиҳ кишиларнинг донишмандлиги ҳамиша ўзининг кучли бир маънавий жилосига эгадир. У пок, севғучи ва меҳрибон донишмандлик сифатида қаралади. Шунчаки зеҳни ўткирлик ҳисобланадиган донолик, кўпинча, ёмон одамларда учрайди, бундай донишмандлик маккор ва сохтадир. Донишмандликнинг бу икки хил кўриниши ҳар доим бир-бирига нисбатан низода бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, агарда Синай тоғи чўққисидан ёки Гўлготадан туриб қарайдиган бўлсак, у ҳолда дунё тарихи Худо донишмандлиги ва иблис маккорлиги ҳамда тубанлашиб кетган одамлар ўртасидаги ўзаро олишувдек бўлиб кўринади. Бу олишувнинг охири нима билан тугашига шубҳа қилишнинг ҳожати йўқ. Мукамал бўлмаган ҳар қандай нарса охир-оқибатда Мукамал бўлганнинг оёқлари остига йиқилиши керак. У «доноларни» ўзларининг қувлиги билан тўрга илинтираман, ўзича ақлли бўлганларнинг фикр-хаёлини пучга чиқараман, деб огоҳлантирган эди.

Бундан ташқари донишмандлик — ўз олдига етук мақсадлар қўя олиш ва бу мақсадларга энг мукамал бўлган воситалар ёрдамида етиша олишни ҳам билдиради. Донишмандлик

охир-оқибатдаги натижани бошидаёқ кўра олади ва бу ерда башорат қилишга ҳам, тахмин қилишга ҳам ҳожат қолмайди. Донишмандлик ҳамма нарсани тўғрилигича, ҳар бир буюм ва ҳар бир ҳодисани бошқа буюм ва ҳодисаларга тўғри муносабатда кўради. Шу тарзда у аввалдан қўйилган мақсадларга бе-хато аниқлик билан эриша олади.

Худонинг бутун бир фаолияти мукамал бўлган донишмандликда, аввалом бор, Худонинг Ўзининг шухрати учун, сўнгра эса имкон қадар кўпроқ кишиларнинг фойдаси учун иложи борича кўпроқ вақтга амалга ошади. Худонинг ҳамма ишлари қанчалик доно бўлса, шунчалик покдир ва улар қанчалик пок ва доно бўлса, шунчалик муруватлидир. Унинг қилган ҳамма ишларини янаям яхшироқ бажариш у ёқда турсин, ҳатто уларни янада яхшироқ амалга ошириш мумкин, деб тасаввур қилишнинг иложиси йўқ. Чексиз Худо шундай ҳаракат қиладики, ўлимга маҳкумларга Унинг ишларини тўғирлашга ҳожат қолмайди. О, Тангрим, Сенинг ишларинг шу қадар кўпки! Уларнинг ҳаммасини Сен Ўз донишмандлигинг ила амалга оширгансан. Ер юзи Сенинг хазиналаринг билан тўлиб-тошган!

Агарда дунёнинг яратилиши бўлмаганида эди, Худонинг донишмандлиги Илоҳий табиатнинг чексиз қаърида абадий қолиб кетган бўлар эди. Худо Ўзи яратган мавжудотларга улар билан қувониши учун ва улар ҳам Худо билан бирга қувонишлари учун ҳаёт берди.

«Худо бутун яратганларига қараб, ҳаммасининг жуда яхши эканини кўрди» (Ибт. 1:31).

Асрлар мобайнида кўпчилик кишилар дунёнинг асосида донишмандлик ётишига ишонишдан бош тортиб келдилар: бу

дунё ўта даражада мукаммал эмасдек кўринади. Вольтер ўзининг «Кандид ёки Оптимизм» деб аталган философик асарида доктор Панглос исми ишонган оптимистни тасвирлайди. Муаллиф асар қахрамони тилидан шундай философик далилни келтиради: «Бу ҳамма дунёлардан яхши бўлган дунёда ҳамма нарса яхшилик учундир». Албатта, француз сурбети бу кекса устозни унинг фалсафасини кулги остида қолдирувчи бир ҳолатга тушириш билан катта завқланиш олган.

Бироқ ҳаётга нисбатан масиҳийлик нуқтаи назари аслини олганда, доктор Панглоснинг «етарлича онг» ҳақидаги тасаввурига қараганда кўпроқ ҳақиқат ҳисобланади. Ҳозирги кунда бизнинг дунёмиз — ҳамма дунёлардан ҳам яхши дунё эмас. Ҳозир гуноҳга муккасидан кетишдек катта бир фожеа бу дунё узра ўз соясини солган. Худо Рухидан илҳомланган ҳолда ёзувчи муаллифлар Худо яратган барча мавжудотлар гуноҳкорлик келтирган кучли зарбдан фарқ бўлишларини ва азоб чекишларини таъкидлайдилар.

Улар «етарлича онг» билан тушунишга ҳаракат қилмайдилар, улар «маҳлуқот ўткинчиликка маҳкум бўлган. Бу эса маҳлуқотнинг ўз ихтиёри билан эмас, балки маҳлуқотни яратган Худонинг ихтиёри билан бўлган» (Рим. 8:20), — деб таъкидлайдилар. Бу ерда Худонинг йўлларини инсонлар олдида оқлаш учун қилинган ҳеч қандай уриниш мавжуд эмас. Бу шунчаки келтирилган далилнинг тасдиғидир. Худонинг борлиги ўз-ўзини ҳимоя қилади.

Бизнинг жамики тўккан кўз ёшларимизда умид мавжуд. Масиҳ ғалаба нашидасини кучган пайт етиб келганда, азобуқубат чекаётган дунё Худо ўғилларининг шарафли эркинлигига эга бўлади. Янги ижод аҳли учун олтинга тенг аср ўтмишда эмас, балки келажакдадир ва бу аср келган вақтда

таажубга тушган Коинот Худонинг бизга нисбатан ҳақиқатан ҳам улуғ бир донишмандлик ва донолик билан иш тутаетганлигини гувоҳи бўлади. Ҳозирча эса биз фақатгина донишманд Худога — бизнинг Нажоткоримизга умид қиламиз ва Унинг марҳаматли режалари навбати билан амалга ошгунга қадар, сабр-тоқат билан кутамиз.

Биз кўз ёшлари, оғриқ ва ўлимга қарамай, ҳаммамизни яратган Худонинг чексиз доно ва марҳаматли эканлигига ишонамиз. Иброҳим Худонинг берган ваъдасини эшитгач, ишончсизликка тушмаган, шубҳаланмаган, аксинча, Худони улуғлаган ҳолда имонда мустаҳкам турган ва ваъда берган Зотнинг Ўз ваъдасининг устидан чиқишига тўла-тўқис ишонган. Биз ҳам Иброҳим каби ягона Худога умид боғлашимиз ва умид қиладиган ҳеч нарса қолмаганда ҳам, то нур ялтиллаб кўринмагунча умидимизни узмаслигимиз керак. Биз *Худонинг борлигига* таянамиз. Менинг ўйлашимча, фақат мана шу нарса ҳақиқий имондир. Ҳис-туйғу ёрдамида олинадиган далиллар билан қўллаб-қувватланадиган ҳар қандай имон — бу ҳақиқий имон эмасдир.

«Исо унга шундай деди: — Сен Мени кўрганинг учун ишондинг. Кўрмай ишонганлар қандай бахтлидирлар!» (Юҳан. 20:29).

Бу тубанлашган дунёда шарт-шароитлар биз учун қандай бўлишидан қатъий назар, Худонинг барча қилган ишлари мукамал донишмандлик билан амалга оширилишига имон гувоҳлик беради. Абадий Ўғилнинг инсон танаси қиёфасида мужассам бўлиши Худонинг энг буюк ишларидан бири бўлган эди ва биз бу таҳсинга лойиқ ишнинг фақатгина Чексиз Зотда

бўлиши мумкин бўлган мукамаллик билан амалга оширилганлигига ишончимиз комилдир.

«Эътиқодимизнинг сири эътироз қилиб бўлмайдиган даражада буюк: Масиҳ вужудда зоҳир бўлди» (1 Тим. 3:16).

Гуноҳларни ювиш ҳам Худонинг ҳамма ишларига хос бўлган уддабуролик билан амалга оширилган эди. Биз буларнинг ҳаммаси тўғрисида жуда кам нарсани тушунамиз, бироқ Масиҳнинг гуноҳни ювишдек таҳсинга лойиқ иши Худони одамлар билан тўлиқ яраштирди ва Осмон Шоҳлигини барча имонлилар учун очиб берди. Бизнинг вазифамиз — тушунтириш эмас, балки гувоҳлик беришдир. У ерда, хочда юз берган ҳамма нарсани Худо тушунтириб бериши мумкинмиди ёки йўқми? Мен буни билишни жуда истар эдим. Ҳаворий Бутруснинг айтишига қараганда, фаришталар ҳам бу воқеликнинг моҳиятига кириб боришни қанчалик исташмасин, бу нарсани била олмаганлар.

Хуш Хабарнинг ҳаракатланиши, янгитдан туғилиш, Илоҳий Руҳнинг инсон табиатида зоҳир бўлиши, ёвузлик устидан узил-кесил қилинган ғалаба ва ниҳоят, адолатли Масиҳ Шоҳлигининг ўрнатилиши — буларнинг ҳаммаси Худо донишмандлигининг чексиз тўла-тўқислигидан келиб чиққан ва келиб чиқмоқда. Улуғвор само ичра турган энг муқаддас кузатувчининг энг ўткир кўзлари Худо бу ишларнинг ҳаммасини қандай қилиб амалга ошираётганлигини кузата туриб, унда заррача ҳам нуқсону камчилик сезмайди ва ҳатто жамики се-рафимлар ҳамда карубларнинг бирга олинган донишмандлиги ҳам Худонинг ишларига ҳеч қандай тузатишларни кирита олмайди.

«Худо қиладиган ҳар бир ишнинг абадий туришини мен тундим. Худонинг ишларига на қўшиб бўлади, на улардан олиб; Худо шундай қиладики, Унинг олдида таъзим қилишга мажбурсан» (Екк. 3:14).

Худонинг чексиз донишмандлигини имонимизнинг ақидаси деб ҳисоблаш биз учун ҳаётий заруриятдир; бироқ бунинг ўзи етарли эмас. Биз имон ва ибодат ёрдамида бу ақидани кундалик ҳаётимизга киритишимиз керак.

Самовий Отамиз доимий равишда биз учун ва бизнинг абадий хотиржамлигимиз учун хизмат қиладиган қулай шарт-шароитлар яратиб бераётганлигига бўлган самимий ишонч қалбнинггина чинакам хотиржамлик олиб келади. Орамизда кўпчилик озгина ибодат қилган ҳолда, озгина режалаштирган ҳолда, мақсадга эришиш йўлидаги воситалардан қийналамаган ҳолда, ҳеч нарсага ишончи бўлмаса ҳам умид қилган ҳолда ва ниманингдир рўёбга чиқмай қолишидан ҳаммиша яширинча хавфсираган ҳолда ҳаёт кечирмоқда. Бу асл ҳақиқатни фожеали тарзда беҳуда йўқотишдир ва у ҳеч қачон юракка тинчлик бермайди.

Янада яхшироқ йўл ҳам бор. Бу йўл ўзимиздаги доноликдан кечиш ва унинг ўрнига Худонинг чексиз донишмандлигини қабул қилишдан иборатдир. Бизда кейин нима бўлишини билиш истагининг юзага келиши сўзсиз табиийдир, бироқ бу бизнинг руҳан униб-ўсишимизда тўсиқ бўлиб қолади. Худо бизнинг абадий бахт-саодатимиз учун тўлиқ жавобгарликни Ўз зиммасига олган ва биз имон билан Унга юз тутганимиз ҳамон У ҳаётимиздаги ҳамма нарсани йўлга солишга тайёрдир. Мана, Худо нимани ваъда қилапти:

«Мен кўрларни улар билмайдиган йўл билан олиб кетаман, зулматни уларнинг олдида ёруғ қилиб, қийшиқ йўллари тўғирлайман. Ҳа, Мен уларни ташлаб кетмайман, балки тўғри йўлга ҳидоят қиламан» (Иша. 42:16).

У сени кўзларинг боғлиқ ҳолда  
Етакласин олға томон,  
Севги билишга муҳтож эмас,  
Отаси етаклаган болалар,  
Сўрамаслар қайга бораётганларин.  
Майли, бу йўлнинг барчаси номаълум бўлсин,  
Майли, у ботқоғу, қумли тоғлардан ўтсин.

*Герхард Терстеген*

Худо ҳамиша кўп-кўрона тарзда Унга ишонишимиз кераклигига бизни инонтириб келган.

«Мен олдинда кетиб, тоғларни текислайман, мис эшикларни бузаман, темир қулфларни синдираман. Қоронғилиқда сақланадиган хазиналарни, яширин бойликларни сенга бераман. Шунда сен Менинг Исроил Худоси эканлигимни, сени исминг билан чақирадиган Эганг эканлигимни билиб оласан» (Иша. 45:2-3).

Худо қанчадан-қанча буюк ишларни одамлар ва фаришталарнинг қизиқувчан нигоҳларидан олисда, яширинча амалга оширганлигини билиб қолсанг, ўша заҳотиёқ тетиклашасан. Худо осмон билан ерни яратган пайтда борлиқда зулмат ҳукмрон эди. Абадий Ўғил танада мужассам бўлган пайтда, У маълум вақтгача бокира қизнинг қорнида бўлди. Абадий Ўғил дунёвий ҳаёт учун ўлганида, бу қоронғуликда юз берди ва ҳеч ким Унинг сўнгги дақиқаларини кўргани йўқ. У ўликлардан



тирилган пайтда «эрта» тонг эди (Луқо 24:1). Унинг қандай қилиб тирилганини ҳеч ким қўриб, гувоҳи бўлмади. Худо гўёки: «Фақатгина Менинг ким эканлигим сиз учун аҳамиятга эга бўлиши керак, чунки сизнинг умидингиз ва хотиржамлигингиз айнан мана шунга боғлиқдир. Мен нима қилсам, Мен шуни қиламан ва буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда маълум бўлади. Бироқ Мен буни қандай амалга ошираман — бу Менинг сиримдир. Менга ишонинглар ва қўрқманглар», — деб айтгандек.

Агарда Худонинг марҳамати бизга улуғ бир бахт-саодатни раво кўрса, агар Худо донишмандлиги бу улуғ бахт-саодатга қандай эришишимиз мумкинлигини режалаштирган бўлса, агарда унга эришишимиз учун Худонинг куч-қудрати ёрдам берса, у ҳолда бизга яна нима етишмайди? Шубҳасиз, биз — жамики яратилган мавжудотлар ичида энг кўп имтиёзга эга бўлганларданмиз.

Яратувчимизнинг барча буюк режаларида  
Қудратлилик ва донолик нур сочиб турар;  
Унинг ижоди мўъжизали кўриниши билан  
Унинг Исми шуҳратин намоён этар.

*Томас Блэклок*

## Худонинг қудратлилиги

*Самовий Отамиз, биз Сенинг: «Мен қодир Худоман, Менинг олдимда муқаддас юринлар», — деб айтганингни биламиз. Бироқ агар Сен бизга Ўзингинг мислсиз улугвор қудратинг билан ёрдам бермас экансан, у ҳолда ўз табиати-мизга кўра заиф ва гуноҳкор бўлган бизлар қандай қилиб бенуқсон йўлдан юра оламиз? Сен шундай қилгинки, Масихни ўликлардан тирилтириб, Самода Ўзингинг ўнг томонингга ўтқизган пайтингда, Масихда ҳаракат қилган кучдан тўғри фойдаланишни биз ўргана олайлик. Омин.*

«Ваҳий» китоби муаллифи Юҳанно ўзига берилган башоратда кўп халойиқ, шовуллаган сувлар, бутун Коинот бўйлаб гумбурлаган момақалди роққа ўхшаш садоларни ва бу садолар ҳамда шовуллашлар олий ҳукмронликни ва Худонинг қудратини олқишлаётганлигини эшитади:

«Ҳаллелуя! Ҳар нарсага қодир Худойимиз, Сарвари коинот Шоҳ ўрнини олди» (Ваҳий 19:6).

Олий ҳокимият ва қудратлилиқ бирга юриши керак. Уларнинг бири иккинчисисиз мавжуд бўлолмайди. Шоҳлик қилиши учун Худо ҳокимиятга эга бўлиши керак, ҳамма нарса ва ҳамманинг устидан шоҳлик қилиши учун эса У барча

ҳокимиятга эга бўлиши керак. Жамики ҳокимиятга эга бўлиш — бу қудратли бўлиш демақдир. Муқаддас Китобнинг инглизча таржимасида бу сўз 56 марта учрайди ва у фақатгина Худога нисбатан қўлланилади. Фақат Худогина қудратлидир.

Худо У яратган бирорта ҳам мавжудот эга бўлмаган чексиз тўла ҳокимиятга ва мутлақ қудратга эгадир. Биз бу ҳақда Илоҳий ваҳий ёрдамида билиб оламиз, бироқ шунинг билан бир қаторда бу бизга аввалдан маълум бўлган билимлардан чиқарилган хулосадир. Агарда биз Худонинг чексизлиги ва Ўз-Ўзидан борлигини зарур деб билсак, у ҳолда шу заҳотиёқ Худонинг қудратли ҳам бўлиши кераклигини кўрамиз ва Худонинг қудратлилиги қаршисида тиз чўкамиз.

«Қудрат Худодан...», — дейди Забур муаллифи (Забур саноси 61:12), ҳаворий Павлус эса борлиқнинг ўзи Худо ҳокимиятининг абадийлигини исботидир, деб таъкидлайди (Рим. 1:20). Буни билган ҳолда биз Худонинг қудрати ҳақида қуйидагича мулоҳаза юритамиз: Худо ҳокимиятга эга. Шунингдек, Худо чексиз бўлганлиги учун ҳам, Худо ҳисобланган ҳамма нарса чегарага эга бўлмайди; шунинг учун Худо чексиз ҳокимиятга эгадир. У қудратлидир. Шунингдек, Ўз-Ўзидан бор бўлган Яратувчи — Худо жамики мавжуд бўлган куч ва ҳокимиятнинг манбаи ҳисобланади. Манба эса ўз навбатида, ҳеч бўлмаганда ўзидан оқиб чиқаётган нарса билан тенг бўлиши кераклиги Худонинг қудратли эканлигини яна бир қарра тасдиқлайди.

Худо Ўзи яратган мавжудотларга қудрат ато қилди, бироқ бу билан Унинг қудрати заррача бўлса-да камайгани йўқ. Худо беради, аммо қайтариб бермайди. Худо нимаики берса, Унинг Ўзида қолаверади ва яна Ўзига қайтиб келади. У ҳамиша аввал

Ким бўлган бўлса, шундайлигича, яъни Тангри Таоло Сарвари коинот бўлиб қолаверади.

Агарда Муқаддас Ёзувларни диққат билан ўқийдиган бўлсак, у ҳолда Муқаддас Китобда таърифланган кишилар дунёқараши билан замондошларимиз дунёқараши орасидаги улкан фарқни кўришимиз мумкин. Бутунги кунда биз мушоҳадаларимизнинг дунёвий бўлиб қолганлигидан руҳан азоб чекамиз. Муқаддас Ёзувлар муаллифлари Худони кўрган жойларда биз табиат қонунларини кўрамыз. Муқаддас Ёзувлар муаллифлари учун дунё тирик ва шахсий ҳисобланар эди, бизнинг дунёмиз эса кимсасиз ва ўликдир. Уларнинг дунёсини Худо бошқарган; бизнинг дунёмизни эса табиат қонунлари бошқаради ва биз ҳамيشа Худодан олисда юрамыз.

Худони миллионлаб кишиларнинг онгидан сиқиб чиқарган бу табиат қонунларининг ўзи қандай экан? «Қонун» сўзи икки хил маънога эга. Бу сўзнинг бир маъноси ҳокимиятлар томонидан ўрнатилган ташқи қоидаларни билдиради. Мисол учун, талон-тарожлик ва зўравонликка қарши чиқарилган қонун. Бу сўз шунингдек, Коинотда юз бераётган бир хил ҳодисаларни ифода қилишда ҳам ишлатилади, бироқ бу иккинчи маъно хатоликдир. Биз табиатда кўриб, гувоҳи бўлган ҳамма нарсалар — Худонинг қудрати ва донишмандлиги Ўзи яратган мавжудотлар орқали ҳаракат қиладиган йўллардир. Аслини олганда булар қонунлар эмас, балки ҳодисалардир. Бироқ биз уларни жамиятнинг субъектив қонунларига ўхшатган ҳолда «қонунлар» деб атаймыз.

Худонинг қудрати қандай ҳаракатланаётганлигини илмфан кузатади, унда қандайдир қонуният бор, деб билади ва уни «қонун» деб атайди. Худонинг яратиш давомидаги ҳаракатларининг бир хиллиги олимга рўй берадиган табиат

ҳодисаларини олдиндан айтиб бера олиши учун имкон беради. Худонинг Ўз дунёсидаги ҳатти-ҳаракатининг ишончли эканлиги — илмий ҳақиқатнинг асосидир. Олим худди шу нарсага ўз ишончини билдиради ва айнан шу туфайли навигация, кимё, қишлоқ хўжалиги ва тиббиёт каби соҳаларда йирик ва фойдали ютуқларга эришилади.

Иккинчи томондан, эътиқод табиатни четлаб ўтади ва Худо сари боради. Уни яратилиш йўлидаги Худо қолдирган излар эмас, балки бу йўлдан бораётган Зотнинг Ўзи қизиқтиради. Эътиқодни, аввалом бор, ҳамма нарсанинг манбаи бўлган, барча ҳодисаларни бошқарадиган Зот қизиқтиради. Фалсафада У турли хил атамалар билан маълумдир. Уларнинг ичида энг ваҳималиси, менинг билишимча, Рудольф Отто томонидан айтилган: «Мутлақ, баҳайбат, ҳеч қачон сўнмайдиган, ҳаракатчан олам стрессидир»<sup>1</sup>. Масиҳий бу «олам стресси»нинг қачонлардир: «Мен Менборман» (Чиқиш 3:14), деб айтганини ва устозларнинг энг буюги Ўз шогирдларига: «Ибодат қилаётганингизда шундай деб айтинлар: Эй, Отамиз! Сенинг муқаддас исминг улуғлансин...» (Луқо 11:2), деб Ўзига нисбатан шахс сифатида мурожаат қилишларини насихат қилганини қувонч билан эсга олади. Муқаддас Китобда ёзилган одамлар бу «мутлақ ва баҳайбат» билан ўта шахсий тилда гаплашишган, пайғамбар ва руҳоний ҳам хотиржамлик ва қониқиш бахшида этадиган илиқ ва яқин садоқатдан ҳаяжонланган ҳолда Унинг билан бирга юришган.

Қудратлилик жамики қудратнинг йиғиндиси ҳисобланмайди, балки биз масиҳийлар Раббимиз Исо Масиҳнинг ва

---

<sup>1</sup> Отто Рудольф. Муқаддаслик ҳақидаги тасаввурлар. — Rudolf Otto. The idea of the Holy (Oxford University Press, New York, 1958).P.24.

«Унга ишониб, абадий ҳаёт топажакларнинг» (1 Тим. 1:16) ҳаммасининг Отаси деб айтадиган Худо шахсининг хусусиятидир. Худони улуғловчи киши учун бу ҳақдаги билим унинг руҳий ҳаётида ажойиб куч манбаи бўлиб қолади. Мутлақ қудрат соҳиби бўлганлиги туфайли истаган нарсасини амалга ошира оладиган, Унинг учун қийин ва машаққатли нарсанинг ўзи мавжуд бўлмаган Зот билан биродар бўлишга эришиш учун, бу инсоннинг имони улкан қадам ташлаган ҳолда юқорига кўтарилади.

Тангри Таоло бутун Коинотдаги жамики кучларни бошқарар экан, У ҳамма нарсани бир текисда осонлик билан амалга ошира олади. Унинг ҳамма ҳаракатлари ҳеч бир қийинчиликсиз амалга ошади. Худо ўрнини тўлдириб туриш керак бўладиган қувватни сарф қилмайди. Худо ҳеч кимга қарам эмас ва шунинг учун У Ўз кучини янгилаш учун Ўзидан ташқаридан куч олишга зарурат сезмайди. Ўзи истаган нарсани амалга ошириш керак бўладиган ҳамма куч-қувват Унинг камаймайдиган мукамалликдаги чексиз ибтидосида мавжуддир.

Пресвитериан жамоатининг чўпони А.Б.Симпсон кексаган, хасталанган, чуқур тушқунликка тушган ва ўз хизматини ташлашга тайёр бўлган бир пайтида, тасодифан Худо ҳақидаги оддий бир негрлар кўшигини эшитиб қолади:

Исо учун қийин нарсанинг ўзи йўқ,  
Ҳеч бир кимса У каби иш бажара олмас.

Бу сўзларнинг асл маъноси жисми ва қалбига ишонч, умид ва ҳаёт бахшида этган ҳолда Симпсоннинг юрагини ўқ каби тешиб ўтади. Симпсон ҳилват жойга кетади ва Худо билан бир

неча ойлар давомида ёлғизликда бўлгач, касаллигидан тўлиқ фориғ бўлиб, тузалади. Сўнгра эса қувончу шодликка тўлиб-тошган ҳолда дунёдаги энг йирик миссионерлик жамиятларидан бирини ташкил қилиш учун жўнаб кетади. Худо билан бўлган бу учрашувдан сўнг, Симпсон ўттиз беш йил давомида Масихга хизмат қилган ҳолда жуда кўп ишларни амалга оширди. Чексиз қудрат соҳиби — Худога бўлган ишончи Симпсонга ўз ишини давом эттириши учун зарур бўлган барча кучни берди.

Қодир Эгам! Мен Сенинг олдингда тиз чўкаман;  
Ва ҳатто юзларини беркитган карублар ҳам  
Сенинг олдингда бош эгадилар;  
Сокин ва вазмин садоқат ила таъзим қиламан Сенга,  
Барча донишмандликка эга ва ҳар ерда ҳозир Дўстим.  
Сен ерга зумрад кийим бердинг,  
Ёки уни қор билан қопладинг;  
Ёруғ қуёш ҳам, кўкдаги тўлин ой ҳам  
Сенинг ҳузурингда эгар экан бош.

*Сэр Жон Боурин*

## Худонинг трансцендентлиги

*Эй Тангри, бизнинг Тангримиз, на юқорида — самода, на қуйида — ерда Сенга ўхшаган ҳеч ким йўқдир. Улугворлик ҳам, обрў-эътибор ҳам Сенга тегишлидир. Самода ва ерда мавжуд бўлган ҳамма нарса — Сеникидир; Эй Раббим, Сенинг шоҳли-гинг, Сенинг куч-қудратинг, Сенинг шон-шуҳра-тинг абадийдир ва Сен ҳамма нарса устидан бош бўлиб юксаласан. Омин.*

Худо ҳақида трансцендентликка эга бўлган бир зот сифатида гапирар эканмиз, албатта Уни Ўзи яратган бутун Коинот узра юқорига, инсон ақл-заковати буни ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдиган даражада юқорига юксалаётганлигини назарда тутамиз.

Бироқ бу ҳақда тўғри мушоҳада қила олишимиз учун, биз «юқори» сўзи бунда ерга нисбатан олинган масофа эмас, балки борлиқнинг хусусияти эканлигини назарда тутишимиз керак. Бизни борлиқдаги жой эмас, баландликнинг ўзи эмас, балки ҳаёт қизиқтиради.

Худо Рухдир ва Унинг учун катталиқ ва масофанинг аҳамияти йўқ. Биз учун катталиқ ва масофа ўхшашликлар ҳамда тасвирлар кабидир, шу сабабдан Худо бу тушунчаларни



бизнинг чегараланган ақл-идрокимизга тушунарли бўлиши учун доимий равишда қўллаб келади. Ишаъё пайғамбарнинг китобидан топишимиз мумкин бўлган: «Абадий бор бўлган, юксакликда, улуғворликда тахтини қурган бундай дейди» (Иша. 57:15) деган Худонинг сўзлари баландлик ҳақида аниқ бир тасаввурни беради. Бунинг сабаби шундаки, биз моддийлик, фазо ва вақт дунёсида яшовчилар моддий категориялар билан фикр юритишга интиламиз ҳамда абстракт ғояларни, улар қачонки у ёки бу ҳолда моддий буюмлар билан тенглашсагина, англаб етамиз. Табиий дунё ҳукмронлигидан озод бўлишга ҳаракат қилган ҳолда, инсон қалби бизни тўғри йўлга солишда Муқаддас Рух фойдаланадиган юксак тилни ишлата билишни ўрганмоғи лозим.

Айнан Рух моддийликка маъно беради ва Рухсиз ҳеч нарса қадр-қимматга эга бўлмайди. Тоғларнинг гўзаллигидан баҳра олиб, томоша қилишга келган бир гуруҳ одамлар ичидан кичкинагина қизалоқ ажралиб, тоғларнинг бирида адашиб қолади. Бу одамларнинг қизиқиши шу заҳотиёқ ўзгаради. Табиат улуғворлигидан завққа тўлиб ҳайратланиш ўрнини, йўқолиб қолган қизалоқ туфайли юзага келган умидсизлик ва кўрқув эгаллаб олди. Одамлар бутун тоғ ён-бағри бўйлаб тарқалиб кетишади, қизалоқни исмини айтиб, хавотир билан чақиришади ва қизалоқ яшириниши мумкин бўлган ҳар бир хилват жойларни синчиклаб қараб чиқишади.

Бу тўсатдан юзага келган ўзгаришнинг сабаби нимада? Ўрмон билан қопланган тоғ, аввалгидек ўзининг киши эътиборини жалб қилувчи гўзаллиги билан булутларга қадар юксалиб турибди. Бироқ бу гўзалликни энди ҳеч ким сезаётгани йўқ. Жамики эътибор ҳали икки ёшга ҳам тўлмаган ва вазни ўттиз фунт ҳам чиқмайдиган кичкина жингалаксоч қизчани

излашга қаратилган эди. Гарчи қизча бу дунёда ҳали жуда кам яшаётган ва жуда кичкина бўлса ҳам, у ота-онаси, уларнинг дўстлари учун, уларни бир неча дақиқалар аввал ҳайратга солган улкан ва қадимий тоғнинг баҳайбат салобатидан азизроқ эди. Уларнинг бу қарашларига тараққий этган бутун дунё ҳам қўшилган бўлар эди, чунки кичкина қизалоқ севиши, кулиши, гапириши ва ибодат қилиши мумкин, тоғ эса бундай қила олмайди. Боланинг борлиги — унинг қадр-қимматини белгилайди.

Нима бўлганда ҳам, биз ҳозиргина бола билан тоғни таққослаганимиз каби, Худонинг борлигини одамларнинг мавжудлиги билан таққосламаслигимиз керак. Биз Худони мавжудотларнинг бир хужайралилардан бошланиб, сўнгра балиқдан қушга, ундан сўнг сут эмизувчиларга, кейин эса одамга, ундан кейин фариштага, сўнгра карубга ва ниҳоят, Худога ўтган ҳолда ўсиб борувчи қатори ичида энг юксаги деб ўйламаслигимиз керак. Бу билан Худога юксак, аниқроғи, жуда юксак ўрин берилган бўлар эди, бироқ бунинг ўзи етарли эмас. Биз Унга *трансцендентликни* бу сўзнинг тўлиқ маъносида беришимиз керак. Худо оламдан бутунлай ажралган. У ҳеч ким яқинлаша олмайдиган нурдадир. Худо капалак қуртидан қанчалик юқорида бўлса, бош фариштадан шунчалик юқоридадир. Бош фариштани капалак қуртидан ажратиб турувчи бўшлиқнинг чегараси бор, Худо ва бош фаришта ўртасидаги бўшлиқнинг эса поёни йўқ, чексиздир. Капалак қурти ва бош фаришта, гарчи яратилган мавжудотлар доирасида бир-биридан анча олисда бўлса-да, барибир битта умумий хусусиятга эга: уларнинг ҳар иккиси ҳам яратилгандир. Уларнинг иккаласи ҳам Худо бўлмаган нарсаларга тегишлидир ва Худодан чексизлик билан ажратилган.

Сукут сақлаш ва сўз айтишга мажбур қилувчи куч, Худо ҳақида гапиришни истаган инсон қалбида ҳамиша бир-бири билан кураш олиб боради.

Ўлимга маҳкумларнинг қандай қилиб,  
Сенинг шуҳрат ва шафқатингни  
Куйлагани ҳадди сиғаркан?  
Биз Сендан жуда пастда, оёқларинг остидамиз,  
Ва фақатгина жамолингни соясини кўрамиз.

*Айзек Уоттс*

Айнан Худо бизнинг қалбларимизга Уни излаш истагини, бизга қандайдир даражада Уни таниб-билиш имкониятини беради ва Худо Уни таниб-билиш учун қилган жуда кичик бўлсада, ҳар қандай уринишларимиздан қувонади. Биз буни биламиз ва бу нарса биз учун хотиржамлик бахш этади.

Агарда ўз ҳаётини дунё ҳаётидан олисда, Худо билан мулоқотда ўтказган бирор-бир руҳоний ғам-ташвишлар ботқоғига ботиб қолган одамлар орасига қайтиб келса, уларнинг эзмаларча чеки йўқ сафсатаси бу руҳонийга нақадар бемаъни бўлиб кўринган бўлар эди. Ҳафтама-ҳафта бўлиб ўтадиган деярли ўзгармайдиган ваъзларда эшитиш мумкин бўлган зерикарли, сийқаси чиққан ва фойдасиз сўзлар унинг учун қанчалик ғалати ва маъносиз бўлиб туюлади. Агарда бу руҳоний сўзлайдиган бўлса, албатта Худо ҳақида гапиради. Наҳотки у ўз тингловчиларини Илоҳийликнинг мақтовга лойиқ тасвирлари билан сеҳрлаб, мафтун қилиб қўя олмаса? Унинг сўзларини тинглаганимиздан сўнг, бошқа бирор-бир ундан кичикроқ бўлган нарсани эшитган бўлармидик? Биз албатта, бизга таълим бермоқчи бўлганлардан биз билан Илоҳий қарашлар

чўққисидан туриб гаплашишларини ёки умуман жим бўлишларини талаб қиламиз!

Забур муаллифи бизга: «Унинг кўз ўнггида Худодан қўрқиш деган нарса йўқ» (Забур саноси 35:2), — деб айтган ҳолда гуноҳнинг руҳиятини очиб берган. Одамлар Худодан қўрқмаган пайтларида, улар иккиланмаган ҳолда Худонинг қонунларини бузадилар. Худо қаршисида қўрқув бўлмаса, натижалар олдидаги қўрқув одамни чўчитмайди.

Ўтмишда имонли кишилар ҳақида улар «Худодан қўрқиб яшайдилар» ва «Тангрига қўрқув билан хизмат қиладилар» деб гапиришган. Кишининг Худо билан мулоқоти қанчалик яқин бўлмасин, қилган ибодатлари қай даражада жасоратли бўлмасин, унинг имон-этиқодли ҳаёти асосида Худонинг марҳамат ва қўрқув ҳисси ўйғотувчи Зот сифатидаги тасвири мавжуд бўлган. Ҳамма нарсадан юксак бўлган Худо ҳақидаги мушоҳадалар бутун бир Муқаддас Китоб бўйлаб тарқалгандир. Худо олдидаги бу қўрқув табиий хавф-хатар тушунчасига қараганда каттароқ тушунча бўлган. Бу ақл бовар қилмайдиган ўлчовсиз қўрқув ва Худо Қудрати қаршисида ўзининг мукамал эмаслигини англаб етиш эди.

Муқаддас Китоб замонасида Худо ҳар сафар одамларга зоҳир бўлган пайтда, улар бир хил туйғуни — қалбни эгаллаб оладиган қўрқув ва хавотир ҳиссини, гуноҳкорлик ва айбдорликнинг зирқиратувчи туйғусини ҳис қилганлар. Худо гапира бошлаган пайтда, Иброҳим ерга юзтубан тушиб, Уни тинглаган. Мусо Тангри Таолони ёнаётган бута ичида кўрганида, Худога қарашга ботина олмаган ҳолда, қўрқувдан юзларини беркитган. Худо Ишаъё пайғамбарга ваҳийда зоҳир бўлган пайтда, бу зоҳирлик пайғамбарни: «Ҳолимга вой!», — деб

хитоб қилишга ва «Энди мен ўлдим! Чунки мен оғзи нопок одамман» (Иша. 6:5), — деб тан олишга мажбур қилган.

Худо ва Дониёл пайғамбар ўртасидаги учрашув энг ваҳимали ва энг ажойиб учрашув бўлса керак. Пайғамбар бошини кўтаради ва танаси — «топаз бўлган, юзи — чақмоққа ўхшаган, ... кўзлари ёниб турган чироқдек, ... кўллари ... ва оёқлари ярақлаб турган мисга ўхшайдиган, овози эса жуда кўп одамларнинг гапиришидек» бўлган бир Зотни кўради. «Бу ваҳийни фақат мен кўрдим, — деб ёзган эди Дониёл кейинчалик, — ёнимдаги одамларга бу ваҳий кўрингани йўқ, лекин улар кўрқиб яшириниш учун қочиб кетишди. Битта мен ўзим бу кўрқинчли ваҳийни томоша қилдим, лекин танимда жоним қолмаган, юзларим ранги ўзгариб, ана йиқиламан — мана йиқиламан, деб қолдим. Унинг сўзларини эшитганда, шол бўлиб ерга юзтубан йиқилдим...» (Дон. 10:6-9).

Бу кишиларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, Илоҳий устунликни англаб етиш инсон ва Худо ўртасидаги барча қарама-қаршилиқни тезда ҳал қилиб беради. Худо билан курашиш истаги инсонни тарк этади ва у мағлуб этилган Шоул каби, итоаткорона тарзда: «Ё Раббий, нима қилишимни буюрасан?» (Ҳав. 9:6), — деб сўрашга тайёр бўлади. Ва аксинча, замонавий масиҳийларнинг ўз-ўзига ишонувчанлиги, бизнинг кўпгина йиғилишларимиз асосида ётадиган мулоҳазасизлик, Худо шахсига нисбатан кўрсатилган беҳурматлик қалбимиз кўрлигини етарли даражада исбот қилади. Кўп кишилар ўзларини Масиҳнинг издошлари деб ҳисоблайдилар, Худо ҳақида кўп гапирадилар ва баъзан Унга ибодат ҳам қиладилар, бироқ Унинг ким эканлигини билмайдилар. «Худодан кўрқув — ҳаёт манбаидир» (Матал. 14:27), бироқ бу малҳам берувчи кўрқувни бугунги кунда масиҳийларда топиш даргумондир.

Кунарнинг бирида шоир Гёте дўсти Эккерман билан суҳбат чоғида имон-эътиқод мавзусидан сўз очади ва Худо исмини суистеъмол қилиниши ҳақида гапиради. «Одамлар, — дейди у, — ҳаттоки ақл-идрок доирасидан ташқарида ётувчи бу ақл бовар қилмайдиган ва юксак Зотни гўёки ўзлари билан тенг кўриб, Унга нисбатан муносабатда бўладилар. Акс ҳолда бу одамлар «Тангрим Худо, азиз Худо, меҳрибон Худо» деб айтмаган бўлардилар. Бу сўзлар бундай одамлар учун ва уларни ҳар кун такрорлашдан чарчамайдиган рухонийлар учун ҳеч бир ўй-фикрга тўғри келмайдиган, ҳеч қандай исмини билдирмайдиган оддий жумлага айланиб қолади. Агарда улар Худонинг улуғворлиги таъсири остида бўлганларида эди, ҳурмат-эҳтиром туйғусини ҳис қилган ҳолда Уни исмини айта олмай, сукут сақлаган бўлардилар»<sup>1</sup>.

Тахтда ўтирган барча мавжудотлар Тангриси,  
Сенинг шуҳратинг нур сочар куёш ва ойдан;  
Ҳар бир қатламнинг маркази ва қалбисан,  
Сен барибир ҳар бир севгучи юрак учун яқинсан!  
Нури — ҳақиқат, иссиқлиги — севги бўлган,  
Қуйида ҳам, юқорида ҳам, бутун бир ҳаётнинг Эгаси,  
Сенинг абадий нурга тўлган тахтинг олдида  
Биз ўзимиз учун шон-шуҳрат сўрамасмиз.

*Оливер Уэндел Холмс*

---

<sup>1</sup> Иоганн Петер Эккерман. Эккерман билан суҳбатлар. — Johann Peter Eckermann, Conversation with Eckermann (M. Walter Dunn, Washington & London, 1901).P.45.

## Худонинг ҳар ерда ҳозирлиги

*Ота, Сен биз билан бирга эканлигингни биламиз, бироқ бизнинг билимимиз — бор-йўғи ҳақиқатнинг мукамал бўлмаган тасвири ва соясидир. Шунингдек, унда бу каби билимда мавжуд бўлиши керак бўлган руҳий бойлик ва ички гўзаллик жуда кам. Бу биз учун катта талафот ва қалбимиз заифлигининг сабабчисидир. Биз ўзимиз: «Сенинг ҳузуринг севги ва қувончга тўладир» деган сўзларнинг асл маъносини ҳис қила олишимиздан аввал, ҳаётимизни тўғирлаб олишимизда бизга ёрдам бер. Омин.*

Хузур сўзи албатта, «шу ерда», «...га яқин», «... билан ёнма-ён» деган маъноларни билдиради. «Худо ҳузурининг намоён бўлиши» — бу ҳар ерда Унинг ҳозир бўлиши демақдир. Худо ҳамма ерда, ҳамма нарсага яқин, ҳамма нарса билан ёнма-ёндир.

Худонинг ҳар ерда ҳозирлиги ҳақидаги таълимотчалик шу қадар аниқ ва тушунарли бўлган ҳақиқатлар Муқаддас Ёзувларда жуда камдир. Бу ҳақиқат ўз тасдиғини топган Муқаддас Китоб сатрлари шу қадар аниқ-равшанки, уларни нотўғри тушуниш учун анча-мунча саъй-ҳаракат қилиш керак бўлар эди. Бу сатрларда Худо Ўзи яратган ҳамма нарсада ҳозир

эканлиги, инсонга Унинг хузуридан яшириниш учун самода ҳам, ерда ҳам ва дўзахда ҳам жой йўқ эканлиги ҳақида гапирилади. Муқаддас Ёзувларнинг таълим беришича, Худо бир вақтнинг ўзида жуда олисда ҳам, яқинда ҳам бўла олади ва одамлар Унда ҳаракат қиладилар, ҳаёт кечирадилар ва мавжуддирлар. Бу сатрлар Худонинг ҳар ерда ҳозирлигини тан олишга бизни мажбур қилади ва Унинг ҳақидаги бошқа ҳақиқатларни ҳам тушунтириб беради.

Мисол учун, Муқаддас Ёзувларда Худо чексиз деб айтилади. Бу нарса Унинг борлиги чегара билмайди, деганидир. Шунинг учун, Худонинг ҳозирлиги ҳам чегарасиздир; У ҳамма ерда бор. Худо Ўз чексизлиги билан Ўзининг чегарага эга бўлган мавжудотларини ўраб олади ва уларни Ўзида тутиб туради. Унинг хузурисиз бирор нарса мавжуд бўлиши мумкин бўлган жойнинг ўзи йўқ. Худо — бу балиқ учун денгиз ва қуш учун ҳаво зарур бўлгани каби, биз учун зарур бўлган яшаш муҳитидир. «Худо — ҳамма нарса устида, — деб ёзади Гильдеберт Лавардинский, — ҳамма нарса тагида, ҳамма нарсанинг ташқарисиди, ичида, бироқ таркибида эмас; ташқарида, бироқ чиқиб кетмаган; юқорида, аммо юқорига кўтарилмаган; пастда, бироқ туширилмаган; бош бўлган ҳолда бутунлай юқорида; қўллаб-қувватлаган ҳолда бутунлай пастда; тўлдирган ҳолда бутунлай ичкарида»<sup>1</sup>.

Худо Ўз Борлиги ичида ҳозир эканлигига бўлган ишонч якка ҳолда бўлиши мумкин эмас. Бу ишонч кўпгина имон-эътиқод мушоҳадалари доирасида амалий қўлланилиши

---

<sup>1</sup> Цитаталарнинг янги луғати. Муҳар. Х.Л.Менкен. — A New Dictionary of Quotations. Selected and edited by H.L. Mencken (Alfred A. Knopf, New York, 1942).P.462-463.



мумкин ва баъзи бир эътиқод муаммоларига (мисол учун, дунё табиати муаммосига) бевосита таъсир кўрсата олади. Деярли ҳар бир давр ва деярли ҳар бир маданиятнинг мушоҳадали кишилари бу дунёнинг нимадан иборат эканлигини ҳақидаги савол устида фикр-мулоҳаза юритганлар. Бу дунё ўз-ўзидан мавжуд бўлган моддий дунёми ёки кўринмас кучлар ёрдамида ҳаракатга келтириладиган руҳий дунёми? Бу саволга жавобни ҳамма нарса бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган тизимнинг ўзидан топиш мумкинми, ёки у бирор-бир сир остига яширинганми? Бу мавжудлик оқими ҳақиқатан ҳам ўз-ўзидан бошланиб, ўз-ўзида тугармикан? Ёки Унинг манбаи балангликлардан юқори ва қаердадир, балангликлар ортидамикан?

Масиҳийлик ақидаси бу саволларга жавоб бера олишини таъкидлайди. Масиҳийлик ақидаси мушоҳадаларга берилмайди ва субъектив фикрни айтмайди, бироқ ҳурмат-эътибор юзасидан «Худо шундай дейди» деган сўзлардан фойдаланади. Бу ақида дунёнинг руҳий эканлигини, дунё Рухдан келиб чиққанлигини, у ўз моҳиятига кўра руҳий ва Рухдан ажралган ҳамон ҳеч қандай маънога эга бўлмай қолишини ишонч билан таъкидлайди.

Худонинг ҳар ерда ҳозирлиги ҳақидаги таълимот инсон ва Коинот ўртасидаги муносабатни ифодалайди. Бу буюк асосий ҳақиқат бошқа жамики ҳақиқатларга маъно беради ва инсоннинг қисқагина умрига баҳо беради. Худо шу ерда. У инсон билан ёнма-ён турибди. Худо бу инсонни кўриб турибди ва уни тўла-тўқис билади. Имон шундан бошланади, секин-аста бошқа ажойиб ҳақиқатларни ўз ичига олиб боради ва бу ҳақиқатларнинг ҳаммаси *Худо бор ва Худо шу ерда*, деган ягона ҳақиқат сари кўтарилиб боради. Ибронийларга Мактубда шундай дейилган: «Ким Худога яқинлашмоқчи бўлса, Унинг

борлигига ишонмоғи лозим» (Ибр. 11:6). Масихнинг Ўзи ҳам: «Худога ишонинг...» (Юҳан. 14:1), — деб айтган. Худога бўлган бошланғич имонга қўшиш мумкин бўлган ҳамма нарса устқурма (яъни, бинонинг устки қавати) ҳисобланади ва биз кўтарила олишимиз мумкин бўлган баландликлардан қатъий назар, устқурма ушбу бошланғич пойдеворда мустаҳкам туради.

Янги Аҳд Худо дунёни *Логос* (яъни Каломуллоҳ) ёрдамида яратди, деб ўргатади ва Каломуллоҳ танада мужассамлашгунга қадар, дунёда бор бўлган Худонинг иккинчи шахси сифатида қиёсланади. Каломуллоҳ ҳамма нарсани яратди ва Ўзи яратган мавжудотларда уларни бошқариш ҳамда қўллаб-қувватлаш учун қолди. У шу билан бир вақтнинг ўзида яхшилик ва ёмонликни ажрата билишга имкон берувчи инсонга маънавий нур эди. Борлиқ ўз хусусиятига эга бўлмаган қонунлар туфайли эмас, балки Худо ҳозирлигининг яратувчан овози — *Логос* туфайлигина аниқ тартибга солинган тизим бўйича ҳаракатланади.

Ҳиндистонлик Каноник У.Ж.Х.Холмс ҳиндларнинг қандай қилиб ибодат қилишларини ҳикоя қилади: улар дарахтлар ва тошларни тақиллатиб кўрадилар, сўнгра худонинг шу дарахтлар ва тошлар ичида яшашига умид қилиб, таъзим қилган ҳолда худога шивирлайдилар: «Сен шу ердამисан? Сен шу ердამисан?». Илм-саводи бор масиҳий бу саволга тўла хотиржамлик билан жавоб беради. Худо ҳақиқатан ҳам ўша ерда. Худо у ерда ҳам, бу ерда ҳам ва ҳамма ерда, фақатгина дарахт ёки тошда эмас, балки борлиқнинг бутун бир кенгликлариди, ҳамма нарсага яқин жойда ҳам ҳозирдир ва Исо Масиҳ марҳамати билан исталган вақтда ҳар бир сеувчи юрак Унга

эриша олиши мумкин. Худонинг ҳар ерда ҳозирлиги ҳақидаги таълимот бу саволга жавобни умрбод ҳал қилиб беради.

Чинакам масиҳий учун бу ҳақиқат — буюк хотиржамлик ва удуғ ишонч манбаидир. Бу манба ҳеч ҳандай ҳаётий шарт-шароитларга боғлиқ эмас. Бу ҳақиқат учун «Худо ҳузурининг амалий аҳамияти» тасаввурдаги объектни ҳаёлан ўз ақл-идроки чегарасидан ташқарига чиқариш ва шундан сўнг унинг иштирокини амалга ошириш йўлларини излашдан эмас, балки ҳар қандай соғлом эътиқод таълимотига мувофиқ аллақачон шу ерда ҳозир бўлган ва Ўзи яратган мавжудотлар Унинг борлигини тан олиш ёки олмасликларидан қатъий назар, объектив бор бўлган Зотнинг ҳақиқатан ҳам ҳозир эканлигини билишдан иборатдир. Бу ҳақиқатнинг натижаси инсонга башоратда эмас, балки ҳақиқатда бериладиган тажриба ҳисобланади.

Худонинг ҳамиша биз билан бирга эканлигига, Унинг Ўз дунёсининг ҳар бир қисмида ҳозир эканлигига, Унинг бизга ўз ўй-фикрларимиздан ҳам яқинлигига ишониш, бизга узоқ вақтгача юксак маънавий қувончни бахшида қила олади. Бироқ ҳамма вақт эмас. Ҳар бир имонлига доимий қувончни ваъда қилиш виждонсизлик бўлар эди ва буни кутиш ҳақиқатга зид бўларди. Худди бола оғриқдан ҳатто онасининг қўлида ҳам йиғлаши мумкин бўлганидек, масиҳий Худонинг ҳузурда турганлигини англаб етса ҳам, баъзида руҳан қийналиши, азоб чекиши мумкин. Гарчи ҳаворий Павлус: «... доимо хурсандмиз» (2 Кор. 6:10), — деб айтган бўлса-да, у баъзида ғамгин ва хафа эканлигини тан олган; Масиҳ эса «Ота бағрини» (Юҳан. 1:18) ҳеч қачон тарк этмаганлигига қарамай, биз учун жуда кўп кўз ёши тўккан.

Бироқ ҳаммаси яхши бўлади. Бу каби бизнинг дунёмизда бундай кўз ёшлар ўзининг даволовчи фаолиятини бошлайди. Худонинг хузуридан бизни ҳимоя қилиб турувчи пардалардан тайёрланган шифобахш малҳам бизнинг касалликларимизни, то улар тузалмагунча даволайди. Ҳеч қачон ёлғиз эмаслигимизни билиш ҳаётимизнинг тўлқинланаётган денгизини тинчлантиради ва қалбларимизга хотиржамлик олиб келади.

Муқаддас Ёзувлар ҳам, ақл-идрокимиз ҳам бизга Худонинг шу ерда эканлигини таъкидлайди. Биз фақатгина бу нарсани англаб етилган тажриба ёрдамида тушунишга ўрганишимиз керак. Доктор Аллен Флиснинг хатидан олинган мана бу сўзлар бошқа кўпгина кишиларнинг гувоҳлигини умумлаштиради: «Худонинг шу ерда ҳозир эканлигини билиш — бу марҳаматдир, бироқ Унинг ҳозирлигини *ҳис қилиш* — бу чинакам бахтдир».

Худо Ўз ҳозирлигин қилар намоён:  
Эндиликда Унга сажда қилайлик,  
Ва марҳамат-ла Унинг қошида турайлик.

Бизда фақат ягона У — Худо бор;  
Удир бизнинг Тангри ва Нажоткор,  
Унинг исмин улуғланг асрлар оша.

Биз биландир Худонинг Ўзи,  
Лак-лак фаришталар самода  
Унга ҳайрли хизматин қилар.

*Герхард Терстеген*

## Худонинг содиқлиги

*Эй Қодир Эгам, Сенга олқишлар айтиши ва исмингни улуғлаш, Сенинг севгинг ва марҳаматингни эрта тонгда ва Сенинг содиқлигингни ҳар оқшом ўзимиз учун кашф қилиш қандай яхши. Ерда эканлигида Сенга, Ўзининг Самовий Отасига содиқ бўлгани каби, Сенинг Ўзлинг ҳозирги кунда самода туриб, бизга, Ўзининг ердаги биродарларига садоқатлидир ва биз яқинлашиб келаётган йиллар ва асрларга бўлган умидларимизни ана шу садоқатга боғлаймиз. Омин.*

Юқорида айтиб ўтилганидек, Худо атрибутлари — бу Унинг табиатидаги ажратиб қўйилган қирралар эмас, балки Унинг ягона борлиги хусусиятларидир. Булар шунчаки оддий нарсалар эмас; бу биз Худо ҳақида ўйлашимизга ёрдам берадиган фикр-мулоҳазалар, бир бутунлик аспектлари, биз У ҳақда ҳақиқат деб билган нарсаларнинг атамасидир.

Худо атрибутларини тўғри тушуниб етишимиз учун биз уларни бир бутунлик сифатида кўришимиз зарур. Биз Худонинг ҳар бир хусусияти тўғрисида алоҳида-алоҳида фикр-мулоҳаза юритишимиз мумкин, бироқ уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. «Гарчи Худо ҳақида гапирган пайтимизда биз турлича тасвирлаб, бунинг учун ҳар хил

сўзларни қўлласак-да, Худога тааллуқли ҳисобланадиган ҳамма хусусиятлар аслини олганда, Худонинг бенуқсон оддийлиги туфайли бир-биридан фарқланиши мумкин эмас, — дейди Николай Кузанский. — Шу сабабдан биз Худога нисбатан кўриш, эшитиш, дид, ҳид билиш, сезиш, англаб етиш, ақл-идрок, фаросат ва ҳ.к.з каби сўзларни қўлласак-да, ҳар бир сўзнинг турлича маъносидан қатъий назар, Худога кўриш эшитишдан, ёки диддан, ёки ҳид билишдан, ёхуд сезишдан, ёки англаб етишдан ҳеч нимаси билан фарқ қилмайди. Шунинг учун ҳам эътиқод айланма ҳаракат қилади, чунки Худонинг исталган бир хусусиятини бошқа бири қўллаб-қувватлайди»<sup>1</sup>.

Бирор-бир Худо атрибутини ўрганиш давомида Унинг ҳамма атрибутлари — бир бутун эканлиги равшан бўлиб қолади. Мисол учун, агар Худо Ўз-Ўзидан бор бўлса, у ҳолда бундан Унинг мустақил эканлиги келиб чиқади. Агарда Худо чексиз бўлгани ҳолда куч-қудратга эга бўлса, у ҳолда бу Унинг қудратлилигини билдиради. Агарда Худо билимга эга бўлса, у ҳолда Худонинг чексизлиги Унинг ҳамма билимлар Эгаси эканлигини таъкидлайди. Шунга ўхшаб, Худонинг доимийлиги Унинг содиқлиги шартидир. Худо ўзгармас экан, демак, У садоқатсиз бўла олмайди, чунки бундай қилиш учун Унинг ўзгаришига тўғри келади. Худонинг табиатидаги ҳар қандай нуқсон номукамалликдан дарак берган бўларди, Худо мукамал бўлгани учун эса, бундай бўлиши мумкин эмас. Демак, атрибутлар бир-бирини тушунтириб беради ва улар бор-йўғи мутлақ етук бўлган Худо онгининг шуъласи эканлигини исботлайди.

---

<sup>1</sup> Николай Кузанский. Указ. соч. С.12.

Худо амалга оширадиган ҳамма ишлар Унинг атрибутлари билан тўлақонли мувофиқ бўлади. Бу хусусиятларнинг бири бошқасига қарама-қарши эмас, балки уларнинг ҳаммаси бири-бири билан уйғунлашган тарзда мос келади ва Илоҳий чексизлик қаърида бирлашади. Худонинг барча қилган ишлари Ўзига муносибдир, Худода мавжудлик ҳам ва фаолият ҳам бирдек. Одамлар кўпинча Худони ифода қилишда далилларга зид тарзда, Унинг адолатлилигини Унинг раҳмдиллигидан ажратишга уринишади. Худони аввал Ўз хусусиятларининг бирига, сўнгра иккинчисига мойиллик билдирадиган Зот сифатида кўриш — бу Худони Ўзига ишонмайдиган, заиф ҳамда тутуруқсиз қилиб тасаввур этишдир ва бу ҳолда энди у ҳақиқий Худо эмас, балки бор-йўғи Унинг кўримсиз сояси бўлиб қолади.

Худо қандай бўлса, шундайлигича қолади, Худо ўзгариши мумкин эмас ва бундан келиб чиққан ҳолда, Худо Ўз табиатига зид тарзда ҳаракат қила олмайди. У бир вақтнинг ўзида содиқ ва ўзгармасдир, шу сабабдан Унинг сўзлари ва ишлари садоқатли бўлиши ва бундан кейин ҳам бўлиб қолиши керак. Одамлар қизиқишларини йўқотганлиги оқибатида ёки ташқаридан бўладиган кучли таъсир натижасида хоҳиш-истакларга, қўрқувга, заифликка йўл қўйиб, имонсиз бўлиб қолишади. Ўз-ўзидан маълумки, бу факторларнинг ҳеч бири Худога ўз таъсирини ўтказа олмайди. Худонинг Ўзи Ўзининг қандай эканлиги асоси ва нима қилганлигининг сабабчисидир. Ташқи муҳит шарт-шароитлари Уни ҳеч нарсага мажбур қила олмайди. Худо ҳамиша зарур, деб билган нарсани Ўз номидан, Ўзининг мустақил иродасига кўра гапиради ва ҳаракат қилади.

Менинг фикримча, Жамоат вужудга келган йиллардан бошлаб, то шу пайтга қадар уни азоблаб, қийноққа солиб

келаётган ҳар қандай нотўғри таълимот Худо ҳақидаги нотўғри тасаввурлар натижаси ёки бирор бир ҳақиқатни яширган ҳолда, бошқа бир ҳақиқатга жуда катта аҳамият беришга ҳаракат қилиш оқибати эканлигини исбот қилиш мумкин эди. Бир хусусиятни муболаға қилиб, бошқасини эътибордан четда қолдириш — бу ақиданинг зимистон ботқоқлари сари олиб борувчи йўлдир. Биз эса кўпинча бу йўлга тушиб қолганлигимизни сезмаймиз.

Мисол учун, Муқаддас Китоб Худо — севгидир, деб таълим беради. Баъзи бир кишилар бунга шу қадар урғу бериб, эътибор қилишадикки, натижада Муқаддас Китобда айтиб ўтилган Худонинг адолатлилиги хусусиятини бутунлай инкор қилиб юборишади. Бошқа бир кишилар Худонинг меҳрибонлиги ҳақидаги Муқаддас Китоб таълимотига нисбатан шу тарзда алоҳида аҳамият беришади ва бу ўз навбатида Худонинг муқаддаслигига қарама-қарши чиқа бошлайди. Баъзан улар Худонинг раҳм-шафқатини Унинг ҳақиқатини инкор қилишга мажбур қилишади. Яна кимдир эса Худонинг олий ҳокимиятини шундай тушунадики, унинг тушунчаси Худонинг меҳрибонлиги ва севгисини бутунлай эътиборсиз қолдиради ёки ҳеч бўлмаганда, унинг аҳамиятини кичрайтиради.

Биз Худо Ўзи ҳақида айтган ҳамма нарсага ишонишга журъат қилсакки, ҳақиқатни тўғри тушунишимиз мумкин. Инсон Илоҳий ваҳийда кўрсатилган бўлишига қарамай, ўзининг билмаслиги оқибатида қабул қила олмайдиган Худонинг айрим хусусиятларидан Уни маҳрум қилишга уринади ва бу билан у жуда жиддий жавобгарликни ўз бўйнига олади. Бизнинг орамизда ҳам буни сурбетлик билан қилишга уринган ҳар бир кимса зулматда эканлиги шубҳасиздир.



Бундай қилишнинг эса ҳожати йўқ. Биз ҳақиқатни қандай ёзилган бўлса, шундайлигича қолдиришимиз керак эмас. Худо атрибутлари ўртасида қарама-қаршилиқ йўқ. Худонинг борлиги ягонадир. У қисмларга бўлиниши ва маълум бир вақт давомида Ўзининг бир хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилиб, қолган хусусиятларини ҳаракатсиз қолдириши мумкин эмас. Худо бўлган ҳамма нарса Худонинг жамики қиладиган ишига мувофиқ бўлиши керак. Раҳм-шафқат кўрсатилаётганда адолат, ҳукм чиқараётганда эса — севги бўлиши керак. Худонинг ҳамма атрибутларига ҳам шу каби муносабатда ёндашиш керак.

Худонинг содиқлиги — бу соғлом масиҳийлик эътиқодидан келиб чиқувчи омиллардан биридир. Бу Илоҳий хусусиятни англаб етган имонли киши учун эса содиқлик унинг қалби озуқасига айланиб қолади. Муқаддас Ёзувлар фақатгина ҳақиқат ҳақида таълим бермайди, балки инсониятга бу ҳақиқатни қандай қилиб қўллаш кераклигини ҳам кўрсатиб беради. Худо Рухидан илҳомланган Муқаддас Ёзувлар муаллифлари ҳам биз каби завқ-шавққа тўлган ҳолда оддий ҳаёт кечирувчи кишилардан бўлишган. Бу кишиларнинг Худо ҳақида билганлари улар учун қилич, қалқон ва тўқмоққа айланди; бу нарса улар учун ҳаёти мазмуни, эзгу умиди ва самимий тилаги бўлиб қолди. Эътиқоднинг объектив омиллари туфайли уларнинг юраклари кўплаб қувончли натижаларга эга бўлдилар ва уларни ўзларига нисбатан минг мартага кўллалди. Забур китобида Худога Унинг содиқлиги учун қувончга тўла миннатдорчилик сўзлари кўп мартага янграйди. Янги Аҳд бу мавзунини давом эттиради ва Ота-Худо билан Понтий Пилат ҳузурда эзгу имон ҳақида гувоҳлик берган Унинг Ўғли Исо Масиҳнинг бир-бирларига бўлган садоқатини олқишлайди. Ваҳий китобида эса биз

Ўзининг голиблик нашидаси билан елиб келаётган оқ отдаги Масиҳни кўрамыз. У ерда Масиҳнинг исми Содиқ ва Ҳақ эди.

Масиҳий кўшиқларида Худо атрибутлари ҳам куйланади. Шулардан бири — Илоҳий содиқликдир. Бу хусусиятлар манбага айланиб қолди ва улардан қувонч навоси тўла дарёлар оқиб чиқа бошлади. Мисол учун 1849 йилда нашр қилинган қадимий куй-кўшиқлар тўпламида кўшиқлар номланмаган бўлиб, ҳар бир кўшиқ устида бор-йўғи битта сатр ёзилган. Бу сатр курсив (ёзма ҳарфга ўхшаш босма ҳарф) билан терилган эди: «Худонинг улуг баркамоллиги», «Донишмандлик, улугворлик ва меҳрибонлик», «Ҳамма нарсадан бохабарлик», «Қудратлилик ва доимийлик», «Шон-шухрат, раҳм-шафқат ва марҳамат». Рухий кўшиқлар оқими Жамоат вужудга келган илк асрлардан бошланади. Худонинг баркамоллигига бўлган ишонч бошиданок имонли кишиларда қувончга тўла ишонч ва кўйлаш истагини уйғотган.

Келажакда бизга бериладиган марҳаматга бўлган барча умидимиз Худонинг содиқлигига асосланади. Худо садоқатли бўлгани учун ҳам, Унинг аҳди ва Унинг ваъдалари амалга ошади. Биз Худонинг содиқлигини аниқ билганлигимиз учун ҳам, тинч-хотиржам яшаймиз ва келажак ҳаётни ишонч билан кута оламиз.

Ҳар бир қалб ўзидаги муҳтожликларни ҳисобга олган ҳолда, бу ҳақиқатни ўзига нисбатан қўллаши мумкин. Васвасага тушганлар, безовта бўлаётганлар, қўрқоқлар, афсунадоматда юрганлар — уларнинг барчаси Самовий Отамиз бизга содиқ эканлигини билган ҳолда, янгидан-янги умид ва яхши кайфиятга эга бўлишлари мумкин. Отамиз Худо Ўзи берган ваъдасига ҳамиша содиқдир. Бахтсизлигу мусибатлар юки остида қийналиб, азоб чекаётган Аҳд ўғиллари, Худо

уларни ҳеч қачон Ўз севгиси ва марҳаматидан маҳрум қилмаслигига ва уларга ҳамيشа содиқ қолишига тўла-тўқис ишонишлари мумкин.

Бахтлидир, Исроилнинг Худосига  
Умид қилган ҳар бир инсон;  
У яратди еру-қўкни, денгизни  
Ва уларда яшовчи ҳар жонзотни;  
Унинг ҳақиқати абадий қолар мустаҳкам:  
У қутқарар мазлумларни, қашшоқларга берар овқат,  
Ва ҳеч ким учун бажарилмай қолмас ваъдаси.

*Айзек Уоттс*

## Худонинг меҳрибонлиги

*Ўз марҳаматинг дариг тутмаган ҳолда бизга меҳрибонлик қилгин, Эй Раббим. Бизга нисбатан биз лойиқ ва сазовор бўлган муносабатда эмас, балки Сенга, Худога маъқул келадиган муносабатда бўлгин. Шундай бўлса, бу дунёда ҳам, келажакдаги дунёда ҳам биз ҳеч нарсадан қўрқмаймиз. Омин.*

Меҳрибон сўзи турли одамлар учун шунчалик кўп маъно касб этадики, Худо меҳрибонлигини бу тарзда қисқача ўрганиш таърифдан бошланади. Бу сўзнинг маъносини фақат турли йўллар билан бир тўхтамага келиб-кетган ҳолда, кўп сонли синонимлардан фойдаланибгина тушуниш мумкин.

Масиҳийлик эътиқоди Худо меҳрибон, деб таърифлаган пайтда, Унинг ҳақиқатгўй ёки муқаддаслигига қараганда қандайдир бошқа нарса ҳақида сўзлайди. Худонинг муқаддаслиги самода баландпарвоз тарзда улуғланади ва бу улуғланишнинг акс-садоси — Худо ҳар гал Ўзини одамларга намоён қилган пайтда янграйдиган ер юзидаги руҳонийлар ва донишмандлар овозидир. Бироқ биз ҳозир Худонинг муқаддаслигини эмас, балки Унинг меҳрибонлигини кўриб чиқаяпмиз, бу эса бутунлай бошқа нарсадир.

Худонинг меҳрибонлиги — бу Уни меҳр-шафқатли, самимий, мурувватли бўлишга ва одамларга нисбатан эзгу

тилаклар билан тўлиб тошишга ундайдиган фазилатдир. Худонинг қалби шафқат ва хайрихоҳликни ифодалайди ва Унинг жамики онгли мавжудотларга нисбатан муносабати доимо очиқ, самимий ва дўстона тарзда бўлиб қолаверади. Ўз табиатига кўра Худо одамларга ҳузур-ҳаловат беради ва Ўз халқининг бахт-саодатидан Унинг қалби шодликка тўлади.

Муқаддас Китобнинг ҳар бир саҳифасида Худонинг меҳрибонлиги ҳақида бевосита ва билвосита гапириб ўтилади ва бу нарсани Худо тахтидек мустаҳкам имоннинг таркибий қисми сифатида тушуниш керак. Бу Худо ҳақидаги ҳар қандай соғлом фикрнинг асосий пойдевори ва маънавий соғломликнинг зарурий шартидир. Худо меҳрибон бўлолмаслиги мумкин, деб фикрлаш — бу ҳар қандай фикр-мулоҳазани қадрсиз қилиш ва охир-оқибатда ҳар қандай маънавий мушоҳадани инкор қилиш демакдир. Агар Худо меҳрибон бўлмаса, у ҳолда меҳр-шафқат ва бешафқатлик ўртасида фарқ қолмайди ва само дўзахга, дўзах эса самога айланиши мумкин.

Худонинг меҳрибонлиги — бу шундай бир механизмки, у Худонинг ҳар куни бизга кўрсатадиган барча марҳаматларини ҳаракатга келтиради. Худо Ўз қалбида меҳр-шафқатли бўлганлиги учун ҳам бизни яратди ва айнан шу сабабга кўра ҳам У бизнинг гуноҳларимиз учун тўлов тўлади.

Бундан олти юз йил аввал яшаб ўтган Юлианна Норвичская, ҳар қандай ҳузур-ҳаловатнинг асоси — Худонинг меҳрибонлиги эканлигини аниқ кўра олган. Унинг бағоят ажойиб ва таъсирли бўлган, «*Илоҳий севги ваҳийси*» деб номланувчи машҳур китобчасининг олтинчи боби қуйидаги сўзлар билан бошланади: «Бу нарса бизнинг қалбларимизга Худонинг меҳрибонлиги сари ўзи учун донолик билан йўл очишни ўргатиш учун кўрсатилган эди». Сўнгра муаллиф Худонинг биз

учун амалга оширган бир қанча ишларини санаб ўтади ва уларнинг ҳар бири кетидан: «Ўз меҳрибонлиги туфайли» дея қўшиб қўяди. У имон билан қилган жамики фаолиятимиз ва меҳрибонлик намоеън қила олишимиз, қанчалик тўғри ва фойдали бўлмасин — Худо бажарадиган ҳамма ишларнинг ортида Унинг хизматларидан қатъий назар, одамларга нисбатан кўрсатадиган мислсиз меҳрибонлиги туришини тушуниб етмагунимизча, улар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Худонинг меҳрибонлиги Худо хусусиятларидан бири сифатида Худонинг Ўзидан бошқа сабабга эга эмасдир. У чексиз, мукамал ва абадийдир. Худо доимий бўлганлиги учун, У ҳеч қачон Ўз севгиси ва меҳрибонлиги даражасини ўзгартирмайди. Худо ҳеч қачон ҳозиргига қараганда кўпроқ меҳрибон бўлмаган ва У ҳеч қачон камроқ меҳрибон бўлмайди. У алоҳида шахсларга нисбатан ҳурмат-эътибор кўрсатмайди, аксинча, Ўз қуёши нурларини ёмонлар узра ҳам, яхшилар узра ҳам сочади ва ҳақларнинг ҳам, ноҳақларнинг ҳам бошига бирдек ёмғир юборади. Худонинг меҳрибонлиги асоси — Унинг Ўзидадир. Худонинг марҳаматига эришганлар қилган хизматларидан ва Худонинг меҳрибонлигини қай тарзда қайтаришларидан қатъий назар, Унинг хайр-саховатига эга бўладилар.

Ақл-идрок бунга, гарчи инсон феъл-атвори ўта яхши ва бекнуқсон бўлган тақдирда ҳам, асос бу феъл-атворда эмас, деб тан оладиган маънавий донишмандлик каби қўшилади. Бизнинг кутишларимиз асосида ҳаммиша Худонинг меҳрибонлиги ётади. Гарчи зарур ҳисоблансада, гуноҳларига тавба қилиш инсон учун хизмат эмас, балки Худо Ўзининг меҳрибонлиги туфайли берадиган кечиримнинг марҳаматли инъомини қабул қилиш шарти ҳисобланади. Ибодат ўз-ўзидан хизмат

ҳисобланмайди. Ибодат Худони ҳеч нарсага мажбурлай олмайди ва Уни ҳеч кимнинг олдида қарздор қилиб қўймайди. Худо ибодатни меҳрибон бўлганлиги учун эшитади, бошқа ҳеч қанақанги сабаб туфайли эмас. Шунингдек имон ҳам инсон учун хизмат эмас. Бу шунчаки Худонинг меҳрибонлигига бўлган ишончдир, ишончнинг йўқлиги эса — Худонинг муқаддас табиатини қоралаш демакдир.

Агар одамлар дўстона муносабатдаги само остида яшаётганликларига ва самодаги Худо Ўзининг қудратлилиги ва улуғворлигига қарамай, бизга дўст бўлишни истаётганлигига ишонганларида, уларнинг дунёга нисбатан қарашлари ўзгариши мумкин эди.

Бироқ гуноҳ бизни журъатсиз ва тортинчоқ қилиб қўйди ва бунинг ҳеч бир таажубланарли жойи йўқ. Худога қарши исён даври бизда бир кунда енгиш мумкин бўлмаган қўрқувни вужудга келтирди. Ҳибсга олинган исёнчи узоқ вақтгача ва муваффақиятсиз ҳаракатлари билан ўзи ағдармоқчи бўлган шохнинг ҳузурига ўз ихтиёри билан кира олмайди. Бироқ исёнчи ҳақиқатан ҳам тавба қилган бўлса, фақатгина Ўз Тангриси севгиси ва меҳрибонлигига ишонган ҳолда Унга яқинлашиши мумкин ва ўтмишда қилган жинояти учун ҳеч ким уни айбламайди. Жаноб Эххарт бизга Худо ҳузурига қайтган пайтимизда қилган гуноҳларимиз жамики инсонлар соничалик даражада кўп бўлса ҳам, Худо бу гуноҳларимизни юзимизга солмаслигини, аксинча, бизга нисбатан биз гўёки ҳеч қачон гуноҳ қилмагандек қаттиқ ишонч билан муносабатда бўлишини эслатган ҳолда руҳиятимизни кўтаради.

Ўтмишдаги гуноҳларига қарамай, Худо билан самимий ярашмоқчи бўлган инсон эҳтиётлик билан: «Агар мен Худонинг ҳузурига келсам, У Менга нисбатан қандай муносабатда

бўлар экан? Унинг кайфияти қандай бўлиши мумкин? Мен Уни қай ҳолатда кўрарканман?» — деб сўраши мумкин.

Худо албатта, Исо каби бўлади. «Мени кўрган Отамни кўрган бўлади» (Юҳан. 14:9), — деган эди Исо. Масиҳ одамларга Худонинг қандай эканлигини кўрсатиш учун ва Худо ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлган кишиларга Худонинг ҳақиқий табиатини очиб бериш учун ер юзиде улар билан бирга бўлди. Бу Масиҳнинг танада мужассам бўлганида бажарган ишларидан бири эди, холос. Бироқ У буни ажойиб тарзда амалга оширди.

Худонинг одамларга нисбатан муносабатини биз Масиҳда билиб олдик. Турган-битгани риёкорликдан иборат бўлган иккиюзламачилар қачонлардир Масиҳни кўрганлари каби, Худони ҳам совуққон ва бегонадек кўрадилар. Аммо тавба қилганлар эса Уни раҳмдил деб биладилар; ўз-ўзини ҳукм қиладиганлар Худони мурувватли ва меҳрибон ҳисоблайдилар. Худо кўрққанлар учун меҳрибон, руҳан камбағаллар учун — марҳаматли, билмайдиганлар учун — хушмуомала, заифлар учун — нозик, ажнабийлар учун — меҳмондўстдир.

Худога нисбатан шахсий муносабатимизга қараб, У бизни қандай қабул қилиши мумкинлигини аниқлай оламиз. Гарчи Худонинг меҳрибонлиги чексиз ва улкан самимийлик оқими каби бўлса-да, Худо бизга нисбатан Ўз эътиборини қаратмайди. Агар биз дарбадар ўғил каби яхши қабул қилинишимизни истасак, у ҳолда ана шу дарбадар ўғил каби қайтиб келишимиз керак. Биз шу тарзда қайтиб келган пайтда эса, эшик ортида турган фарзийлару тавфсирчилар тиш ғижирлатсалар ҳам, барибир ичкарида бизнинг қайтиб келганлигимиз шарафига базм давом этади ва Ота Ўз фарзандини бағрига босганида куй-қўшиқ ва ўйин-кулгилар бўлди.



Худонинг улуғворлиги бизда қўрқув ҳиссини ўйғотади, бироқ Унинг меҳрибонлиги Ундан қўрқмаслигимиз учун имкон беради. Қўрқувда бўлатуриб, қўрқмаслик — имон-эътиқоднинг парадоксидир (парадокс — умум томонидан қабул қилинган фикрдан кескин фарқ қиладиган ёки тўғри, соғлом фикрга қарама-қарши бўлган ўзига хос бир фикр).

Эй, Тангрим! Самодадир умидим ва тинчлигим,  
Ерда эса менинг бутун бир бахтим.  
Жавоб бергин менинг илтижоимга,  
Менга, менга кўрсат меҳрибонлигинг;  
Абадий куннинг нури бўлган,  
Ўзингнинг марҳаматли жамолинг кўрсат.

Имонининг нурга тўлган кўзи олдидан,  
Ўтсин Сенинг бутун бир меҳрибонлигинг;  
Меҳр-шафқатингни мен юқори қўяман,  
Қани энди жилмаяётган жамолинг кўрсам,  
Қалбимга Ўз табиатинг ҳақида сўзлаб бергин,  
Ўз севгингни, улуғ исмингни намоён қилгин.

*Чарлз Уэсли*

## Худонинг адолатлилиги

*Отажон, биз Сени адолатли бўлганинг учун ҳам севамиз. Биз Сенинг ҳукмларинг тўла-тўкис ҳақиқат ва адолатли эканлигини тан оламиз. Сенинг адолатли эканлигинг бутун Борлиқда тартибни ушлаб туради ва Сенга ишонганларнинг хавфсизлигига кафолат беради. Биз яшаймиз, чунки Сен адолатли ва марҳаматлисан. Ўзининг ҳар бир йўларида адолатли ва ҳар бир ишида муқаддас бўлган Қодир Эгам, Сен муқаддас, муқаддасдирсан. Омин.*

Худо Руҳидан илҳомланиб ёзилган Муқаддас Ёзувларда адолатлилик ва ҳақлик бир-бирида жуда кам фарқ қилади. Асл нусхадаги бир сўзнинг ўзи инглизчага айрим ҳолларда «адолатлилик», айрим ҳолларда эса «ҳақлик» деб таржима қилинади (эҳтимол, бу нарса таржимоннинг танлашига қараб юз бериши мумкин).

Эски Аҳдда Худонинг адолатлилиги тушунарли ва бой тил билан шу қадар ажойиб ифодалаб берилганки, инсоният адабиётида бундан ортиқроғи топилмайди. Садўмнинг вайрон қилиниши ҳақида эълон қилинган бир пайтда, Иброҳим Худонинг одамлар учун фавкулудда бўлган бу вазиятда Ўзига муносиб тарзда, адолат билан иш тутишига умид қилиб, бу шаҳарда яшайдиган солиҳ одамларни ҳимоя қилиб чиқди: «Асло,

солиҳни ёвуз билан бирга қириб ташлама! Солиҳ билан ёвуз-нинг қисматини баробар тутиш ҳеч ҳам Сенга муносиб иш эмас. Сен бутун ернинг Ҳокимисан, шак-шубҳасизки, Сен адолат билан ҳукм қиласан» (Ибт. 18:25).

Санолар муаллифлари ва Исроил пайғамбарлари, Худони улуғвор ва адолатли бўлган қудратли ҳоким, деб тасаввур қилганлар. «Булутлар ва зулумот Унинг атрофидадир, ҳаққоният ва адолат тахтининг асосидир» (Забур саноси 96:2). Узоқ вақтлар мобайнида келиши кутилган Масиҳ ҳақида, У одамларни одилона ҳукм қилади ва ночорларга адолатли бўлади, деб башорат қилганлар. Бошқа одамларга нисбатан меҳрибонлик ва хайрихоҳликка тўлиб-тошган муқаддас кишилар дунёвий ҳукмдорларнинг адолатсизлигидан нафратланган ҳолда: «Ё Худовандо, интиқомлар Тангриси! Ё интиқомлар Тангриси, зуҳур этгин! Кўтарилгин, эй ерни Ҳукм қилувчи, мағрурларнинг жазосини бергин! Қачонгача бетавфиқлар, эй Худованд, қачонгача бетавфиқлар тантана қиладилар?» (Забур саноси 93:1-3) — дея ибодат қилганлар. Бу ибодатни ўзи учун қасос олиш илтижоси эмас, балки инсоният жамиятида маънавий адолатнинг ғалаба қозонишини кўриш истаги, деб тушуниш керак.

Довуд ва Дониёл каби одамлар Худонинг ҳақлиги билан таққослаган ҳолда ўзларининг ноҳақликларини тан олганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг тавба ибодатлари катта куч ва таъсирга эга бўлган. «Ҳақиқат Сенда, Худовандим, бизда эса фақат иснод» (Дон. 9:7). Шу пайтгача кучга кирмаган Худонинг ҳукми дунёга тушиб келган пайтда, Юҳанно гўё олов аралаш ойнадан ясалган бир денгиз юзида турган, ғалаба қозонган фаришталарни кўради. Улар Худонинг чангларини қўлига олиб, Мусо ва Қўзининг куйини қўйлашади ва бу куй — Худонинг

адолатлилиги, деб аталади. «Ё Раббий, Тангри Таоло, ҳар нарсага қодир Сарвари коинот! Сенинг ишларинг буюк ва ажойибдир. Эй элу халқлар Подшоҳи! Сенинг йўлларинг тўғри ва ҳақдир. Эй Худованди карим! Ким чўчимас экан Сендан? Ким удуғламас экан исмингни? Зеро ёлғиз Ўзинг муқаддассан. Жамики эллар ҳузурингга келиб, Сенга бош эгиб сажда қилгайлар. Барчага аён бўлди одил ҳукмларинг» (Ваҳий 15:3-4).

Адолат маънавий тенглик ғоясини гавдалантиради. Тенгсизлик эса — бевосита қарама-қарши нарса бўлиб, у инсон ўй-фикрлари ва ишидаги тенгликнинг мавжуд эмаслигидир. Ҳукм — бу маънавий ҳолатларга нисбатан адолат ва тенгликнинг қўлланилишидир. Бу ҳукм эса ҳукм қилинаётган киши ўз қалбида ва ҳатти-ҳаракатида ҳақ ёки ноҳақ бўлганлигига қараб, унга нисбатан муруватли бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин.

Баъзан, гўёки биз Худонинг мақсадларини олдиндан билиб тургандек: «Худонинг шундай қилишини адолат талаб қилаяпти», деб айтишади. Бу ҳам ўй-фикрдаги, ҳам сўзимиздаги хатодир. Негаки, бу ерда Худога боғлиқ бўлмаган адолат принципи эмас, балки Ўзини маълум бир тарзда тутишга Худони мажбур қилувчи адолат принципи илгари сурилган. Албатта бундай принцип мавжуд эмас. Агарда мавжуд бўлганида, бу принцип Худодан юқори бўлар эди. Фақатгина олий ҳокимият бўйсунитишни талаб қилиши мумкин. Ҳақиқат шундан иборатки, Худо табиатидан ташқарида Худога заррача бўлса-да, ўз таъсирини ўтказиши мумкин бўлган ҳеч нарса мавжуд эмас ва мавжуд бўлолмайди ҳам. Худонинг жамики ўй-фикрлари Унинг яратилмаган борлигидан келиб чиқади. Худонинг абадий борлигига ҳеч нарса кирмаган, Ундан ҳеч нарса олинмаган ва Унда ҳеч нима ўзгартирилмаган.

Худога нисбатан қўлланиладиган адолатлилик — бу атamani Худо бўлган нарсага берамиз, ундан ортиғига эмас, шунингдек, Худо адолат билан ҳаракат қилган пайтдагина Уни адолатли, деб атаймиз. Худо қандайдир эркин критерийга мувофиқ бўлиши учун адолатлилик қилмайди, балки ушбу ҳолда қандай йўл тутиш керак бўлса, шуни бажаради. Олтин ўз-ўзидан кимёвий модда ҳисобланади ва у ҳеч қачон ўзгармайди, ҳеч қандай реакцияга киришмайди, уни қаердан топишларидан қатъий назар, ҳамиша олтинлигича қолади. Худди мана шу олтин каби Худо ҳамиша Ўз Борлиғида ягона бўлган Худолигича қолади ва У ҳеч қачон Ўзидан бошқа кимдир бўлиши мумкин эмас. Коинотдаги жамики нарса Худонинг табиатига қай даражада мувофиқ бўлса, шу даражада яхши ва қанчалик мувофиқ бўлмаса, шунчалик ёмондир. Худо — бу Унинг маънавий адолатлилигининг шахсий эркин принципи бўлиб, Худо фосиқларга ҳукм чиқарганда ва солиҳларни мукофотлаганда, Ўзидаги ички бир туйғу билан, фақатгина Ўзига итоат қилган ҳолда ҳаракат қилади.

Буларнинг ҳаммаси Худога қайтиб келган гуноҳкорнинг оқланишига бўлган умидни йўққа чиқараётгандек туюлади (туюлади холос). Кентерберий архиепископи руҳоний Ансельм Худонинг адолатлилиги ва меҳрибонлиги ўртасидаги бу зиддиятдек кўринган муносабатни ҳал этиш йўлларини излаган. «Агар Сен тўла-тўқис адолатли, адолатлилар-адолатлиси бўлсанг, — деб Худодан сўрайди у, — қандай қилиб ёвузларга меҳр-шафқат кўрсатяпсан?»<sup>1</sup> Сўнгра Худодан жавоб кутиб, Унга кўз тикади. Жавоб эса Худонинг Ўзидан иборат эканлигини Ансельм билар эди. Ансельм олган жавобни қуйидагича

---

<sup>1</sup> Муқ. Ансельм. Указ.соч. С.14.

ифодалаш мумкин: Худонинг борлиги ягонадир; У ўзаро уйғун ҳаракатдаги қисмлардан иборат эмас, балки ягонадир. Худонинг адолатлилигида Унинг раҳмдиллигига тўсиқ бўладиган ҳеч нарса йўқ. Худони қонунларга амал қилишга мажбур бўлган, кўз ёшларию минг бир узрлар билан инсонга ўлим ҳукмини чиқараётган қандайдир меҳрибон қози деб билиш — бу чинакам Худо ҳақида номуносиб фикр юритиш демакдир. Худо ҳеч қачон Ўз-Ўзига қарши чиқмайди. Худонинг ҳеч бир хусусияти қандайдир бошқа хусусияти билан зиддиятли муносабатда бўлмайди.

Худонинг хайрихоҳлиги Унинг меҳрибонлигидан келиб чиқади. Адолатсиз меҳрибонлик эса — меҳрибонлик эмасдир. Худо бизга раҳм-шафқат кўрсатади, чунки У меҳрибондир. Бироқ, агар Худо адолатли бўлмаганида меҳрибон ҳам бўла олмас эди. Масиҳий файласуфи Ансельм қуйидаги хулосага келади: Худо ёмон одамларни фақатгина жазога муносиб бўлганлари учунгина жазолайди; Худо ёмон одамларга шафқат кўрсатганида эса, бу нарса фақатгина Унинг меҳрибонлиги туфайли юз беради. Шундай қилиб, У ўта меҳрибон Худо каби, Ўзига муносиб ишни бажаради. Асосий сабаб ҳам мана шунда ва фақат инсон уни Худога ишонгачгина англаб етиши мумкин.

Гуноҳларни ювиш ҳақидаги масиҳийлик таълимоти Худо қай тарзда адолатли бўладию, аммо шунга қарамай, барибир адолатсизларни оқлаши мумкинлигини жуда содда йўл билан тушунтиради. Айнан Масиҳнинг гуноҳни ювиш учун қилган қурбонлиги туфайли адолат оёқ ости қилинмайди, аксинча, Худо гуноҳкорга шафқат кўрсатган пайтда унга амал қилинади. Эътиқоднинг таълим беришича, то адолат ўз ишини амалга оширмагунча, раҳм-шафқат ўз самарасини бермайди. Масиҳ бизнинг ўрнимизда хочда жон берган пайтда, гуноҳ учун

адолатли жазо амалга оширилган эди. Оддий одам учун бу ҳодисанинг ҳеч қандай аҳамияти бўлмаслиги мумкин, имонли кишига эса у қувонч бағишлайди. Миллионлаб кишилар бу хабар туфайли ахлоқан ва руҳан ўзгардилар, буюк маънавий кучқудрат амалга оширган ҳаётда яшаб ўтдилар ва бу хабарга ишонган ҳолда хотиржамлик билан ҳаётдан кўз юмдилар.

Амалга ошган адолат ва кўрсатилаётган меҳрибонлик ҳақидаги хабар — шунчаки ёқимли эътиқод назарияси эмас. Бу хабар инсоният муҳтож бўлганлигидан заруриятга айланган ҳодиса ҳақида эълон қилади. Ўз гуноҳларимиз учун бизнинг ҳаммамиз ўлимга маҳкум эдик. Агарда суд бизнинг маънавий ахлоқимиз ҳолатини кўриб чиққанида, суд шундай қарорга келиши турган гап эди. Чексиз адолат бизнинг узоқ давом этган ва ўйлаб қилинган адолатсизлигимизга дуч келган пайтда, уларнинг ўртасида шафқатсиз кураш юзага келди. Бу курашда Худо енгиб чиқди ва енгиб чиқиши ҳам керак эди. Аммо гуноҳларига тавба қилаётган гуноҳкор нажот излаб ўзини Масих бағрига отган пайтда, маънавий ҳолат тескари томонга ўзгаради. Адолат ўзгарган ҳолат билан тўқнашади ва имонли кишини солиҳ, деб эълон қилади. Шундай қилиб, адолат ўз-ўзидан Худога ишонувчи Худо фарзандлари томонига ўтади. Айнан шунда ҳаворий Юҳаннонинг жасоратли сўзлари аҳамияти ўз ифодасини топган: «Агар гуноҳларимизни эътироф этсак, Худо гуноҳларимиздан ўтади ва бизни ҳар турли ноҳақликдан фориғ қилади. Чунки У Ўз сўзида содиқ ва адолатлидир» (1 Юҳан. 1:9).

Бироқ Худонинг адолатлилиги ҳамиша гуноҳкорга қарши йўналган бўлади. Худо ўта меҳрибон бўлганлиги учун худосизларни жазолай олмайди, деган ноаниқ ва хаёлий умид миллионлаб кишиларнинг виждони учун ўлимга олиб келувчи оғу

бўлиб қолди. Ўлим кун сайин яқинлашиб келаётган, тавба қилиш учун айтилган даъватга эса эътибор берилмаётган бир пайтда, бу нарса улардаги қўрқувни босади ва ўз хузур-ҳаловатлари учун истаган ноҳақликларни қилишларида уларга имконият беради. Агар биз жавобгар ва онгли мавжудотлар бўлсак — биз ўзимизнинг абадий келажагимизга нисбатан бу қадар енгилтаклик билан қарай олмаймиз.

Исо Сенинг қонинг ва адолатлигинг -  
Менинг гўзаллигим, менинг либосимдир;  
Бу либосларда ловуллаётган дунё ичра  
Мен қувонч ила баланд кўтарарман бош.  
Жасоратла тураман Сенинг буюк кунингда;  
Ким мени бирор нарса билан айблай оларкан?  
Шу туфайлигина мен тўла-тўкис кечирилганман -  
Меңдаги гуноҳ ва қўрқув, айб ва уят кечирилгандир.

*Граф Н.Л. фон Цинцендрoф*



## Худонинг раҳмдиллиги

*Муқаддас Ота, Сенинг донолигинг бизни ҳайратга солади, қудратингдан эса биз қўрқувга тушамиз. Сенинг ҳар ерда ҳозирлигинг ернинг ҳар бир парчасини муқаддас жойга айлантиради; Кул ўрнига гўзаллик, аза-мусибат ўрнига қувонч малҳами, оғир гам-ташвиш руҳи ўрнига — олқишлар либоси бериш учун бизнинг энг катта муҳтожликларимизгача етиб борадиган Сенинг раҳмдиллигинг учун қандай қилиб етарлича миннатдорчилик билдиришимиз мумкин? Сенинг раҳмдиллигингни Исо Масихга миннатдор бўлган ҳолда марҳаматлаймиз ва олқишлаймиз. Омин.*

Биз зулмат фарзандлари абадий аҳд қони орқали ниҳоят нурдаги ўз уйимизга эришар эканмиз, бизнинг чангларимизда минглаб тор бўлади, бироқ уларнинг ичида энг яхши янграйдигани Худонинг раҳмдиллигини олқишлаш учун тортилган торлар бўлади.

Бироқ қайси ҳуқуқларимизга кўра биз у ерда бўламиз? Ахир биз, ўз гуноҳларимиз билан улугвор Яратувчи Шоҳни ўйламасдан туриб, ағдариб ташлашга ҳаракат қилган ҳолда, виждонсизларча қилинган исёнда иштирок этмадикми? Биз ўтмишда ҳозир итоатсизлик фарзандларини йўлдан ураётган, ернинг шоҳи бўлган, маккор руҳ иродасига бўйсунган ҳолда,

дунёвий йўллардан юрмадикми? Биз танамизнинг хоҳиш-истаклари билан яшамадикми? Ўз табиатимизга кўра биз бошқа одамлар каби нафрату ғазабнинг болалари эмасмизми?

Энди эса, қачонлардир Худога душман ва бегонадек бўлган бизлар Унинг қаршисида тиз чўкамиз ва бизнинг оғзимиздан Унинг исми тушмайди. Биз қувғинга лойиқ бўлганлар, Худо билан мулоқот қилишдан хузур қиламиз, биз дўзах азобларига муносиб бўлганлар самонинг хузур-ҳаловатидан роҳатланамиз. Буларнинг ҳаммаси Тангримизнинг мурувватли раҳмдиллиги туфайлидир. Айнан шу раҳмдиллик ёрдамида самонинг тонг нурлари бизни қоплаб олди.

Сенинг бутун раҳмдиллигингни, эй Тангрим,  
Юқорига юксалаётган қалбим кўрганда,  
Бу манзарага лол қолган ҳолда,  
Мен ҳайратта, севги ва олқишлашга бериламан.

*Жозеф Эддисон*

Раҳмдиллик — Худонинг атрибути бўлиб, Худони хайрихоҳликка ундовчи, Илоҳий табиат ичидаги чексиз ва битмас-туганмас қувватдир. Эски Аҳдда ҳам, Янги Аҳдда ҳам Худонинг раҳмдиллиги улуғланади, бироқ Эски Аҳдда бу ҳақда Янги Аҳдагига қараганда тўрт маротаба кўп гапирилган.

Биз, раҳмдиллик ва мурувват Жамоат Тангриси учун хос бўлгани каби, адолатлилик ва одилона ҳукм Исроил Худосига хосдир, деган кўпчилик томонидан қабул қилинган, бироқ хато тасаввурни ўз онгимиздан бутунлай чиқариб ташлашимиз керак. Аслини олганда, бу ерда Эски Аҳд ва Янги Аҳд ўртасида принципиал фарқ мавжуд эмас. Янги Аҳднинг Муқаддас Ёзуварларида гуноҳларнинг ювилиши ҳақидаги ҳақиқат

тўлиқроқ очиб берилади, бироқ Муқаддас Ёзувларнинг ҳар иккала қисмида ҳам Худонинг Ўзи гапиради ва Унинг гапирганларининг ҳаммаси Ўзига муносиб тарздадир. Худо қачон ва қачонда одамларга зоҳир бўлмасин, У Ўзига ўхшаб ҳаракат қилади. Адан боғидами ёки Гетсемания боғидами, Худо бирдек раҳмдил ва адолатлидир. Худо ҳамиша инсониятга нисбатан раҳмдил бўлган ва раҳмдиллик намоён қилган ҳолда, ҳар доим адолатли бўлади. Худо ер юзини тўфон босгунга қадар ҳам шундай қилган, шунингдек, Масиҳ одамлар орасида юрганида ҳам шундай бўлган; У ҳозир ҳам шундай қилаёпти ва бундан кейин ҳам шундай қилади, чунки У — Худодир.

Агар Илоҳий раҳмдиллик — вақтинчалик ҳис-туйғу эмас, балки Худонинг абадий борлиғи хусусиятларидан бири эканлигини тушуна олганимизда эди, биз қачонлардир бу раҳмдиллик ниҳоясига етади, деб қўрқувга тушмаган бўлар эдик. Раҳмдиллик ҳеч қачон бошланмаган, у ҳамиша мавжуд бўлган ва ҳеч қачон ниҳоясига етмайди. Раҳмдиллик ҳеч қачон кўпайиши мумкин эмас, чунки у ўз-ўзидан чексиздир ва у ҳеч қачон камаймайди, чунки чексиз нарсанинг камайиши мумкин эмас. Самода, ёки ер юзида, ёхуд дўзахда юз берган ёки юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай нарса Тангримизнинг раҳм-шафқатини ўзгартириши мумкин эмас. Худонинг раҳмдиллиги абадий — чексиз, Илоҳий шафқатининг беҳисоб кенглиги ва Илоҳий хайрихоҳлик бўлиб қолаверади.

Ҳукм — бу маънавий ноҳақлик қаршисидаги Худонинг адолатлигидир, раҳмдиллик эса — бу одамларнинг азоб-уқубатлари ва гуноҳлари қаршисида турувчи Худонинг шафқатидир. Дунёда гуноҳ, ғам-андух ва кўз ёшлари бўлмаган тақдирда ҳам, Худо барибир чексиз раҳм-шафқатли бўлиб қолаверар эди. Бироқ Худонинг раҳмдиллиги Унинг қалбига

яширинган ҳолда ва У яратган Коинотга номаълум бўлиб қолиши мумкин эди. Раҳмдилликка муҳтожлик бўлмагач, уни улуғлаш учун бирорта ҳам овоз янграмаган бўлар эди. Инсоннинг бахтсизликлари ва гуноҳлари Худонинг раҳмдиллигини келтириб чиқаради.

Асрлар давомида Жамоат «*Тангрим, раҳм қил! Масиҳ раҳм қил!*» — дея илтижо қилиб келди. Бироқ, адашмасам, мен бу илтижода ғамгинлик ва афсус-надомат оҳангини эшитаман. Илтижо қилаётганлар гўёки барча шарт-шароитларга тан бериб, умидсизликка тушиб қолгандек, тез-тез такрорланиб турадиган бундай оҳангдаги илтижоли фарёд, кишини эҳтимол улар эришишларига ҳеч қачон кўзлари етмайдиган инъом ҳақида ибодат қилаётгандир, деб ўйлаб қолишга мажбур қилади. Жамоат бурчни бажариш, деб билган ҳолда Худонинг улуғворлиги ҳақида куйлаши ва имон рамзини кўп марталаб ўқиши мумкин. Аммо раҳмдиллик гўёки — фақат орзу қилиш мумкин бўлган, бироқ ҳеч қачон ундан фойдаланиб бўлмайдиган самовий инъомдек, унинг раҳмдиллик ҳақидаги илтижоси жуда заиф умиддек бўлиб чиқиши мумкин.

Балки биз ишонмаганлигимиз ёки билмаганлигимиз туфайли бизга кўрсатилаётган раҳмдилликнинг ҳақиқий қувончига эриша олмаётгандирмиз?

Қачонлардир Исроил халқи билан ҳам худди шундай воқеа юз берган эди. Ҳаворий Павлус Исроил халқи ҳақида: «Уларнинг Худо йўлида ғайратлари борлигига гувоҳдирман. Бироқ бу ғайрат ҳақиқий тушунчага асосланган эмас» (Рим. 10:2), — деб айтган эди. Исроил халқи Худони тушунмади, чунки фарқни англаб етишга имкон берадиган бирдан-бир нарсани билолмади. Чўлдаги Исроил ҳақида эса Ибронийларга Мактубнинг муаллифи шундай деб айтади: «Аммо улар эшитган

сўзларини имон билан қабул қилмагани учун фойдаси бўлмади» (Ибр. 4:2). Раҳмдилликни тушуниб етиш учун, биз аввалоси Худонинг раҳмдил эканлигини билиб олишимиз керак. Шунингдек, Худонинг қачонлардир Нухга, Иброҳимга ёки Довудга раҳмдиллик қўрсатганига ва қачонлардир келажақдаги бахтли кунларнинг бирида У яна раҳмдиллик қилишига ишонишнинг ўзигина етарли эмас. Биз Худонинг раҳмдиллиги chegarасиз, эркин эканлигига ва бизнинг ҳозирги вазиятимизда Раббимиз Исо Масиҳ орқали биз учун имконли эканлигига ишонишимиз керак.

Биз бутун ҳаётимиз давомида раҳм-шафқат ҳақида ишончсизлик билан ибодат қилишимиз мумкин ва умримиз охирида қаердадир, қачонлардир бу раҳм-шафқатни олишимизга маъюслик билан умид қиламиз. Бу бизни чин дилдан тақлиф қилишган базмхона ёнида бўлатуриб, очдан ўлиш дегани билан баробардир. Шундай бўлишини истамасак, биз имон билан Худонинг раҳмдиллигига ишонишимиз, базмхонага кириб, ўзлари учун тўкин ноз-неъматлар тайёрланган базмхонага киришларида журъатсизлик ва ишончсизликнинг тўсқинлик қилишига йўл қўймайдиган, довюрак ва очофат қалблар билан ёнма-ён ўтиришимиз мумкин.

Турақол, менинг қалбим, ўрнингдан тур;  
Ўзингдан айбдорлик қўрқувини қоқиб ташла;  
Бўғизланган Қурбонлик  
Мен учун келади:  
Тахт қошида турар менинг Ишончим,  
Менинг исмим ёзилгандир Унинг қўлларида.

Менинг Тангрим юз-хотирчилик қилмас;  
Мен Унинг кечирувчи овозини эшитаяпман:

Мен худди фарзанди каби Унга тегишлиман;  
Мен бошқа қўрқмаслигим мумкин:  
Ишонч билан Унга яқинлашаман  
Ва ҳайқираман: «Ота, Отажон!» — деб.

*Чарлз Уэсли*

## Худонинг марҳамати

*Ўй-хаёллари биз ҳақимиздаги ёмонликларга эмас, балки тинчлик-хотиржамликка тўлган марҳамат Худоси, бизга Севгучи томонидан қабул қилинганимизга ишона оладиган юрак бер. Шунингдек бизга самони бус-бутун сақлай олиш ва у ерда бизни қабул қилиш йўлини топган маънавий донишмандлик мукаммалиги билан завқлана оладиган ақл-идрок ҳам бергин. Шу қадар муқаддас ва қўрқинчли бўлган Сен, бизни Ўз базминга таклиф қилганингдан ва севгини байроқ каби бошимиз тепасида ҳилпиратганингдан таажжуб ва ҳайратга тушамиз. Биз ўзимиз ҳис қилаётган миннатдорчилик туйғусини ифодалай олмаймиз, бироқ бизнинг қалбимизга бир қара ва бу миннатдорчиликни Ўзинг ўқиб ол. Омин.*

Худода раҳмдиллик ва марҳамат биргадир. Аммо улар бизга намоён бўлган пайтда, бир-бири билан ўзаро боғлиқ, аммо бир-бирига ўхшамайдиган иккита турли хил хусусият эканлигини кўриш мумкин.

Раҳмдиллик — бу инсоннинг азоб-уқубатини ва гуноҳини солиштирувчи Худонинг меҳрибонлигидир, марҳамат эса — бу инсон вазифалари ва камчиликлари томон йўналган Худонинг меҳрибонлигидир. Худо айнан Ўз марҳаматига кўра

хизматларни улар аввал мавжуд бўлмаган жойларда тайинлайди ва қарз аввал бўлган жойда энди йўқ, деб айтади.

Марҳамат — бу Худога муносиб бўлмаган кишиларга мурувват кўрсатишга имкон берувчи Унинг эзгу хоҳиш-иродасидир. Худо табиатида азалданоқ мавжуд бўлган бу эркин принцип бахтсизларга ачиниш, айбдорларга шафқат кўрсатиш, ғарибу бечораларни самимият билан қабул қилиш ва одилона ҳукм қилинганларга мурувват кўрсатишга мойиллик сифатида намоён бўлади. Мана шу принципнинг амалга ошиши туфайли биз гуноҳкор одамлар нажотга эришиш ҳамда самога бориш имконини оламиз ва асрлар давомида Худонинг Исо Масихдаги улугвор меҳрибонлигини кўришимиз мумкин.

Худо — ўзгармас Худо бўлганлиги учун, биз абадий устунликка эга бўламиз. Шунинг учун ҳам Худо бизга ўз ҳибсхонамида бошимизни мағрур кўтаришга, маҳбуслик кийимларимизни шоҳона кийимлар билан алмаштиришимизга ёрдам беради ва бутун умримиз давомида Унинг ҳузурида нон ейишимизга имкон яратади.

Марҳамат Худо қалбининг туб-тубидан, Унинг эзгуликка тўлиб-тошган муқаддас борлиғи қаъридан келиб чиқади. Худонинг марҳамати одамлар учун хочга михланган ва қайта тиррилган Исо Масихдир. Худонинг марҳамати ва гуноҳларнинг ювилиши ҳақида ҳаммадан кўра кўпроқ гапирган ҳаворий Павлус Худонинг марҳаматини ҳеч қачон хочга михланган Худо Ўғлидан ажратмайди. Павлуснинг таълимотида улар биргалиқда, азалдан мавжуд бўлган ягоналикда ва бир-биридан ажралмаган ҳолда эсга олинади.

Бу мавзу ҳаворий Павлуснинг Эфесликларга Мактубида янада тўла-тўқисроқ ва ёрқинроқ ифода этилган: «Бизни мурувватига сазовор билиб, Исо Масих орқали Ўзига ўғил қилиб



олишга азалдан қарор қилди. Илоҳий меҳр-шафқатнинг донғи чиқсин деб Худо севикли Ўғлини юбориб, бизга иноят қилди. Унинг Ўғли эса қонини тўкиб, бизнинг гуноҳларимизни ювди. Худонинг бу чексиз инояти туфайли биз барча айбу гуноҳларимиздан фориғ бўлдик» (Эфес. 1:5-7).

Шунингдек, Юҳанно ҳам ўз Хушхабариди Исо Масиҳни Худо марҳамати У орқали инсониятга ўтувчи восита сифатида таърифлайди: «Таврот Қонуни Мусо орқали берилган эди, илоҳий иноят ва ҳақиқат эса Исо Масиҳ орқали зоҳир бўлди» (Юҳан. 1:17).

Бироқ, айнан шу ерда осонгина йўлдан чиқиб кетиш ва ҳақиқатдан узоқлашиб қолиш мумкин; баъзи бир одамлар шундай қилишган ҳам. Худонинг марҳамати ҳақидаги таълимот баён этилган Муқаддас Ёзувларнинг бошқа қисмлари билан боғлиқлигига эътибор бермаган ҳолда, улар Мусо фақат қонунни, Масиҳ эса фақат марҳаматни билган, дея хулоса чиқаришди. Шу тарзда Эски Аҳдни қонун китоби, Янги Аҳдни эса Худо марҳамати китоби сифатида эътироф этишди. Бироқ ҳақиқат бутунлай бошқа нарсададир.

Қонун инсонларга Мусо орқали берилган эди, бироқ у Мусодан келиб чиқмаган. Қонун Худонинг қалбида дунё яратилгунга қадар ҳам бор эди. Қонун Синай тоғида Исроил халқининг қонунлар тўплами бўлиб қолди; бироқ бу тўпланда баён этилган ахлоқ қоидалари абадийдир. Қонун инсонлар учун Худонинг иродасини ифода этмаган бирор вақт ҳам бўлмаган ва Худо сабр-тоқатли ва гарчи инсонлар томонидан билмай туриб содир қилинган ёвузликларга баъзида «бармоқлари орасидан қараган» бўлса ҳам, қонунни бузиш ҳеч қачон жазосиз қолмаган. Ҳаворий Павлуснинг Римликларга мактуби, учинчи ва бешинчи бобларида баён этилган аниқ далиллари

бу саволга тўлиқ аниқлик киритади. Масиҳийлик таълимоти манбаи — Мусо орқали берилган қонун эмас, балки Масиҳнинг севгисидир; таълимотнинг қонундаги барча қоидалари эса бекор қилинмаган. Қонун белгилаган адолатга амал қилишдан озод бўлган ҳеч қандай имтиёзли табақа мавжуд эмас.

Ҳақиқатан ҳам Эски Аҳд — қонун китоби, бироқ фақат қонунники эмас. Дунёни сув босиши олдидан Нух «Худованднинг илтифотига сазовор бўлган эди» (Ибр. 6:8), қонун берилгандан кейин эса Худо Мусога: «Сен Менинг кўзимда марҳамат топдинг» (Чик. 33:17), — деб айтди. Бундан бошқа қанақа бўлиши мумкин эди? Худо ҳамиша Ўзлигини сақлаб қолади, марҳамат эса — Унинг муқаддас борлиғи хусусиятидир. Қуёш ўзининг ёрқин нурларини яшира олмагани каби, У ҳам Ўз марҳаматини яшира олмайди. Одамлар қуёшнинг ёруғидан қочиб, зулматга ва ҳавоси зах, деворлари эса пўпанак билан қопланган ер қаъридаги ғорларга яширинишлари мумкин, бироқ бу одамлар қуёшни сўндира олмайдилар. Худди шунга ўхшаб, одамлар ўзларини у ёки бу мажбурлиятлардан озод деб ҳисоблаган ҳолда, Худонинг марҳаматини инкор қилишлари мумкин, аммо улар бу марҳаматни ҳеч қачон сўндира олмайдилар.

Агарда Эски Аҳд даври қаттиқўл, мустаҳкам қонун даври бўлганида эди, у ҳолда Муқаддас Китоб тарихининг илк даври манзаралари бу қадимий китобларда биз кўриб турган даврга қараганда у қадар ёрқин, сержило бўлмас эди. Худонинг дўсти — Иброҳим бўлмас эди; Худо қалбига маъқул бўлган инсон — Довуд ҳам бўлмас эди; Самуил ҳам, Ишаъё ҳам, Дониёллар ҳам бўлмаган бўларди. Ибронийларга Мактубнинг ўн биринчи бобида таъкидлаб ўтилган Эски Аҳднинг илоҳий

улуғворлиги тушунарсиз ва кераксиз бўлиб қолар эди. Худонинг марҳамати муқаддасликка Эски Аҳд даврида ҳам худди бутунги кундаги каби имконият яратди.

Ҳобилдан бошланиб, то ҳозирги даврга қадар ҳеч ким Худонинг марҳаматисиз нажот топмаган. Одамзод Адан боғидан ҳайдалган вақтлардан буён ҳеч ким Худонинг марҳаматисиз Унинг илтифотига сазовор бўла олгани йўқ. Шунингдек, ҳар қандай инсон Худонинг марҳаматига қаерда эришган бўлишидан қатъий назар, бу ҳар доим Исо Масиҳ туфайли юз берган. Худонинг марҳамати ҳақиқатан ҳам Исо Масиҳ орқали келди, бироқ у Исонинг охурда туғилишини ёки хочда жон беришини кутиб ўтиргани йўқ, Илоҳий марҳамат бунга қадар ҳам ҳаракатда бўлган. Масиҳ — дунёнинг бошиданоқ бўғизланиш учун берилган Қурбонлик Қўзисидир. Худо билан дўстона муносабатни қайта тиклаган тарихдаги биринчи инсон буни Масиҳга бўлган имони орқали амалга оширди. Аввалги даврларда одамлар Масиҳнинг гуноҳлар учун тўлов тўлаш хизматини кутиб яшаганлар, эндиликда, ана шу хизмат амалга ошган бир пайтда, улар Худога қайтиб келишмоқда. Бу одамлар Худога ҳамиша Унинг марҳаматига кўра, имонлари туфайли қайтиб келишади.

Биз шунингдек, Худонинг марҳамати чексиз ва абадий эканлигини ҳам назарда тутишимиз керак. Худо марҳамати бошланишга эга бўлмаган ва худди шунингдек, унинг охири ҳам бўлиши мумкин эмас; Худонинг хусусияти сифатида у чексизлик каби чегарага эга эмас.

Бу нарсани эътиқод ҳақиқати деб тушуниш ўрнига, Худонинг марҳаматини унга бўлган муҳтожлигимиз билан таққосласак, янада яхшироқ ва афзалроқ бўлар эди. Биз ҳеч қачон ўз гуноҳларимизнинг қай даражада катта эканлигини

била олмаймиз ва бунинг ҳеч қандай зарурияти йўқ. Бироқ биз «гуноҳ кўпайган сари, Худо инояти ҳам шунчалик орта борганлигини» (Рим. 5:20) яхшироқ тушуна билишимиз керак.

Гуноҳни «кўпайтириш» — биз қиладиган ва қилишимиз мумкин бўлган энг ёмон ишдир. «Кўпайтириш» сўзи бизнинг чекланган қобилиятларимиз чегарасини аниқлайди. Гарчи бизнинг нуқсону иллатларимиз тоғ каби кўтарилиб бораётганлигини ҳис қилиб турсак ҳам, тоғ маълум бир чегараларга эга эканлигини биламиз: у маълум бир катталиққа, маълум бир баландлиққа, маълум бир вазнга эга ва ундан ошиқ бўлмайди. Бироқ ким Худонинг чексиз марҳаматини аниқлай олар экан? Худонинг марҳамати бизнинг ўй-фикрларимизни чексизлик сари олиб кетади ва уларни ўша ерда қолдирган ҳолда «орта боради». Буюк марҳамати учун Худога олқишлар бўлсин!

Ўзимизни Худонинг дўстлигидан маҳрум бўлган, деб ҳис қиладиган бизлар, эндиликда эгилган бошимизни кўтаришимиз ва юқорига қарашимиз мумкин. Бизнинг гуноҳларимиз учун тўлов тўлаган Масихнинг ўлими туфайли бизни Жаннатдан қувғин қилувчи сабаблар энди мавжуд эмас. Биз дарбадар ўғил каби қайтиб келишимиз мумкин ва бизни қувонч билан кутиб олишади. Биз гуноҳга ботгунга қадар ўз уйимиз бўлган Адан боғига яқинлашган пайтимизда, ёниб турган қилични олиб қўйишади. Ҳаёт дарахтини қўриқловчилар марҳамат ўғли яқинлашиб келаётганлигини кўргач, четга чиқадилар.

Қайт, эй дарбадар, эндиликда қайт,  
Энди Ўз Отангинг жамолин изла,  
Сенда ёнаётган бу янги истак,  
Ёқилгандир Унинг марҳамати-ла.

Қайт, эй дарбадар, эндиликда қайт,  
Артгин кўзларингдан қуйилган ёшни,  
Сени Отанг чорлар, бошқа ўксинма,  
Яқинроқ кел, шуни сўрар Ота севгиси.

*Уильям Бенко Кольер*

## Худонинг севгиси

Самовий Отамиз, биз, Сенинг болаларинг ички овозимиз бир вақтнинг ўзида ҳам имоннинг тасдигини, ҳам виждоннинг таъналарини гапираётганини эшитиб, кўпинча ҳар турли хаёллар билан безовта бўламиз. Бизда Сендек муқаддас Зотнинг севгисини жалб қила оладиган ҳеч нарса йўқлигига ишончимиз комил. Шунга қарамай, Сен Ўзингни бетакрор севгингни Исо Масиҳ орқали намоён қилдинг. Биздаги ҳеч нарса Сенинг севгингни жалб қила олмайди ва шу билан бир қаторда Борлиқдаги ҳеч бир нарса бизни севишишда Сенга тўсиқ бўла олмайди.

Сенинг севгингнинг сабаби йўқ ва биз Сенинг севгингга муносиб эмасмиз. Сенинг Ўзинг бизга бўлган севгингнинг асосисан. Бизни топган ана шу севгининг қудрати ва абадийлигига ишонишимизда бизга ёрдам бер. Шунда севги қўрқувни бир четга улоқтириб ташлайди ва безовта юракларимизда тинчлик бўлади, биз эса Сенга Сен Ўзингни намоён қилгандек ишонамиз. Омин.

Ҳаворий Юҳанно Муқаддас Рухдан илҳомланиб: «Худо севгидир», — деб ёзган эди. Баъзилар бу сўзларни Худо борлиғига берилган таъриф сифатида қабул қилишган ва қабул

қилишмоқда. Бу жуда катта хатодир. Юҳанно бу сўзлар ёрдамида далилни таъкидлаган холос, бироқ ҳеч қандай таърифни келтирмаган.

Худо билан севгини бирдек кўриш — бу йўл кўйилган йирик хатодир. Бу хато талайгина носоғлом эътиқод фалсафасининг ва Муқаддас Китобга умуман мос келмайдиган ҳамда тарихий масиҳийлик билан ҳеч қанақанги умумийликка эга бўлмаган қуруқ шеъриятнинг бутун бир оқимининг юзага келишига сабаб бўлди. Агарда ҳаворий, севги — бу Худонинг Ўзидир, деб айтганида, биз Худо — бу севгининг ўзидир, деб айтган бўлар эдик. Агарда сўзма-сўз маъносида Худо севги бўлса, у ҳолда сўзма-сўз маънода севги Худо бўлиб қолади ва биз бу ҳолатда севгига Ягона Худога ибодат қилгандек, ибодат қилишимиз керак. Агарда севги Худога тенг бўлса, у ҳолда Худо севгига тенгдир ва бундан Худо билан севги бир хил деган хулоса келиб чиқади. Шу тарзда биз Худо шахсининг асосини бузиб кўрсатамиз ва Худонинг битта атрибутидан бошқа ҳамма атрибутларини тўлиқ инкор қиламиз. Ана шу инкор қилинмаган атрибутни эса Худо ўрнини босувчи сифатида кўрсатамиз. Бу хулосалардан кейин бизда қоладиган Худо Исроил Худоси эмасдир; У Худо ҳам, Раббимиз Исо Масиҳнинг Отаси ҳам эмас; У пайғамбарлар ва ҳаворийларнинг Худоси эмас; У муқаддаслар кишилар, ислоҳ қилувчилар, ночорлар ва ҳатто теологлар ва жамоат кўшиқлари муаллифларининг ҳам Худоси эмасдир.

Ўз жонимиз учун ҳам биз Муқаддас Ёзувларни тушунишни ўрганишимиз керак. Биз сўзлар қаршисида қулдек эгилишдан қочишимиз ва бунинг ўрнига уларнинг маъноси билан жиддий шуғулланишимиз керак. Сўзлар ўй-фикрни туғдириши эмас, балки уларни ифода этиши керак. Биз Худо севгидир, деб

айтамыз; биз Худо нурдир, деб айтамыз; биз Худо ҳақиқатдир, деб айтамыз; ва бу сўзлар бирор киши ҳақида: «Унинг ўзи меҳрибонлиқдир», — деб айтганимизда қандай тушунилган бўлса, шундай қабул қилинади, деб ўйлаймиз. Бундай дейиш билан биз меҳрибонлик ва бу инсонни бир хил деб тасдиқлаймиз. Бироқ ҳеч ким бу сўзларни бундай маънода қабул қилмайди.

«Худо севгидир» деган сўзлар севгининг Худо атрибутларидан бири эканлигини билдиради. Севги — бу Худо ҳақида айтиш мумкин бўлган қандайдир ҳақиқат, бироқ у Худо бўлмайди. Бу «муқаддаслик», «адолатлилик», «содиқлик» ва «ҳақиқат» сўзлари каби Худонинг бўлинмас борлигининг кўринишларидан биридир. Худо ўзгармас бўлганлиги учун, У ҳар доим Ўзига муносиб тарзда ҳаракат қилади ва Худо ягона борлиқ бўлганлиги туфайли, У Ўз хусусиятларидан бирини иккинчисидан фойдаланиш учун ҳеч қачон бекор қилмайди.

Худонинг бошқа атрибутларини ўрганиш давомида биз Унинг севгиси ҳақида кўп нарсалар билиб олишимиз мумкин. Масалан, Худо Ўз-Ўзидан мавжуд бўлганлиги учун Унинг севгиси бошланишга эга эмас; Худо абадий бўлганлиги учун Унинг севгисининг охири йўқ; Худо чексиз бўлганлиги учун, Унинг севгиси чегара билмайди; Худо муқаддас бўлганлиги туфайли Унинг севгиси жамики бенуқсон покликнинг жавҳаридир; Худо буюк бўлганлиги туфайли, Унинг севгиси чексиз даражада улқандир, бу биз қувончга тўла сукут билан қаршисида тиз чўкадиган ва ҳузурида энг юксак сўзамоллик ҳижолат ҳамда саросималик билан орқага чекинадиган тубсиз, қирғоқсиз денгиздир.

Нима бўлганда ҳам, агар биз Худони билсак ва бошқаларга ўзимиз билган нарсалар ҳақида сўзлаб беришни истасак, биз



Худонинг севгиси ҳақида гапиришимиз керак. Барча масиҳийлар шундай қилишга ҳаракат қилиб кўришган, бироқ буни жуда аъло даражада амалга ошириш ҳеч кимнинг қўлидан келмаган. Эзгулик ва қизиқиш уйғотувчи бу мавзунини ҳаққоний ёритиб беришга бўлган уринишларим — гўдакнинг самодаги юлдузга ушлаб олишга бўлган интилишидан ортиқ нарса эмас. Шундай бўлса-да, юлдузга қўл узатган ҳолда гўдак атрофдагиларнинг эътиборини юлдузга жалб қилиши ва ҳатто уни кўриш учун қайси томонга қарашлари керак эканлигини уларга кўрсатиши ҳам мумкин. Мен ўз қалбимни юксакликда нур сочиб турган Худо севгиси томон узатган пайтимда, эҳтимол бу севги ҳақида аввал билмаган бирор киши ҳам осмонга қарар ва унда умид учқунини пайдо бўлар.

Севгининг нима эканлигини биз билмаймиз ва балки ҳеч қачон била олмасмиз ҳам. Бироқ биз унинг қандай қилиб намоён бўлишини билишимиз мумкин ва шунинг ўзи биз учун етарлидир. Аввалом бор биз севгининг эзгу ният кўринишида намён бўлишини кўрамиз. Севги барчага эзгулик тилайди ва ҳеч кимга нисбатан ёмонлик ёки ёвузлик тиламайди. Бу ҳаворий Юҳаннонинг сўзларида аниқ кўриниб турибди: «Севгида кўрқув йўқ, аксинча, комил севги кўрқувни қувиб чиқаради» (1 Юҳан. 4:18). Кўрқув — бу бизга зиён етказишлари ёки бизни азоблашлари мумкин, деган ўй-фикрга борганимизда пайдо бўладиган азоб берувчи ҳис-туйғудир. Биз то бизга яхшилик истамайдиган бирортасининг ҳукмронлиги остида эканмиз, бу кўрқув ҳеч қачон йўқолмайди. Бизга эзгуликни раво кўрадиган Зотнинг ҳимоясига ўтган пайтимизда эса, кўрқув изсиз йўқолади. Магазиндаги одамлар тўпи ичида адашиб қолган болакай кўрқиб кетади, чунки у ўз атрофидаги нотаниш одамларга душман сифатида қарайди. Кўп ўтмай, болакай ўз онаси бағрига қайтганида, бу даҳшат чекинади: бола онасининг

ўзига нисбатан хайрихоҳ эканлигини билади ва бу нарса қўрқувни ҳайдаб чиқаради. Ер юзи душманларга тўлиб-тошгандир ва бу душманлар бизга зиён етказиши эҳтимоли мавжуд экан, қўрқувдан қочиб қутулишнинг иложи йўқ. Қўрқув устидан уни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этмаган ҳолда ғалаба қозонишга уриниш бутунлай бефойдадир. Юрак хотиржамликни ваъз қилувчиларга қараганда донороқдир. Биз токи эҳтимоллик қўлида эканмиз, токи эҳтимоллик назариясидан умид излар эканмиз, токи душманни маккорлик билан алдай олишимиз туфайли яшаётганлигимизга умид қилишимиз зарур экан, бизда қўрқиш учун барча асослар мавжуд бўлади. Бу қўрқув бизни азоблайди.

Севги Худодан эканлигини билиш ва ҳеч ким билмайдиган жойга Севикли Зот билан етаклашган ҳолда кириш билангина қўрқувни ҳайдаш мумкин. Агар инсон ўзига ҳеч нарса зиён етказа олмаслигига ишонса, шу заҳотиёқ қўрқув бутун Коинотдан йўқолади. Эҳтимол, баъзи-баъзида асабийлашиш, жисмоний оғриқнинг табиий кўнгилсизлигини ҳис қилиш мумкин, бироқ қалбинг тубигача кириб борадиган азобловчи қўрқувдан бутунлай халос бўласан. Худо севгидир ва Худо ҳамма нарсанинг Ҳукмдоридир. Худонинг севгиси бизга нисбатан абадий бахт-саодатни тилаш туйғусини Худода уйғотади, Худонинг олий ҳокимияти эса Унга бу бахт-саодат билан таъминлашга имкон беради. Ҳеч нарса солиҳ одамга зиён-заҳмат етказа олмайди.

Танани балки ҳалок этарлар,  
Лек Худо ҳақиқати барибир қолар,  
Чунки абадийдир Унинг Шоҳлиги!

*Мартин Лютер*

Худонинг севгиси Худо бизга нисбатан дўстона муносабатда эканлигини айтади, Унинг Каломи эса, Худо — бизнинг дўстимиз эканлигига ва Худо бизлар Унинг дўстлари бўлишимизни истаётганлигига бизни ишонтиради. Озгина бўлса-да камтарликка эга бўлган ҳар қандай инсон ўзининг Худога дўст эканлиги ҳақида ўзича ўйлаб кўрмайди; бу ҳақдаги ўй-фикрлар одамлардан чиқмайди. Иброҳим ҳеч қачон: «Мен — Худонинг дўстиман», — деб айтмаган бўлар эди, аммо Худонинг Ўзи Иброҳимга унинг Ўзига дўст эканлигини айтди. Масиҳнинг шогирдлари ўзларини Унга дўст деб тан олишга жазм қила олмасдилар, бироқ Масиҳ уларга: «Менинг дўстларим бўласизлар» (Юҳан. 15:14), — деб айтди. Эҳтимол, камтарлик биз бу ҳақда ўйлаган заҳотимиз бизни иккиланишга мажбур қилар, бироқ имон Каломга ишонишга журъат қилади ва Худо билан дўст бўлишга даъво қилади. Биз Худонинг айтганларига ишонсак, Унга нисбатан ҳурмат-эътибор кўрсатган бўламиз ва Одам Ато боғдаги дарахтлар орасига яширингани каби, биз ҳам тортинчоқлик ҳамда камтарлик туфайли Худодан яшириниш ўрнига, ҳеч иккиланмасдан Унинг марҳаматли тахтига келишга журъат қила оламиз.

Севги — ҳис-туйғуларини ҳам бошқаларга бағишлашдир. У ҳеч бир нарсани ўзиникидай қилиб кўрмайди, балки ҳамма нарсани ўз севиклисига шундайлигича инъом этади. Биз бу нарсани ҳар доим ўз дунёмизда кўриб, гувоҳи бўламиз. Озгин ва қаттиқ чарчаган ёш она дўмбоқ ва бакувват чақалоқни эмизмокда. Лекин бу она шикоят қилаётгани йўқ, аксинча, гўдагига бахт ва ғурур нурини сочиб турган кўзлари билан қараяпти. Ўз-ўзини қурбон қилиш севгига хос хусусиятдир. Масиҳ Ўзи ҳақида шундай деб айтган эди: «Ким ўз жонини дўстлари учун бағишласа, бундан ортиқ севги йўқ» (Юҳан. 15:13).

Тўла-тўқис Худонинг ғайритабиий ва ажойиблигига яна бир мисол — Унинг Ўз ҳис-туйғуларини одамларнинг ҳис-туйғулари билан қиёсланидир. Ҳеч кимга қарам бўлмаган Худо бизнинг севишимизни истайди ва то унга эришмагунча, Унинг кўнгли тўлмайди. Тўла-тўқис бўлатуриб, У Ўз қалбининг бизга боғланиб қолишига йўл қўйди. «Биз Худони селмаган эдик, У бизни севади ва Ўз Ўғлини гуноҳларимизни ювиш учун қурбонлик қилиб юборди. Ана, бу муҳаббатдир!» (1 Юхан.4:10).

«Ҳаммадан юксак бўлган Зот, — дейди Юлианна Норвичская, — бизнинг қалбимизни ўзгача бир сева билан шу қадар севадики, бу жамики яратилган мавжудотларнинг ақл доирасига сиғмайди; яъни, Яратувчимиз бизни қанчалик кучли, қанчалик ажойиб тарзда ва қандай мулойимлик билан севишини биладиган яратилган мавжудотнинг ўзи йўқ. Шунинг учун ҳам марҳамат ва Унинг ёрдамида Қудратли Худо Ўз меҳрибонлиги билан бизга нисбатан ҳис қилаётган ана шу улғувор, ҳамон юксалиб бораётган бебаҳо севгига абадий ҳайратда, ўйчан нигоҳ билан қарай оламиз»<sup>1</sup>.

Ўзи эътибор кўрсатадиган нарсанинг завқ бағишлаши, севгига хос хусусиятдир. Худо Ўзи яратган нарсасидан завқ олади. Ҳаворий Юҳаннонинг самимият билан айтишича, Худонинг дунёни яратишдан мақсади — бу Унинг шахсий завқланишидир. Худо Ўзи яратганларнинг ҳаммасига нисбатан бўлган севгисига бахтиёрдир. Биз Худонинг Ўз ижодидан завқланишидаги завқ-шавқ ҳиссини пайқамаслигимиз мумкин эмас. 103-Сано — бу табиат ҳақидаги Илоҳий илҳом билан битилган дostonдир; бу санода бахт-саодат шу қадар кўп ифода қилинганки, уни завқу шавққа тўлган деб аташ мумкин, унинг ҳар

---

<sup>1</sup> Юлианна Норвичская. Указ.соч. С.58.

бир сатрида эса Худонинг қувончи сезилиб туради. «Худованднинг шон-шуҳрати абадий бўлсин, Ўз ишлари билан севинсин Худованд!» (Забур саноси 103:31).

Худога алоҳида қувонч бахшида эта оладиганлар Унинг муқаддасларидир. Кўпчилик кишилар, Худо жуда олисларда, У ҳамиша ғамгин ва ҳаммадан норози, У пастга, кўп вақтлардан бери қизиқиши йўқолган ерга нисбатан ҳафсаласизлик билан қарайди, деб ҳисоблайдилар; бироқ бу хато фикрдир. Ҳақиқатан ҳам Худо гуноҳдан нафратланади ва адолатсизликка ҳеч қачон хурсандчилик билан қараб турмайди, бироқ одамлар Худонинг иродасини бажаришга ҳаракат қилганларида, У бунга нисбатан самимий хайрихоҳлик билан жавоб беради. Масиҳ Ўзининг гуноҳларни ювувчи қурбонлиги билан одамларни Худонинг дўстлигидан ажратиб турувчи тўсиқни олиб ташлади. Энди Масиҳдаги ҳамма ишонувчи қалблар — Худога хурсандчилик бағишловчилардир. «Худованди Карим сен билан бирга; У сени қутқаришга қодир, сени ўйлаб хурсанд бўлади, сени севади, сенга раҳм-шафқатли бўлади, сен туфайли хурсанд бўлиб ўйинга тушади» (Соф. 3:17).

Аюб китобига кўра, Худо оламни мусиқа билан яратган. «Мен ернинг пойдеворини қўйганимда, ... тонг юлдузлари рақсга тушиб, Худонинг фарзандлари шодланганларида сен қаерда эдинг?» (Аюб. 38:4,7). Жон Драйден бу фикрни ҳақиқатга тўғри келадиган даражада янаям ривожлантиради:

Уйғунликдан, самовий уйғунликдан  
Борлиққа илк қиёфа берилган эди;  
Табиат бетартиб бир зарралар уюмидек  
Пастда сочилиб ётган бир пайтда  
Ва бошин кўтара олмаганида,

Самодан майинли овоз янгради:  
«Ўрнингдан тур, сен жонсиз эмассан!»  
Шу дамда совуқ ва иссиқ, наму қуруқ,  
Тезда ўзининг ўрнини топди,  
Ва мусиқа ихтиёрига итоат этди.  
уйғунликдан, самовий уйғунликдан  
Бу Борлиққа илк қиёфа берилган эди;  
Уйғунликдан уйғунликкача  
Борлиқнинг яратилиши ўтди барча ноталардан,  
Ва якуний регистрда яратилган эди Инсон.

*Муқаддас Цецилия  
қунидаги қўшиқлардан*

Мусиқа — бу бир вақтнинг ўзида завқланишнинг ҳам ифодаси, ҳам манбаидир, Худога энг яқин ва энг пок завқланиш — бу севги завқидир. Дўзахда завқланиш йўқ, чунки у ерда севги мавжуд эмас. Жаннат мусиқа садоларига кўмилгандир, чунки бу муқаддас севги завқи тўлиб-тошадиган макондир. Ер юзи эса севги завқи дарду алам билан қоришиб кетган жойдир, чунки ер юзи гуноҳга, нафратга, ёвуз истакларга тўлиб-тошиб кетган. Бизнинг дунёмиздек бу каби дунёда севги баъзан бошқа одамларга нажот бериш учун Ўзини қурбон қилган Масих каби азоб чекиши керак бўлади. Бироқ қайғу-алам сабаблари охиروқибатда бартараф қилиниши ва янги инсонлар фидокор, комил севги берадиган хотиржамликдан абадий хузур-ҳаловатга эришишлари ҳақида бизга ваъда берилган.

Ижодий фаоллик севгига хос хусусиятдир. «Лекин биз ҳали гуноҳга ботган чоғимизда, Масих биз учун ўлди. Бу Худонинг бизга бўлган муҳаббатидан далолатдир» (Рим. 5:8). «...Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди» (Юҳан. 3:16). Севги бор жойда шундай бўлиши ҳам керак; севги

ҳар қандай вазиятда ҳам севиклига нимадир бериши керак. Ҳаворийлар ёш жамоатларни кескин танқид остига олганлар, чунки бу жамоатларнинг айрим аъзолари буни эсдан чиқаришган ва биродарлари муҳтожликда бўлган бир пайтда ўз севгиларини шахсий ҳавас-иштиёқлари учун беҳуда сарфлашга йўл қўйишган эди. «Агар бирор киши фаравон ҳаёт кечираётган бўлса-ю, биродарини муҳтожлик ҳолатида кўриб туриб, кўнглини тош қилса, қандай қилиб у одамда Худонинг севгиси жой олади?» (1 Юҳан. 3:17). Асрлар давомида Исонинг севимли шогирди сифатида машҳур бўлиб келган Юҳанно шундай деб ёзиб қолдиган эди.

Худонинг севгиси — бу Коинотда мавжуд бўлган буюк ҳақиқатлардан бири, бу бутун олам умидига таянч ҳисобланадиган устундир. Бироқ бу шунингдек, қандайдир шахсий ва яқин бўлган нарсадир. Худо ер юзининг аҳолисини эмас, балки халқни севади. У оломонни эмас, балки одамларни севади. Худо барчамизни боши ҳам, охири ҳам мавжуд бўлмаган буюк бир севги билан севади.

Масиҳийлик амалда севгини шу қадар кўп қўллайдики, бу нарса масиҳийликни бошқа ҳар қандай дин-эътиқодлардан ажратиб туради ва уни энг пок ва энг эзгу фалсафадан юқорига қўяди. Катта миқдордаги севги — бу буюм эмас, бу Ўз Жамоатида, Ўз халқи учун қувонаётган Худонинг Ўзидир. Ҳақиқий масиҳий қувонч — бу юракнинг Тангрининг севги қўшиғига уйғунлик билан берадиган жавобидир.

Баландлигию чуқурлиги номаълум, чексиз  
Худонинг яширган севгиси,  
Сенинг ёрқин ва ажойиб нурларинг,  
Мен узоқдан кўриб турибман,

Ич-ичимдан хўрсинаман, Сендан сўраб хотиржамлик;  
Менинг қалбим хасталанди, энди у  
То Сендан тинчлик топмагунча, бўлолмайди тинч.

*Герхард Терстеген*



## Худонинг муқаддаслиги

*Юксакликдаги Худога олқишлар бўлсин. Биз Сени олқишлаймиз, биз Сени марҳаматлаймиз, биз Сенинг шон-шуҳратинг қаршисида тиз чўкиб, таъзим қиламиз. Раббим мен ўзим англаб етмаган нарсани ифода қилдим: бу мен учун жуда ажойибдир ва мен бунни билмас эдим. Мен Сен ҳақингда қулоқларим билан эшитган эдим, бироқ эндиликда кўзларим Сени кўриб турибди ва мен ўзимдан жирканяпман. Мен ўзимнинг кул ва чанг эканлигимни тан оламан. Эй Тангрим, қўлларим билан оғзимни ёпаман. Бир мартаба, йўқ, икки мартаба гапирдим, бошқа лом-мим демайман.*

*Мен ўйлаб кўраётган пайтимда, олов ёниб турган эди. Раббим, ўз сукутим билан Сенинг фарзандларинг авлодини ҳақорат қилиб қўймаслик учун мен Сен ҳақингда сўзлашим керак. Сен шундай қилдингки, бу дунёда аҳмоқ донишманд билан, заиф эса кучли билан аралашади. Эй Раббим, мени ташлаб қўйма. Сенинг кучингни бу авлодга ва кейинги келадиган барча инсонларга Сенинг қудратингни кўрсата олишим учун менга имкон бер. Сенинг шуҳратингни янада кўпайтиришлари учун Ўз Жамоатингда пайгамбарлар ва Сенинг каломингни ўргатувчиларни ундириб-ўстиргин ва Қудратли Руҳинг орқали Ўз*

*халқингга муқаддасликни яна таниб-билишлари  
учун имкон бер. Омин.*

Само хошиш-иродасидан ажралиб қолиш туфайли биз кечирган маънавий зарба бизга танамизнинг ҳар бир бўлагини шикастлантирувчи жароҳат етказди. Ўзидаги айбу нуқсонларни тўсатдан англаб етиш осмондан тушган зарбадек, Худонинг муқаддаслиги ҳақидаги жамики қарашлари тубдан ўзгарган бир пайтда титраб-қақшаётган Ишаъё қалбини пораканда қилди. Унинг оғриқдан; «Ҳолимга вой! Чунки менинг оғзим нопок бўлса ҳам, кўзларим Подшоҳни — Қодир Оллоҳни кўрди» (Иша. 6:5), — дея янграган ҳайқириғи Худонинг муқаддас поклигини хаёлий нигоҳ билан кўрган бир пайтда, ўзининг аввал яширин бўлган бутун борлиғи кўз ўнгига намоён бўлган ҳар бир инсоннинг хис-туйғусини ифода қилади. Бундай ҳолат кучли таъсирчан руҳий кечинма бўлмаслиги мумкин эмас.

Биз ўзимизни то Худо кўргандек кўра олмас эканмиз, бу нарса у ёки бу ҳолда шинам ҳаётимизга зарар етказмаса, атрофимизни ўраб турган нарсалар ҳақида хавотирланмаймиз. Биз нуқсонли ҳаёт кечиришга ўргандик ва унга қандайдир табиий ҳамда ўз-ўзидан тушуниш мумкин бўлган нарса сифатида қарашга одатландик. Биз ўз устозларимиздан барча ҳақиқатларни, ёки сиёсатчиларимиздан содиқликни, ёхуд сотувчиларимиздан виждонлиликни, ёки дўстларимиздан тўла ишончни топа олмаётганлигимиздан таъбимиз хира бўлмайди. Яшашни давом эттириш учун шундай қонунлар яратамизки, улар бизни бошқа одамлардан ҳимоя қилади, аммо ҳамма нарсани ўзгаришсиз, аввалги ҳолича қолдиради.

Бу сўзларни ёзган одам ҳам, уларни ўқиган одам ҳам Худонинг муқаддаслигига баҳо бера олмайди. Бизнинг буюк

хасталигимизга шифо берувчи ҳақиқатнинг ширин сувлари оқиб ўтадиган янги зовур ақл-идрокимиз қумликлари орқали қовланиши керак, деб айтиш мумкин. Биз бенуқсон ва пок бўлган бирор кимса ёки бирор нарса ҳақида ўйлаб туриб, кейин эса бу тушунчани ўзимиз тасаввур қила оладиган даражадаги юксакликка кўтарган ҳолда Илоҳий муқаддасликнинг асл маъносини англаб етолмаймиз. Худонинг муқаддаслиги — бу фақатгина биз билган энг яхши нарса эмас, балки чексизликка қадар мукамаллашиш демакдир. Биз Худонинг муқаддаслигига ўхшаш бўлган ҳеч нарсани билмаймиз. У ҳамма нарсадан ажралиб туради, у мукамалдир, у тенгсиздир, у эришиб бўлмас ва ақлга сиғмасдир. Табиий одам бу муқаддасликни кўра олмайди. Бу киши эҳтимол, Худонинг қудратидан кўрқар ва Унинг донишмандлигидан таажжубга тушар, бироқ у Худонинг муқаддаслигини тасаввур ҳам қила олмайди.

Фақат Муқаддас бўлган Зотнинг Рухигина инсон руҳига муқаддаслик ҳақидаги билимни бериши мумкин. Электр токи фақатгина ўтказгич орқали ўтгани каби, Рух ҳақиқат орқали ўтади ва У инсон қалбини ёритишдан олдин, унинг онгида маълум миқдорда бўлса-да ҳақиқатни кўриши керак. Имон ҳақиқатнинг овозини эшитгач уйғонади, бироқ у бошқа товушларга жавоб бермайди. «Шундай қилиб, имон — эшитишдан, эшитиш эса — Масих Каломини ваъз қилишдан ҳосил бўлади» (Рим. 10:17). Эътиқодий билим — бу шундай муҳитки, ҳақиқат имонни юзага келтиргунга қадар, Рух бу муҳит орқали инсон қалбига қуйилади. Худонинг Рухи ҳақиқат Рухидир. Инсон қалбида Рухга эга бўлмаса-да, ўз онгида қандайдир миқдорда ҳақиқатга эга бўлиши мумкин, бироқ Рух ҳеч қачон ҳақиқатсиз бўлиши мумкин эмас.

Ўзининг муқаддасликни чуқур ўрганиш бўйича олиб борган изланишларида Рудольф Отто у «numinous» (numen — илоҳийлик, худо дегани — тарж. *изоҳи*) деб атаган, инсон онгида мавжуд бўлган бир нарсага катта эътибор қаратади. Кўриниб турибдики, бу билан у оламда қандайдир ноаниқ, эришиб бўлмайдиган Нимадир борлиги туйғуси, титроққа соладиган *Mysterium Tremendum — сир*, Борлиқни қоплаган ва ўраб олган сир борлигини назарда тутати. Бу ўзига нисбатан улуғлаш ҳиссини уйғотадиган ва ақл-идрок ёрдамида эришиб бўлмайдиган, ammo инсон руҳиятининг туб-тубида фақатгина ҳис қилиш ва сезиш мумкин бўлган қандайдир бир нарсадир. У «яратилган мавжудот томирларида симоб каби оқадиган» доимий эътиқодий инстинкт, кўзга кўринмайдиган ҳозирликнинг номсиз ҳис-туйғуси сифатида сақланиб қолади ва баъзан ўзини илоҳий ва ақл бовар қилмайдиган тарзда намоён қилиб, бизнинг ақлимизни шоширади. Бу каби кўринишга дуч келган инсон зарбага учрайди, саросимага тушади ва фақатгина титраб-қақшаган ҳолда сукут сақлайди.

Бу ақлга сиғмайдиган кўрқув, дунёнинг яратилмаган *сири* эътиқод доирасидан ташқарида ётади. Соф Муқаддас Китоб эътиқоди ялонғоч юрган ибтидоий одамларнинг тубан бутпарастлигидан паст бўлмаган даражада, фақатгина ана шу асосий инстинктнинг инсон табиатида борлиги туфайли мавжуддир. Албатта Ишаъё пайғамбар ёки ҳаворий Павлусларнинг эътиқоди билан бутпарастнинг эътиқоди орасидаги фарқ шундан иборатки, Ишаъё пайғамбар ёки ҳаворий Павлуснинг эътиқодида ҳақиқат мавжуд, бутпарастнинг эътиқодида эса ҳақиқат йўқдир; бутпарастда фақатгина «илоҳий» инстинкт бор, холос. Ишаъё ва Павлус Худо Ўз борлигини намоён этган, Илоҳий илҳом билан руҳланиб ёзилган Муқаддас Ёзувлар туфайлигина ҳақиқатга эришганлар.

Сирни, ҳатто *Буюк Сирни* бундай ҳис қилиниши инсон табиатининг асосини ташкил қилади ва эътиқоддан ажралмасдир, бироқ бу ҳис-туйғунинг ўзи етарли эмас. Шу ҳис-туйғу туйфайли одамлар фақатгина: «Бу эҳтиром туйғусини уйғотувчи бир нарса» — дея шивирлашлари мумкин. Бироқ, улар: «менинг Муқаддасим!» (Авв. 1:12), — деб бақирмайдилар. Яхудий ва масиҳийларнинг Муқаддас Ёзувларида Худо Ўз борлигини Ўзи очиб беради ва унга шахсий хусусиятлар ҳамда маънавий мазмун бахш этади. Бу улуғвор ҳозирлик *нимадир* сифатида эмас, балки чинакам шахснинг барча фазилатларига эга бўлган ахлоқий *мавжудот* сифатида кўрсатилади. Бундан ташқари У — маънавий баркамолликнинг мутлақ гавҳаридир, У адолатлилик, поклик, ҳаққонийлик ва эришиб бўлмас муқаддасликда комилу бенуқсондир. Шу барча хусусиятлари билан У яратилмаган, ҳеч кимга қарам эмас, инсон ақл-идорки учун эришиб бўлмасдир ва Уни инсон тилидаги сўзлар билан ифода этишнинг иложи йўқ.

Муқаддас Ёзувларда Худо Ўз-Ўзини очиб берганлиги ва Муқаддас Рух берган илҳом туйфайли масиҳий ҳамма нарсага эга бўлади ва ҳеч нарсани йўқотмайди. Ўзининг Худо ҳақидаги тасаввурига бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган иккита концепция қўшилади: шахс коннепцияси ва ахлоқий хулқ-атвор концепцияси, бироқ бунда дунёни тўлдирган *сир* қаршисидаги таажжуб ва кўрқувнинг илк туйғуси сақланиб қолади. Бугун унинг қалби қувонч билан уриши ва у: «Отажон, менинг Эгам, менинг Худойим!» — деб хитоб қилиши мумкин. Эртага эса абадийликда ҳукм сурадиган Тангри Таолодан ҳайратланган, ҳаяжондан титраган ҳолда тиз чўкиши ва Унинг олдида бош эгиб, таъзим қилиши мумкин.

Муқаддаслик — бу Худонинг борлиги сифатидир. Муқаддас бўлиш учун Худо ҳеч қанақанги қолип бўйича тўғирланмайди. Унинг Ўзи — ана шу қолипдир. Худо ўзидан бошқа ҳеч нарса бўлмайдиган покликнинг чексиз, эришиб бўлмас тўла-тўқислиги билан мутлақ муқаддасдир. Худо муқаддас экан, Унинг барча атрибутлари ҳам муқаддасдир; яъни, ҳар сафар биз Худога тегишли бўлган бирор нарса ҳақида ўйлаганимизда, уни муқаддас билиб, фикр юритишимиз керак.

Худо муқаддасдир ва У муқаддасликни Ўзи яратган Коинотнинг соғломлигининг маънавий шарти қилиб қўйди. Гуноҳнинг дунёда вақтинчалик эканлиги буни таъкидлайди, холос. Муқаддас бўлган ҳамма нарса — соғломдир; ёвузлик — бу охир-оқибатда ўлим билан туташи керак бўлган ахлоқий хасталиқдир. Ҳатто сўзнинг тузилиши ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Инглиз тилида «муқаддас» — *holy* — сўзи «соғлом», «бутун» деган маъноларни англатувчи *halig, hal* англосаксон сўзларидан келиб чиққан.

Худо, авваламбор, Ўз Коинотининг маънавий соғломлиги, яъни унинг муқаддаслиги ҳақида ғамхўрлик қилар экан, у ҳолда Коинотнинг муқаддаслигига қарши йўналган ҳамма нарса ҳаммиша Худода норозилик ўйғотади. Ўз ижодини сақлаб қолиш учун Худо Унинг ижодини яксон қилиши мумкин бўлган ҳамма нарсани йўқ қилиб юбориши керак. Худо ҳар қандай иллатни бартараф қилишга ва дунёни тузатиб бўлмас ахлоқий тубанлашишдан сақлаб қолишга қарор қилган бир пайтда дарғазаб бўлади, деб айтишади. Дунё тарихидаги ғазаб билан тўлиб-тошган ҳар қандай Худо ҳукми Унинг ижодини сақлаб қолиш учун қилинган ҳаракат эди. Худонинг муқаддаслиги, Худонинг ғазаби ва Худо яратган мавжудотларнинг соғломлиги бир-бири билан узвий боғлиқдир. Худонинг

газаби — бу Унинг ёмонлик ва ҳалокатга олиб келувчи ҳамма нарсага бўлган шафқатсиз муносабатидир. Она ўз боласини ҳаётдан олиб кетиши мумкин бўлган полиомиелитдан нафратлангани каби, Худо ҳам иллатдан нафратланади.

Худо чегара билмас муқаддаслик билан муқаддасдир ва бу муқаддасликни У Ўзи яратган мавжудотларга бера олмайди. Бироқ нисбий ва вазиятга боғлиқ бўлган муқаддаслик ҳам мавжуд. Бу муқаддасликни Худо самода фаришталар ва серафимларга, ерда эса гуноҳлари ювилган ва самодаги ҳаётга тайёргарлик кўраётган одамларга тақсимлайди. Бу муқаддасликни Худо Ўз фарзандларига бериши мумкин ва бераяпти. Худо бу муқаддасликни уларнинг зиммасига хизмат тариқасида юклаган ва берган ҳолда ўз фарзандлари билан баҳам кўриши мумкин. Бу муқаддасликка улар Қўзи қони орқали эришишлари мумкин. Уларга мана шу имкониятни яратиб бергани учун ҳам, Худо улардан бу муқаддасликка эга бўлишларини талаб қилади. Худо аввал Исроилга, сўнгра Ўз Жамотига қарата шундай деб айтган: «Муқаддас бўлинглар, зеро Мен муқаддасман» (1 Бут. 1:16). У: «Мен каби муқаддас бўлинглар», — деб айтгани йўқ, чунки бу биздан фақат Худога тегишли бўлган ниманингдир мутлақ муқаддаслигини талаб қилинишини билдирган бўлар эди. Худо муқаддаслигининг яратилмаган алангаси қаршисида фаришталар юзини яширишади. Ҳа, Унинг кўзлари учун осмон пок эмас, юлдузлар бекнуқсон эмасдир. Бирорта ҳам виждонли инсон «Мен муқаддасман» деб айта олмайди, бироқ шунга қарамай, Худо Руҳидан илҳомланиб: «Ҳамма билан тинч-тоғув яшаш ва муқаддас бўлишга ғайрат қилинглар. Муқаддасликка эга бўлмасдан ҳеч ким Раббимизни кўра олмайди» (Ибр. 12:14), — деб ёзилган муҳим сўзларни ҳеч бир виждонли инсон инкор қилишни истамайди.

Бу зиддиятни ҳал қилиш учун масиҳийлар қандай йўл тутишлари керак? Биз Мусо каби ҳеч ким кўра олмайдиган ва кўрса ҳам тирик қолмайдиган Худога бир бор кўз югуртирган ҳолда имон ва камтарлик ортига яширинишимиз керак. Худо пораканда ва вайрон бўлган қалбдан жирканмайди. Мусо Худонинг шуҳрати унинг ёнида ўтиб кетаётганда қоя ёригига яширингани каби, биз ҳам ўз айбу нуқсонларимизни Масиҳнинг жароҳатларига яширишимиз керак. Биз Худодан қочиб, Худога яширинишимиз керак. Худонинг муқаддаслигига шерик бўлишимиз учун У бизни тартибга солган, тўхтатган ва поклаган ҳолда Ўз Ўғлида бенуқсон кўришига ишонишимиз керак.

Ишонган, итоат қилган, Худо ҳақида доимо фикр-мулоҳаза юритган, ҳақиқатни севган, айбу нуқсонлардан нафратланган ва муқаддаслик Руҳи билан янада яқиндан танишган ҳолда, биз ердаги муқаддаслар билан дўст бўлишга ўрганишимиз ва ўзимизни Худо ҳамда самодаги муқаддаслар билан бўладиган абадий дўстликка тайёрлашимиз мумкин. Худди, итоатли масиҳийлар билан учрашганда улар айтганидек: «Биз кейинчалик самода бўлишимиз учун, бу ерда само бўлади».

Нақадар, эй абадий Тангрим,  
Кўрқинчлидир абадий йилларинг!  
Қаршингда ёйилиб ётган руҳлар Сенга,  
Кечаю кундузи эгадилар бош!

Сенинг жамолинг нақадар гўзал,  
Нақадар ажойиб бўлиши керак.  
Эҳтиром туйғусин уйғотувчи,  
Сенинг чексиз донишмандлигинг,



Сенинг сарҳад билмас қудратинг,  
Ва Сенинг адолатинг шунчалар гўзал!

Оҳ, шу қадар қўрқаман, Сендан, эй тирик Худо!  
Қалбим тубида ҳис қилган қўрқув ила,  
Титроқли умид ва тавба ёшлари ила  
Сенга тиз чўкиб, таъзим қиламан.

*Фредерик У. Фэйбер*

## Худонинг олий ҳокимияти

*Ким Сендан ҳайиқмас экан, Улуғ ва Юксак Қодир Эгамиз? Ахир Сен — ягона Тангрисан. Сен самони ва самолар самосини, ерни ва ундаги бор нарсани яратдинг ва ҳар бир тирик мавжудотнинг жони Сенинг қўлларингдадир. Сен денгизлар узра тахтада ўтиргувчи Шоҳсан. Сен тахтада абдий ўтирувчи Шоҳсан. Сен бутун ер узра буюк Шоҳсан. Сен қудратга ўралгансан. Обрў-эътибор ва улуғворлик Сенинг қаршингдадир. Омин.*

Худонинг олий ҳокимияти — бу шундай хусусиятки, унинг ёрдамида Худо Ўзининг жамики яратган мавжудотларини бошқаради; олий ҳокимиятга эга бўлиш учун эса, Худо ҳамма нарсани билгувчи, қудратли ва мутлақ эркин бўлиши керак.

Агарда Худога маълум бўлмаган бирорта нарса мавжуд бўлса ва у қанчалик кичик ва аҳамиятсиз бўлмасин, Худонинг бошқаруви шу нарсага келганда тўхтаб қолган бўлар эди. Ўзи яратган мавжудотларнинг Тангриси бўлиш учун, Худо ҳамма билимларга эга бўлиши керак. Агарда Худога ҳеч бўлмаганда қудратнинг кичкинагина қисми етишмай қолганида, бу етишмовчилик Унинг ҳукмронлигига нуқта қўйган ва бутун ҳокимиятини вайрон қилган бўлар эди; бу қаердадир йўқолиб қолган зарра бошқа кимгадир тегишли бўлгач, Худо Ўз

бошқарувида чегараланиб қолган бўлар эди ва бундан келиб чиққан ҳолда олий ҳокимиятга эга бўла олмас эди.

Шунингдек, Худонинг олий ҳокимияти Унинг мутлақ эркин бўлишини талаб қилади. Бу нарса Худо Ўзининг абадий мақсадига эришишида бошқа бировларнинг заррача ҳам аралашувисиз, истаган жойда ва исталган вақтда У нимани истаса шуни қилишда эркин бўлиши керак, деган маънони билдиради. Агарда Худода тўлиқ эркинлик бўлмаганида эди, Унинг ҳокимияти мутлақ ҳокимият ҳисобланмас эди.

Чегарасиз озодлик ғоясини англаб етиш учун ақл-идроқка катта куч керак бўлади. Биз озодликни бошқача, яъни унинг тўлиқсиз шаклида тушуниш учун руҳан тайёр эмасмиз. Бизнинг озодлик ҳақидаги тасаввурларимиз мутлақ озодлик мавжуд бўлмаган дунёда шакланган. Бу ерда ҳар бир табиий нарса бошқа кўпгина нарсаларга боғлиқдир ва бу боғлиқлик унинг озодлигини чегаралаб қўяди.

Уордсворт ўз «Муқаддима» сининг бошида зиндонга ташлангандек узоқ вақтгача асирликда бўлган катта шаҳардан қочиб кетганлигидан ва у энди «озод, қуш каби озод», қаерда истаса, шу ерда яшаши мумкинлигидан хурсанд бўлади. Бироқ қуш каби озод бўлиш бутунлай озод бўлиш дегани эмас. Ҳозир озод, деб гапириладиган қуш аслида бутун умри давомида қўрқув, очлик ва инстинктлар асирлигида яшашини табиатшунос билади; унинг озодлиги ҳаво босими билан ўзгарадиган оби-ҳавога, жойдаги егуликнинг миқдорига, йиртқич ҳайвонларга, ҳаммасидан ҳам кучлироғи — қушларда мавжуд бўлган қонунга мувофиқ унга ажратилган кичикроқ ер ва ҳаво чегарасида қолишга бўлган интилишга боғлиқ равишда чегараланади. Энг катта озодликка эга бўлган қуш ҳам ҳар қандай

яратилган мавжудот каби ўзини ўраб олган зарурият тўри имкон берадиган нарсанигина қила олади. Ёлғиз Худогина эркиндир.

Айтишларича, Худо Унга ҳеч ким ва ҳеч нарса тўсқинлик қила олмагани ва бирор нарса қилишга мажбурлай олмагани, Уни тўхтата олмагани учун ҳам мутлақ эркиндир. У Ўз ихтиёрига кўра ҳар доим, ҳар ерда ва абадий ҳаракат қила олиши мумкин. Бу даражада эркин бўлиш ҳамма нарса устида ҳукмронликка эга бўлиш демакдир. Муқаддас Ёзувлардан Худонинг чексиз қудратга эга эканлигини биламиз; бу ҳақда биз шунингдек Унинг баъзи бир хусусиятларини кўриб чиқаётганимизда ҳам билиб олишимиз мумкин. Аммо Худонинг ҳокимияти ҳақида нима дейиш мумкин?

Қудратли Худо ҳокимиятини муҳокама қилишнинг ҳожати йўқдек, ундан шубҳаланиш эса ғирт беъманиликдир. Тангримиз Худо юқорироқ лавозим илинжида кимдандир рухсат сўрашини ёки кимгадир мурожаат қилишини биз тасаввур қила олармидик? Худо рухсат сўраб кимга борган бўлар эди? Тангри Таолодан ким юксакроқ экан? Қудратлидан ҳам қудратлироқ бормикан? Кимнинг лавозими Абадий Худо лавозимидан баландроқ? Худо кимнинг тахти қаршисида тиз чўккан бўларди? У илтимос билан мурожаат қилиши керак бўлган буюкроқ зот қаерда? «Исроилнинг Подшоҳи ва Қутқарувчиси Худо бундай дейди: Мен биринчи ва Мен охиригисиман: Мендан бошқа Худо йўқ!» (Иша. 44:6).

Худонинг олий ҳокимияти — бу Муқаддас Ёзувлар аниқ ифодасини топган ва у ҳақда ҳақиқат логикаси ҳаммага жар солиб гувоҳлик берадиган далилдир. Бироқ бу далилдан шу пайтгача тайинли бир ечимга эга бўлмаган баъзи бир муаммолар келиб чиқади. Бу ерда асосий муаммо иккитадир.

Биринчи муаммо — бу Худо яратган мавжудотлар ўртасидаги Худога маъқул келмайдиган баъзи бир иллатларнинг масалан, ёвузлик, хасталик ва ўлим кабиларнинг мавжуд бўлишидир. Агарда Худо олий ҳокимиятга эга бўлса, У бу каби иллатларнинг юзага келишига йўл қўймаслиги мумкин эди. Нима учун Худо шундай қилмади?

Муқаддас Китоб эътиқодидан бошқа буюк динлар ичида юксакроқ бўлгани зардуштийликдир. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да бу муаммо теологик дуализмни эътироф этиш йўли орқали эҳтиётлик билан четлаб ўтилган. Иккита Худо — Ахурамазда ва Аҳриман бор бўлиб, улар иккиси биргаликда дунёни яратишади. Раҳмдил Ахурамазда барча яхши нарсаларни яратган, қолган барча нарсаларни ёвуз Аҳриман яратган. Бу жуда оддий бўлган. Ахурамазда ташвиш қилиши керак бўлган олий ҳокимиятга эга бўлмаган ва кўри-ниб турибдики, ўз ваколатларини бошқа биров билан бўлишига қаршилик қилмаган.

Масиҳий учун бундай тушунча тўғри келмайди, чунки бу тушунча Муқаддас Китобнинг ҳамма жойида таъкидлаб ўтилган ҳақиқат — Худо ягона ва У самони, ерни ва ерда мавжуд бўлган ҳамма нарсани ёлғиз Ўзи яратган деган ҳақиқатга қарама-қаршидир. Худонинг атрибутлари бошқа худонинг мавжуд бўлишига имкон бермайди. Масиҳий дунёда ёвузликнинг борлиги ҳақидаги жумбоққа узил-кесил жавоб бера олмаслигини тан олади. Бироқ у бу жавобнинг қандай бўла олмаслигини билади. Шунингдек у *Авестода* ҳам аниқ жавоб йўқлигини билади.

Ёвузликнинг келиб чиқиши ҳақидаги тўлиқ изоҳлар маълум бўлмаган бир пайтда ҳам, биз барибир бу ҳақда озгина бўлса-да биламиз. Худо Ўзининг юксак донишмандлиги билан

Ўз ижодининг аниқ чегараланган соҳасида ёвузликнинг мавжуд бўлишига йўл қўйди, ёвузлик — бу ўз моҳиятига кўра жазодан қочиб юрган жиноятчидир, унинг ҳаракатлари вақтдан чегараланган ва ўз имкони даражасида чегаралангандир. Худо бу ишни Ўзининг чексиз донишмандлиги ва раҳмдиллигига муносиб тарзда қилди. Бундан ортиқроғи ҳали ҳеч кимга маълум эмас ва ундан ортиғини бир киши билишининг ҳожати ҳам йўқ. Худонинг исми — Унинг ишлари бенуқсон эканлигига шубҳа қилмаслигимиз учун етарлича қафолатдир.

Иккинчи шубҳасиз муаммо инсон хоҳиш-иродаси билан боғлиқ муаммодир. Агар Худо Ўз Коинотини Ўзининг шоҳона фармонларига кўра бошқарса, у ҳолда инсон қандай қилиб эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин? Агарда у эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлмаса, у ўз ҳатти-ҳаракатлари учун жавоб бера оладими? Инсон бу ҳолатда ўзининг жамики ҳаракатлари ишларидан тортиб Ўзига ёққанича ўйнатаётган сахна ортидаги Худога боғлиқ бўлган кўғирчоққа ўхшаб қолмайдими?

Бу саволларга жавоб беришга уриниш масиҳийлик жамотини иккита гуруҳга ажратиб қўйди. Бу гуруҳларнинг номи иккита машҳур теолог — Якоб Арминий ва Жан Кальвинларнинг номидан келиб чиққан. Кўпчилик масиҳийлар у ёки бу гуруҳда бўлганлигидан ва Худонинг олий ҳокимиятини ёки инсоннинг эркин хоҳиш-истагини инкор қилаётганлиги билан қаноатланишади. Аммо қуйида ифода қилинган уриниш у ёки бу лагернинг тарафдорлари учун ишончли бўлиб кўринма-сада, унисини ҳам, бунисини ҳам инкор қилмаган ҳолда, ҳар икки қарашни ҳам келишувга олиб келиш имконияти берилади.

Менинг фикрим қуйидагича: Ўзининг олий ҳокимияти билан Худо инсонга маънавий танлаш эркинлигини берди ва

инсон яхшилик ва ёмонликнинг биттасини танлаш йўли билан бошиданоқ Худонинг шартини бажарди. Инсон ёмонликни танлаган пайтида, у бу иши билан Худонинг олий ҳокимиятига қарши чиқмайди, аксинча, Худонинг иродасини бажаради. Чунки Худонинг абадий амри инсонга нимани танлаши кераклигини айтмайди, бироқ инсон бу танловда эркин эканлигини таъкидлайди. Агар Худо Ўзининг мутлақ эркинлиги билан инсонга чекланган эркинлик беришни истаган бўлса, ким «Унинг ихтиёрига қарши чиққан ва «Сен нима қилдинг?», дея олган бўлар эди» (Дон. 4:32). Инсоннинг хоҳиш-иродаси ўз қўлида, чунки Худо олий ҳокимиятга эга. Агарда Худода олий ҳокимият бўлмаганида эди, У Ўзи яратган мавжудотларга маънавий эркинлик бера олмаган бўлар эди. У бундай қилишдан чўчиган бўлар эди.

Балки бу нарсани англаб етишимиз учун кундалик ҳаётдан олинган мисол ёрдам берар. Океанда сузадиган лайнер Нью-Йорқдан Ливерпульга қараб йўлга чиқади. Лайнер сузиб бориши лозим бўлган жой бунга жавобгар одамлар томонидан аниқланган. Бу йўналишни ҳеч нарса ўзгартира олмайди. Бу нарса олий ҳокимият ҳақида бир мунча узоқроқ тасаввурни беради.

Лайнер бортида бир неча ўнлаб йўловчилар бор. Улар занжирлаб қўйилмаган ва уларнинг ҳаракатлари ҳеч қандай фармон билан чегараланмаган. Йўловчилар бутунлай эркин ва истаганча ҳаракат қила оладилар. Улар ўзлари истаганча овқатланишади, ухлашади, ўйнаб-қулишади, палубада сайр қилишади, мутоала қилишади, суҳбатлашишади; ва бу билан бир вақтнинг ўзида катта лайнер уларни белгиланган жой томон олиб кетаверади.

Бу ерда эркинлик ҳам, олий ҳокимият ҳам мавжуд ва улар бир-бирларига қарама-қарши чиқмайди. Худонинг олий ҳокимияти ва инсоннинг эркинлиги орасидаги муносабат ҳам худди шунга ўхшашдир. Худонинг шоҳона режасининг улкан лайнери тарих денгизида олдиндаги тайинланган жой сари шиддатли сузиб бормоқда. Худо дунё яратилгунига қадар Исо Масиҳда белгилаган азалий мақсадлар томон ҳеч қандай тўсиқларсиз илгарилаб бормоқда. Биз бу мақсадларнинг ҳаммасини билмаймиз, бироқ нималар юз бериши, келажақдаги бахт-саодатга бўлган эзгу умид ва унга нисбатан қатъий ишонч ҳақидаги умумий тасаввурларга эга бўлишимиз учун бизга кўп нарсалар маълум ва етарлидир.

Биз Худонинг пайғамбарларга берган ҳар бир ваъдаси бажаришини биламиз; биз бир кун келиб гуноҳкорлар ер юзидан четлатилишини ҳам биламиз; биз шунингдек, гуноҳи ювилганларнинг Худо қувончида бўлишини ва солиҳларнинг Ўз Оталари шоҳлигида нурга тўлишларини ҳам биламиз; биз Худо ҳамманинг олқишига сазовор эканлигини, ақл-идрокли ҳар қандай мавжудот Ота-Худонинг улуғворлигидаги Раббимиз Исо Масиҳни тан олишини, ҳозирги тартибсизликларга барҳам берилишини ва янги само ва янги ер юзи абадий ўрнатилишини биламиз. Худо ҳамма нарсага чексиз донишмандлик ва комил аниқлик билан ҳаракат қилиб боради. Ҳеч бир кимса Уни Ўз мақсадларидан воз кечишга кўндира олмайди; ҳеч қандай нарса Уни Ўз режаларидан қайтара олмайди. Худо ҳамма нарсани билгани учун ҳам, кутилмаган вазиятлар бўлиши, бахтсиз ҳодисларнинг юз бериши мумкин эмас. У олий ҳокимиятга эга бўлганлиги учун ҳам аксбуйруқларнинг ҳам, раҳбарликдаги келишмовчиларнинг ҳам бўлиши мумкин эмас; Худо қудратли бўлгани учун эса, Ўзи белгилаган мақсадларга эришиш учун унда ҳокимият етарлидир. Буларнинг



ҳаммаси бўйича Худода камчилик йўқ ва У бу нарсаларга ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган ҳолда эгадир.

Бироқ ҳамма нарса бу қисқача тафсилотда кўринганидек бир текис эмас. Ёмонлик сир-синоати ҳаракат қилмоқда. Худонинг шоҳона, аммо марҳаматли хоҳиш-иродаси доирасида яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги бешафқат кураш давом этаяпти ва борган сари шиддатлироқ бўлиб бораёпти. Худога ҳали довул ва бўрон орасидан ўтишига ҳам тўғри келади, бироқ бу довул ва бу бўрон фақатгина бу ерда, бу дунёдадир ва жавобгар мавжудотлар сифатида биз ҳозирги маънавий вазиятда ўз танловимизни амалга оширишимиз керак. Худо Ўзининг қарор қабул қилиш эркинлигига кўра биз учун маълум бир амрларни берди ва бу амрлардан бири — танлаш ва оқибатлар қонунидир. Худо итоат ва имон билан Ўғли Исо Масихга ўзини бағишлаган ҳар бир киши абадий ҳаётга эга бўлади ва Худонинг ўғилларига айланади, деб эълон қилди. У шунингдек, зулматни севадиган ва самонинг олий ҳокимиятига қарши исён кўтаришда давом этаётган ҳамма руҳан узоқлашган ҳолатда қолади ва охир-оқибатда ўлимнинг азоб-уқубатига абадий маҳкум бўлади, деб ҳам эълон қилган.

Агарда буларнинг ҳаммасини ғоят индивидуал ҳолатга боғлайдиган бўлсак, у ҳолда биз ҳаётий зарур ва ўта шахсий хулосаларга келаемиз. Бизнинг атрофимизда авж олаётган маънавий тўқнашувда ким Худо томонда бўлса — ғолиб томонда бўлади ва мағлубиятга учрамайди; ким бошқа томонда бўлса — мағлуб томонда бўлади ва ғалаба қила олмайди. Бу ерда тасодифлар мавжуд эмас, бу ерда муваффақият келтирувчи карта ёрдамида ютиб чиқишнинг иложи йўқ. Амалга оширилган танловнинг натижаларини инкор қилиш эркинлиги эмас, балки кимнинг томонида бўлиш учун танлаш

эркинлиги бор. Худонинг марҳамати билан биз нотўғри танлов учун тавба қилишимиз ва янги, тўғри танловни амалга ошириш билан, оқибатларни ўзгартиришимиз мумкин. Бундан ошиғи бизнинг қўлимиздан келмайди.

Маънавий танловнинг бутун бир моҳияти Исо Масиҳ атрофида жамланади. Масиҳ бу ҳақда тўғрида-тўғри: «Ким Мен билан бирга бўлмаса, У менга қаршидир» (Матто 12:30), шунингдек «Менсиз ҳеч ким Отанинг олдида боролмайди» (Юҳан. 14:6), — деб айтган. Хушxabарнинг мазмуни ўзида учта турли элементни мужассамлаштиради: эълон, амр ва даъват. Хушxabар Худо марҳаматига кўра гуноҳларнинг ювилиши ҳақидаги хуш хабарни эълон қилади; у барча одамларга улар қаерда бўлишларидан қатъий назар, тавба қилишларини амр қилади ва ҳамма одамларни Исо Масиҳга Рабби ва Нажоткори сифатида ишониб, Худо инъоми шартларини қабул қилишга даъват қилади.

Биз танлашимиз керак: ё Хушxabар айтганларини бажаришимиз ёки ишончсизлик билан юз бурган ҳолда ўз устимиздаги унинг ҳокимиятини инкор қилишимиз керак. Ҳар бир киши ўз танловини амалга оширади, бироқ бу танловнинг оқибати Худонинг шоҳона хоҳиш-иродаси томонидан аниқлаб қўйилган ва бу ерда ҳеч қанақанги ёрдам сўраб қилинган илтижоларнинг фойдаси йўқ.

Тангри пастга тушди  
Ва букди юксақдаги самони,  
Оёқларин остига эса  
Само зулматини сочиб ташлади.

Карублар ва серафимлар устида  
У парвоз қилди бутун салтанати бўйлаб,  
Ва қудратли шамоллар қанотида  
Ҳамма жойда учиб юрди.

Оқимлар шиддатин тинчитиш учун,  
Савлату хотиржамлик ила ўтирди;  
Ва олий Тангри ва Шоҳ сифатида  
У ҳамиша подшоҳлик қилар.

*Томас Стернхолд,  
шеърга айлантирилган сано.*

## Очиқ сир

Агарда бунга абадийлик нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, у ҳолда Жамоатни узоқ давом этган Бобил асирлигидан озод қилишлари ва унда аввалгидек Худо исмини яна улуғлашлари бугунги куннинг энг муҳим заруриятидир. Бироқ биз Жамоатни қандайдир ўз хусусиятига эга бўлмаган таркибдек, ақлга тўғри келмайдиган эътиқод абстракциясидек билиб, унинг ҳақида бундай мулоҳазалар юритишимиз керак эмас. Биз масиҳийлар — Жамоатдирмиз ва биз нимаики иш бажарсак, Жамоат бажаради. Бундан бу ҳар биримизнинг шахсий вазифамиз эканлиги келиб чиқади. Жамоатда олға ташланган ҳар бир қадам маълум бир алоҳида инсондан бошланиши керак.

Оддий масиҳийлар қўлдан бой берилган шон-шуҳратни қайтариб олишлари учун нима қилишлари лозим? Бу ерда биз билишимиз мумкин бўлган бирор сир мавжудми? Биз бугунги вазиятда, ўзимизнинг шахсий вазиятимизда қўллашимиз мумкин бўлган қандайдир шахсий янгиланиш формуласи борми? Бу саволга жавоб — *ҳа*.

Бироқ бу жавоб ҳам баъзи бир кишиларни ҳафсаласини пир қилиши мумкин, чунки у умуман мураккаб эмас. Мен сирли криптограммани ҳам, машаққат билан маъносини очиш мумкин бўлган сирли кодни ҳам келтирмоқчи эмасман. Мен онгсизликнинг ҳеч қанақанги яширин қонунига, оз сондаги кишилар учун мўлжалланган сеҳр-жоду билимига ҳам муурожаат қилмайман. Бу сир очиқдир ва у билан қизиққан ҳар

қандай киши уни ўқиб олиши мумкин. Бу шунчаки қадимий ва абадий янги бўлган насиҳат: *Худо билан таниш*. Қўлдан бой берилган қудратни қайтариб олиш учун Жамоат самони очик ҳолда кўриши керак, шунда Жамоат қаршисида уни бошқатдан тиклайдиган Худонинг очиглиги намоён бўлади.

Бироқ биз кўришимиз керак бўлган Худо ҳозирги кунда машҳур бўлган манфаатпараст Худо бўлмаслиги керак. У шунингдек, бошлаган турли хил ишларига Ўзининг муваффақият келтира олиши билангина одамларнинг эътиборини жалб қиладиган ва шу сабабга кўра ҳам, бирор нимага эга бўлишни истаган ҳар қандай киши Унинг кўнгли олиши ва мақташи мумкин бўлган Худо ҳам бўлмаслиги керак. Биз билишимиз керак бўлган Худо — бу самодаги Буюк Зот, Ота-Худо, Тангри Таоло, само ва ернинг Яратувчиси, ягона, донишманд Худо, бизнинг Нажоткоримиздир. У ер орбитасида савлат тўкиб ўтирган, самони унда яшаш учун парда каби суриб қўядиган ва уни чодирдек ёядиган, юлдуз каби порлайдиган фаришталар тўпининг сонини биладиган ва уларнинг ҳар бирини Ўз қудрати туфайли исми билан чақирадиган Худодир. У инсоннинг ишлари шухратпараслик эканлигини кўриб турувчи Худодир. Бу Худо бекларга ишонмайди ва шоҳлардан маслаҳат сўрамайди.

Муқаддас Китоб таълим берган ва дунё билган барча муқаддаслар ичида энг муқаддаси ва солиҳи бўлган инсонлар асрлар давомида такрорлаб келган бу шартларни қисқача баён этишим учун менга рухсат берсангиз.

Биринчидан, биз ўз гуноҳларимиздан воз кечишимиз керак. Худо фосиқларча ҳаёт кечираётган одамлар томонидан таниб-билинмаслигига бўлган ишонч масиҳийликка хос бўлган қандайдир янгилик ҳисобланмайди. Масиҳийликкача бўлган

даврда ёзилган *Сулаймон доноликлари*, деб номланган яхудийларнинг қадимий китобида шундай деб ёзилган: «Адолатни севинглар, дунё ҳакамлари, Худо ҳақида тўғри фикр қилинглар, камтар юрак билан Уни изланглар. Чунки У Ўзини ҳурмат қиладиганларга намоён бўлади, Ўзига ишонганларга Ўзини зоҳир қилади. Ўзбилармонлик кишини Худодан узоқлаштиради, фақат ахлоқлар Уни синаб кўрмоқчи бўлади. Маккор юрак ичига донолик кирмайди, гуноҳга қул бўлган танада Муқаддас Рух яшамайди...» (1:1-5).

Худди шундай фикр Илоҳий руҳдан илҳомланиб ёзилган Муқаддас Ёзувларда ҳам бир неча бор такрорланади; уларнинг ичида энг машҳури Масиҳнинг: «Поқдил бўлганлар бахтлидир, чунки улар Худони кўрур» (Матто 5:8), — деб айтган сўзларидир.

Иккинчидан, ўз ҳаётимизни имон билан Масиҳга тўлатўкис бағишлашимиз керак. «Масиҳга ишониш» — Унга хоҳиш-ирода ва ҳис-туйғу билан боғланиш ва шунингдек, Унга ҳар бир нарсада итоат этиш демақдир. Бунинг учун биз Унинг амрларига риоя қилишимиз, ўз хочимизни олиб юришимиз, Худо ва инсонларни севишимиз керак.

Учинчидан, биз ўзимизга гуноҳ учун ўлган ва Худо учун Исо Масиҳда тирик бўлган кишиларга қарагандек қарашимиз, кейин эса Муқаддас Рухнинг кириб келиши учун қалбимиз эшикларини ланг очишимиз лозим. Шундан сўнг, биз ҳамиша Рухда бўлишимиз учун ўз-ўзини бошқариш интизомига риоя қилишимиз ва танамиз хоҳиш-истакларини оёқларимиз билан тепкилаб ташлашимиз керак.

Тўртинчидан, биз тубанлашган дунёнинг ҳеч нарсага арзимайдиган қадрсизликларидан кўрқмасдан воз кечишимиз, имонсиз одамлар интиладиган ҳамма нарсадан ўзимизни

руҳан четлашимиз ва ўзимиз учун Худо солиҳларга ҳам, фосиқларга ҳам инъом қилган энг оддий табиий ҳузур-ҳаловатларни раво кўришимиз зарур.

Бешинчидан, биз Худонинг улуғворлиги ҳақидаги узоқ давом этувчи ва севги билан тўлиб-тошган ўй-фикрларимизни амалда қўллашимиз керак. Бунинг учун баъзи бир ҳаракатларни амалга оширишга тўғри келади, чунки улуғворлик ҳақидаги тасаввур одамларда бутунлай йўқолиб кетди. Ҳозирги кунда инсоннинг қизиқишлари унинг ўзига қаратилгандир. Инсонпарварлик ўзининг турли кўринишлари билан эътиқодни сиқиб чиқарди ва унинг ўрнига тушунишнинг калити сифатида ҳаётни қўйди. XIX асрда шоир Суинберн: «Юксакликлардаги инсонга олқишлар бўлсин! Инсон — буюмлар эгасидир», — деб ёзганида, у замонавий дунёга «Раббим, Сени олқишлаймиз» ибодатининг янги шаклини киритди. Ҳамма нарсани аввалги ҳолатига мақсадга мувофиқ хоҳиш-ирода ҳаракати билан қайтариш керак ва бу вазиятда сабр-тоқат билан онгли равишда ушлаб туриш зарур. Худо — Шахсдир ва биз юракларимизни мўъжизага тайёрлаган ҳолда Унинг билан янада яқиндан танишишимиз мумкин. Эҳтимол, биз Муқаддас Ёзувларни олтин узар билан кўмиб ташлайдиган шон-шухрат кўтарилиб келаётган қуёш каби бизнинг ички ҳаётимизда юксалишига қараб, Худога бўлган одатдаги имонимизни ўзгартиришимизга тўғри келар. Балки Хушхабар Жамотларида ҳукмронлик қилувчи қонункашлиқдан хотиржам ва муносиб тарзда узоқлашишимизга ва орамизда масиҳийлик деб ҳисобланадиган кўпгина мулоҳазасизликларга қарши чиқишимиз зарурдир. Балки бунинг оқибатида биз маълум бир вақтгача дўстларимиздан айрилармиз ва «художўйлар» деган ном ҳам олармиз: бироқ бундай муҳим ишда қўнғилсиз

оқибатлардан чўчиган киши Худо Шоҳлигига муносиб бўлмайди.

Олтинчидан, Худо ҳақидаги билимлар қизиқарли, ажойиб бўла бошлагани сайин, бошқа одамларга янада кўпроқ хизмат қилиш биз учун мажбуриятга айланиб қолади. Марҳаматли билимлар биз улардан худбинларча завқ олишимиз учун беришмайди. Худо ҳақидаги билимларимиз қанчалик етук бўлгани сайин, ҳозиргина эга бўлган бу билимларни азоб чекаётган инсониятга нисбатан раҳм-шафқат йўлида қўллаш истаги шу қадар кучайиб боради. Бизга ҳамма нарсани берган Худо, ҳамма нарсани беришни Уни қанчалик яхши таниб-билишимизга қараб, биз орқали давом эттиради.

Шу вақтгача биз инсоннинг Худога бўлган шахсий муносабатини кўриб келаётган эдик, бироқ инсоннинг ўнг қўлидаги ўзини ўз хушбўйлиги билан «билдириб қўяётган» ёқимли мой каби, Худо ҳақидаги ҳар қандай чуқур билим ҳам тез орада масиҳийлик ҳамжамиятида атрофимизни ўраб турганларга таъсир қила бошлайди. Биз эса ўзимизда кўпайиб бораётган нурни Худо оиласининг бошқа аъзолари билан бўлишиш учун ҳаракат қилишимиз керак.

Биз бу нарсани бошқа одамлар олдида, Худога хизмат қилган ҳолда, ҳамиша Худонинг улуғворлиги сари интилган пайтимиздагина аъло даражада амалга ошира оламиз. Шахсий ибодатларимизгина эмас, балки гувоҳлигимиз, қўшиқларимиз, ваъзимиз ва ҳатто ёзаётганларимиз — буларнинг ҳаммаси муқаддас Тангримиз шахси атрофига жамланиши керак ва биз ҳамиша Унинг улуғворлиги, хурмати ва қудратини олқишлашимиз, улуғлашимиз зарур. Самода, Буюк Зотнинг ўнг томонида содиқлик билан бизнинг манфаатларимизни ҳимоя қилган ҳолда, шон-шуҳрат ила Инсон ўтирибди. Биз одамлар



орасида жуда кам вақтта қолдирилганмиз. Келинглар, биз бу ерда Унинг садоқатли вакиллари бўлайлик.